

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

АХБОРОТНОМАСИ

№ 1-2/2023

Тошкент – 2023

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ**

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

<p align="center">Бош муҳаррир: Олимжон АХМЕДОВ</p>	<p align="center">Муассис: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти</p>
<p align="center">Жамоатчилик Кенгаши таркиби: Нуриддин НОРМАТОВ Азизбек ИКРАМОВ Баходир МАТЛЮБОВ Умидбек НУРУЛЛАЕВ</p>	<p align="center">2023 йил – ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ</p> <p align="center">Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, лотин, кирилл ёзувида чоп этилади.</p> <p align="center">Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир.</p> <p align="center">Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак.</p>
<p align="center">Ҳайъат аъзолари: Улуғбек РАСУЛЕВ Нуъмон АЗИЗОВ Фарход ХАТАМОВ Музаффар ТОЖИБОЕВ Рустам ТУЛЬТЕЕВ Меҳмонали СУВОНҚУЛОВ Эркин МАЪРУПОВ</p>	<p align="center">***</p> <p align="center"><i>Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда № 1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.</i></p>
<p align="center">Таҳририят: Масъул муҳаррир: Карим НОРМАТОВ Мусаҳҳих: Рўзибуви ҚУРБОНОВА Саҳифаловчи: Маъруф РАҲМОНОВ</p>	<div style="border: 1px solid black; padding: 10px;"> <p align="center"><i>Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар “Малака ошириш институтининг Ахборотномаси” илмий- амалий журнали 2023 йил 15 июндаги ОАК Раёсатининг 339/6-сон қарорига асосан юридик ва тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган миллий илмий нашрлар рўйхатига киритилганлигини маълум қилади.</i></p> </div>

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Йил мўъжиза – бу 365 ёхуд тўрт йилда бир марта келадиган 366 та куну-тунни кашф қилган табиат сардори ва сарвари. Ҳар йилнинг баракасини берсин, деб дуо қилади олам аҳли.

Бу йил баракали келди. *Феврал* оғи буюк шоҳ ва саркарда Бобур Мирзонинг 540 йиллиги юбилеи йили, деб эълон қилинди.

Апрелда Бахт Қомусимиз – Янги Ўзбекистон Конституцияси референдуми бўлиб ўтди. Доно ва донишманд Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини муддатидан илгари янги Конституцияга мувофиқ ўтказиш лозимлигини **майда** эълон қилиб, жорий йил **9 июлга белгиладилар**.

2023 йил Кадрлар йили. Уларни сайлаш, тайинлаш, тайёрлаш ўта долзарб масала ва муаммо ҳам. Боиси, муҳтарам Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига **номзод сифатида май ойида ўз дастурини эълон қилар экан**, Президентлик даври етти йилда қандай муҳим ва улкан марраларни белгилаган бўлсалар, муайян даражада амалга оширилади, албатта.

Янгилик, Янги Ўзбекистон Конституциясида Ўзбекистон Республикаси Президентлик муддати *етти йилга* узайтирилди. Хулоса қилганда, етти йиллик Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда 2030 йилгача мамлакатимиз миллий ривожланишининг барча жабҳаларини режалаштиришда, албатта ИИВ Малака ошириш институти аҳил жамоаси ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, белгиланаётган оқилна вазифаларни амалга оширишга астойдил киришяпмиз.

Янги Ўзбекистоннинг тинчлиги ва осойишталиги учун, барқарор ривожланишининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда кўзланган марраларни эгаллаш ва ҳормай-толмай фаолият олиб боришимиз – тингловчилар учун самарали мақсад ва вазифага айлансин!

**26 АПРЕЛЬ – ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ
МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН**

ТИЛАК

*Ҳар кимсанинг бўлсин ўзин бошпанаси,
Ҳар кимса ўз кулбасида даврин сурсин.
Одамни-ку айтмай турай, бу дунёда
Ҳатто, қушининг ёт булоқда уни қурсин.*

*Тирик инсон бир куни оч, бир кун тўқдир,
Бир кун тўкин, бир кун бурда нони йўқдир.
Бир ўгил-ку отасиз ҳам кунин кўргай,
Отаси йўқ халқнинг кўрган куни қурсин!..*

*Гарчи бошин эггани йўқ эдик бизлар,
Экканидан теккани йўқ эдик бизлар.
Ватанида ватани йўқ эдик бизлар...
Ўша зулмат ўтмиш, сенинг уйинг куйсин.*

*Ўз элингда энди ҳушинг, ўзинг чоғла,
Ўз қўлингда энди қушинг, ўзинг овла.
Олтинларинг тирноқларинг билан кавла,
Ва йиғиб қўй! Болаларинг учун турсин.*

*Бешикларга тўлиб кетсин бир ўзбеклар,
Тили чиқмай кўзи чақнар ҳур ўзбеклар –
Давлатбеклар, Ўтиқодбек, Иймонбеклар
Бобожон, деб соқолларинг силаб турсин.*

*Мен бу шеърни ёзганим йўқ атай ўйлаб,
Мен шеър ёздим гуркираган юртга бўйлаб.
Шундай юртни худойимнинг ўзи қўллаб,
Шундай юртни Худо ўзи асраб юрсин!*

*Долзарб мавзу***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ
ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА
МУРОЖААТНОМАСИ**

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Жонажон Ўзбекистонимиз миллий ривожланишнинг янги даврига дадил кадам қўймоқда. Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Беҳисоб шукр, бу йил аҳолимиз 36 миллиондан ошди. Ҳар йили сафимизга қарийб 900 минг янги авлод қўшилмоқда.

Ўзбекистон деб аталмиш катта ва иноқ оиланинг ҳар бир аъзоси тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш йўлида тинимсиз изланяп-миз.

Яқунига етаётган 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли йил бўлди, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади. Ушбу даврда тўплаган тажрибамиз бир ҳақиқатни яққол исботлаб бермоқда: **таракқиётга – фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади.**

Шу боис, пандемия, дунёдаги чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, зиддиятларга қарамасдан, халқимизнинг қаҳрамонларча меҳнати билан эришган айрим ютуқларимизни айтиб ўтишни ўринли, деб биламан.

Кенг кўламли ва самарали ислоҳотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди.

Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди, экспортимиз эса, 19 миллиард долларга етди.

Бундай катта натижалар илгари бўлмаган.

Биз бу йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдорини минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқдик. Мисол учун, 2017 йилда кам таъминланган 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, бугунга келиб 2 миллиондан ортиқ

оилаларга кўмак берилмоқда. Ажратилаётган маблағлар эса, 7 баробар кўпайтирилиб, йилига 11 триллион сўмга етди.

Биз иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини, аҳоли жон бошига даромадларни ошириш сиёсатини изчил давом эттирамиз.

Бу рақамларни айтиш осон. Уларнинг ҳар бири ортида машаққатли меҳнат турибди. Чунки инсон қадри, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала.

Шу мақсадда охириги олти йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар қурдик.

Бу даврда қўшимча 500 минг ўқувчи ўрни яратилиб, уларнинг жами сони 5 миллион 300 мингга етди. Ҳозирги вақтда яна 1 миллион 200 минг ўқувчи ўрни яратиш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда.

Халқимиз соғлиғини сақлаш учун барча тиббий хизматларни энг чекка туман ва маҳаллалар даражасигача туширяпмиз.

Одамларимизни касб-ҳунарли қилиш, уларнинг бизнесига кенг йўл очиш, ҳақиқий мулкдор бўлиб, даромад топиши учун зарур шароитларни яратмоқдамиз.

Бу йил 381 нафар спортчимиз жаҳон ва Осиё мусобақаларида, 43 нафар иқтидорли ва билимдон ёшларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадалари ҳамда танловларида совринли ўринларни қўлга киритгани барчамизни албатта қувонтиради.

Нуроний отахон ва онахонларимиз оила даврасида, ҳаж ва умра зиёратларида шукроналик дуоларини қилаётгани бизга куч ва ғайрат бағишламоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон сиёсати марказларидан бирига айланаётгани, халқаро ҳамжамият буни кенг эътироф этаётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва Туркий давлатлар ташкилоти саммитлари ҳамда ўнлаб юқори даражадаги халқаро анжуманларга мезбонлик қилдик ва муҳим ташаббусларни илгари сурдик. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Мана шундай катта ютуқларга эришишда фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшган ҳар бир юртдошимизга ўз миннатдорлигимни билдираман.

Жаҳоннинг илм-фан, маданият ва спорт шоҳсупаларида байроғимизни баланд кўтараётган ўғил-қизларимиз, шижоатли ёшларимизга янги-янги зафарлар тилайман. Улар бизнинг фахримиз-ғуруримиздир.

Чегараларимиз дахлсизлиги ва тинчлигимизни кўз қорачиғидек ҳимоя қилиб келаётган Ватанимиз посбонларига ҳам эзгу тилакларимни йўллайман.

Қадрли фахрийларимиз, мухтарама опа-сингилларимиз, тадбиркор ва фермерларимизга ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Ислоҳотларимизни қўллаб-қувватлаб келаётган хорижий ҳамкорларимизга, бугунги анжуманда қатнашаётган дипломатик корпус вакилларига ҳам ташаккурларимни айтаман.

Албатта, эришаётган барча ютуқларимиз, инсон қадри улуг бўлган диёр – Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги дастлабки натижалардир. Биз бун-ёдкор халқимиз билан бирга бундай эзгу ишларни давом эттирамиз ва олдимизга қўйган катта-катта марраларга албатта эришамиз.

Ҳурматли юртдошлар, қадрли меҳмонлар!

Ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз – бугун инсоният ниҳоятда мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Ер юзида иқлимнинг кескин ўзгариши, сув ва бошқа табиий ресурслар камайиши билан боғлиқ муаммолар катта хатарларга айланмоқда.

Халқаро муносабатларда ўзаро ишонч камайиб, қарама-қаршилиқ ва можароларнинг ортиши барқарорлик ва ривожланишга жиддий хавф солмоқда.

Афсуски, бундай хавф-хатарлар бизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Қорақалпоғистонда шу йил ёз ойида содир бўлган нохуш воқеалар бутун эл-юр-тимизни қаттиқ қайғуга солди. Худога шукр, кўп миллатли халқимизнинг оқиллиги ва донишмандлиги билан вазият тезда изга тушди.

Биз учун **“Қорақалпоғистоннинг ютуғи – бутун Ўзбекистоннинг ютуғи, - Қорақалпоғистоннинг ташвиши – бутун Ўзбекистоннинг ташвиши”** деган ғоя ҳамиша амалий ҳаракат дастури бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бизнинг эзгу мақсадимиз – биргаликдаги меҳнатимиз билан Янги Ўзбекистонда ҳар томонлама ривожланган, обод ва фаровон Янги Қорақалпоғистонни бунёд этишдир.

Асрлар давомида эт ва тирноқ каби бир бўлиб кетган халқларимиз дўстлигига ҳеч қандай куч таъсир кўрсата олмайди. Чунки бизнинг ўтмишимиз бир, бугунимиз ҳам, келажагимиз ҳам бир.

Биз жонажон Ватанимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга ҳар томонлама қодирмиз. Тинч ва осойишта ҳаётимизни асраб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, барқарор тараққиёт йўлимизни жадал давом эттирамиз!

Азиз дўстлар!

Бир ҳаётий ҳақиқатни таъкидламоқчиман – бугун замон ҳар қачонгидан ҳам тезлашди. Фаровонлик ошгани сайин аҳолимизнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди.

Шу боис, “**Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат**” деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Асосий қонунимизни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу ислоҳотдан халқимиз катта ўзгаришлар кутмоқда. Бугунги кунга қадар бу борада 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Муҳокамалар қизғин давом этмоқда. Бу жараёнда депутатларимиз, сиёсий партияларимиз масъул ва фаол бўлиб, ҳар бир таклифга жиддий ёндашаётганини кўриб турибмиз. Бунинг учун уларга раҳмат айтаман.

“Жамият – ислоҳотлар ташаббускори” тамойили асосида барча масалалар бўйича халқимиз билан бамаслаҳат иш тутамиз.

Умуман, маъно-мазмуни инсон қадрини улуғлаш руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шошилмасдан ишлаб чиқишимиз керак.

Фуқароларимиз билдирган барча таклиф ва истаklar албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Энг муҳими – ҳар бир ватандошимиз конс-титущиявий ислохотларга дахлдор бўлиши ва **“Бу – менинг Конституциям”**, деб юксак ғурур ва ифтихор билан айта олиши керак.

Муҳтарам юртдошлар!

Келгуси йилга режаларни тўғри олиш учун халқимизнинг фикрини ҳар бир йўналиш бўйича чуқур таҳлил этиб, 20 мингга яқин таклифларни муҳокама қилдик.

Одамларимиз таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт йўналишларида аниқ-аниқ масалаларни кўтариб, улар бўйича тизимли ечимларни ҳам таклиф этмоқда.

Аҳолимиз биздан мактаб, боғча ва шифохоналарни кўпайтириш, таълим ва тиббиёт сифатини оширишни, маҳаллада йўл, сув, электр, транспорт муаммоларини ҳал қилишни, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорликка янги имкониятлар яратишни, адолатни таъминлаш, оврагарчилик, бюрократия ва коррупцияни йўқ қилишни кутмоқда.

Кўтарилган масалалар аниқ ва ўринлидир. Қанчалик қийин бўлмасин, биз бу муаммоларни ечишимиз шарт. Ҳеч ким четдан келиб, буларни ҳал қилиб бермайди. Одамларимизнинг ташаббуси, шижоати ва салоҳиятини ишга солиш учун барча шароитларни туғдириб бериш асосий вазифамиз бўлиши керак.

Халқимизга қанча имконият яратсак, бунинг фойдаси жамиятимизга ўн карра, юз карра бўлиб қайтади.

Шу боис, кириб келаётган янги, 2023 йилга юртимизда **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”**, деб ном беришни таклиф қиламан.

Нима учун йилга бундай ном беряпмиз?

Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг марказида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашни устувор вазифа этиб белгиладик. Бу сиёсат бир йил билан чекланиб қолмаслиги, доимо бардавом бўлиши барчамизга аён.

Аслида ҳам, бизнинг энг бебаҳо бойлигимиз, бу – бунёдкор халқимиз, дуоғўй ота-оналаримиз, навқирон авлодимиз эмасми?

Шу юртда яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз ва бу йўлдан асло тўхтамаймиз.

Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир.

Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганларидек:

“Заковат бор жойда улуғлик бўлади,
Билим бор жойда буюклик бўлади”.

Шунинг учун ушбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал этишимиз керак.

Биз келгуси йил Давлат дастурига халқимиз кўтарган барча масалаларни аниқ ечимлари билан киритамиз. Ушбу жараёнларда депутат ва сенаторлар, маҳалла вакиллари, зиёлилар, ёшлар, тадбиркорлар ва кенг жамоатчилигимиздан фаол бўлишларини, янги-янги таклиф ва ташаббуслар билдиришларини сўрайман.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Энди 2023 йилдаги устувор йўналишларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчи йўналиш. Ихчам ва самарали давлат бошқарув тизимига ўтишни таклиф қиламан.

Нима учун сўзни айнан шу йўналишдаги ислохотдан бошляпман?

Олдинлари эътибордан четда қолиб, “йўқ бўлиб кетиш” арафасида бўлган соҳаларни “оёққа турғизиш” учун олти йил давомида янги вазирлик ва идораларни ташкил қилишга тўғри келди. Шундай қилишга мажбур эдик, акс ҳолда ҳозирги ютуқларимиз бўлмас эди.

Мақтабгача таълим, уй-жой коммунал, “маҳаллабай” ишлаш, инвестиция, давлат хизматлари, давлат-хусусий шериклик соҳаларида катта натижаларга эришдик. Хусусий -сектор ва тадбиркорликнинг ривожланиши ортга қайтмас жараёнга айланди. Аҳолимизнинг фаоллиги, замонавий технология ва касб-хунарларга интилиши ошиб бормоқда. Иқтисодиётимизда кундан-кунга янги-янги йўналиш ва соҳалар яратилмоқда.

Бу борада хусусий ташаббусларни янада кенгайтириш, уларга янги истикболларни очиш мақсадида энди “қўл бошқаруви”дан – аниқ натижага ишлайдиган тизимли бошқарувга ўтиш вақти келди.

Очиқ айтиш керак – ҳозирги кунда давлат аппаратида такрорланиш кўп, кераксиз штатлар бор. Марказлашув юқори. Оқибатда бугунги

мураккаб масалаларга тўғри ечим топиш учун ортиқча вақт, куч ва ресурс сарфланмоқда.

Вазирларнинг Ҳукумат қабул қилаётган қарорларда, таъбир жоиз бўлса, “овози йўқ”. Яъни, уларнинг ушбу қарорларни тайёрлаш ва ҳаётга жорий этишдаги иштироки ва масъулияти етарли эмас. Энди вазирларнинг бундай эскича усулда ишлашга ҳаққи йўқ.

Агар вазирнинг ўз соҳаси бўйича узоқни кўзлаган аниқ ёндашувлари бўлмаса, унинг фаолияти туфайли одамларнинг оғири енгил бўлмаса, ўзингиз айтинг, бундай раҳбардан нима наф бор?

Шунинг учун янги маъмурий ислохотлар тўғрисидаги Фармонни имзоладим. Бунга узоқ тайёргарлик кўрдик.

Биринчи босқичда вазирликлар ислоҳ қилинади, Ҳукумат иш услуби ҳам тубдан ўзгаради. Энг аввало, вазирлик ва идоралар сони ҳозирги 61 тадан 28 тага камайтирилади.

Энди ҳар бир вазирлик тегишли соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга масъул бўлиб, тармоқ таркибидаги қўмита, агентлик ва инспекцияларга раҳбарлик қилади.

Кўп вазирлар ўзгаради. Ўз соҳасининг чуқур билимдони, фидойи ва ишидан халқ рози бўлаётган вазирлар лавозимида қолади. Ўйлайманки, бундай ёндашув адолатли бўлади.

Давлат хизматчилари сони босқичма-босқич 30-35 фоизга қисқаради. Иқтисод қилинадиган маблағлар ижтимоий масалаларга йўналтирилади.

Ҳар бир вазирнинг сиёсий мақоми, – Президент, парламент ва жамоатчилик олдидаги масъулияти оширилади. Бунга мос равишда жавобгарлиги ҳам кучайтирилади. Уларга аҳоли муаммоларини ҳал қилиш учун етарли ваколат ва маблағ берилади.

Вазирликлар фаолиятида очиклик, қонунийлик, натижадорлик ва сифат асосий мезон бўлади.

Биз коррупция ҳақида кўп гапирамиз, лекин вазирлик тизимида коррупцияга йўл қўйилса, нима учун вазир жавоб бермаслиги керак? Энди сўров бошқача бўлади. Вазир ўзи раҳбарлик қилаётган соҳага ажратилган маб-лағларни самарали ва мақсадли ишлатиш бўйича биринчи бўлиб ўзи жавоб беради.

Имом Мотуридий бобомизнинг: “Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи халқ ҳамиша сен билан бирга бўлгай”, деган ҳаётий

ҳикмати ҳар бир вазир, ҳар қайси раҳбарнинг онги, қалби ва ҳаракатида муҳрланиши лозим.

Давлат вакиллари ўзининг ҳалол меҳнати, оддийлиги, халқсеварлиги, самимийлиги ва фидойилиги билан одамларимиз меҳрини қозониши керак.

Энди вазирларнинг сиёсий масъулияти оширилиб, Ҳукумат қарорлари лойиҳалари, мамлакатимиз ҳаётига оид муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бевосита вазирлар иштирокида коллегиял ҳал этилади.

Ҳар бир вилоятдаги муаммоларни ечиш учун ҳар ойда жойига чиққан ҳолда, “Ҳукумат куни” ўтказилиши йўлга қўйилади.

Вазир ҳар йилнинг бошида жамоатчилик олдида соҳадаги режаси ва йил якуни билан эса унинг натижаси бўйича ҳисобот беради.

Таъкидлаб айтмоқчиман – энди қайси вазир ўз ишини эплай олмаса, истеъфога чиқади.

Шу ўринда яна бир фикрни Парламент вакилларига етказмоқчиман.

Сўнгги йилларда кўп ваколатларни Олий Мажлисга ўтказдик, уларни янада кенгайтиришни ўйлаяпмиз. Янги вазирни тайинлашда ҳам депутатлар иштирок этмоқда, режалари билан танишиб, маъқулляпти. Лекин, афсуски, кейинчалик фақат танқид билан чекланмоқда.

Маълумки, соҳалар бўйича иккала палатада ҳам қўмиталар, комиссиялар бор. Аслида, улар вазирларга қайси йўналишда ёки ҳудудда иш яхши кетмаётганини кўрсатиши, камчиликлар бўйича жойига чиқиб, аҳоли фикрини ўрганиб, масалага биргаликда ечим топишлари лозим.

Шу боис, вазир фаолиятини самарали ташкил этишда парламентдаги қўмита, комиссия ва депутатларнинг ҳам масъулиятини белгилаш тўғри бўлади, деб ҳисоблайман.

Албатта, танқид ҳам керак. Аммо ҳозирги депутатларга берилган катта ваколат ва имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим.

Мен ҳам узоқ йиллар депутат бўлиб ишлаганман, ўша даврда Парламентда ҳисобот берган вазирларни камдан-кам кўрар эдик. Ҳозир эса вазият мутлақо бошқача-ку! Шунинг учун энг муҳим масала – юрт тақдирига дахлдор бўлиб, халқимизни рози қилиш учун ҳаммамиз биргаликда ишлашимиз керак.

Умуман, Парламентимизнинг иш услубини яхшилаш ва фаолият самарадорлигини ошириш ҳам Конституциямизда ўз аксини топиши зарур.

Маъмурий ислохотларнинг иккинчи босқичи сифатида келгуси йилда ҳудудлардаги бошқарув тизими ҳам ислох қилинади.

Барча маъмурий ислохотлар доирасидаги янги ташаббуслар Конституциямизда албатта белгилаб қўйилиши лозим. Ўйлайманки, сизлар ҳам бунга қўшиласизлар.

Бу йил “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги янги қонунни қабул қилдик. Бундан буён давлат лавозимларига фақат конкурс асосида ишга қабул қилинади. Барча раҳбарлар фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаб борилади.

Ҳар йили 500 нафар мутахассисни энг нуфузли хорижий олийгоҳ ва марказларда ўқитиб келамиз.

Келгуси икки йилда ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлигига республика идораларида юқори лавозимларда ишлаган, билимли ва таж-рибали кадрлар қўйилади.

Янги йилдан бошлаб ҳар бир ҳоким ўз туманига 40-50 миллион доллар хусусий инвестицияларни олиб келиши керак бўлади.

Вазирлар фақат давлат маблағини сарф қилмасдан, ўзлари ҳам ташаббус кўрсатиб, хусусий инвестицияларни жалб қилишлари лозим. Масалан, давлат-хусусий шериклик орқали қишлоқ, сув, ўрмон хўжаликлари, транспорт соҳаларига бемалол йилига 1 миллиард долларгача сармоя олиб келиш мумкин.

Маъмурий ислохотлар доирасида яна бир муҳим ташаббусни илгари сурмоқчиман.

Ҳозирги кунга келиб Марказий Осиёда аҳолиси миллиондан ортиқ шаҳарлар 7 тага етди. Минтақамизда пойтахтлар билан бир қаторда бошқа йирик шаҳарлар ҳам “ўсиш нуқталари”га айланмоқда. Буларнинг орасида Самарқанд ва Наманган шаҳарлари ҳам бор. Уларнинг ҳар бирида аҳоли сони бир миллионга етмоқда. Иккала шаҳарда ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳри дунё танийдиган мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига айланмоқда. Наманган ҳам саноат, тадбиркорлик, таълим, маданият соҳаларида минтақавий марказ сифатида ўз ўрнини топмоқда. Шу боис, Самарқанд ва Наманган шаҳарларини алоҳида маъмурий-худудий бирликлар сифатида республика бўйсунувига ўтказишни таклиф қиламан.

Бу пойтахтимиз Тошкент билан бир қаторда “ўзига тортувчи марказлар”ни кўпайтириш бўйича бошлаган сиёсатимизда янги амалий қадам бўлади; жон бошига даромад, иш жойларини кўпайтиради; иккала

вилоятда ҳам туманларни ривожлантиришга кўпроқ – эътибор қаратилади ва буям адолатдан бўлади.

Энди ушбу вилоят ҳокимлари фақат йирик шаҳарлар билан эмас, туманларда шароитларни яхшилаш бўйича ҳам ишлаши талаб этилади.

Ҳар иккала шаҳарни ривожлантириш дас-тури Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланиб, уларнинг ижроси учун бевосита Бош вазир жавоб беради.

Иккинчи йўналиш. Биз Янги Ўзбекистонни “ижтимоий давлат” тамойили асосида қуришни мақсад қиляпмиз. Буни Конституцияда мустаҳкамлашимиз керак.

Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечирishiга зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир.

Шу боис, биринчи навбатда, эътиборни Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни кўллаб-қувватлашга қаратамиз.

“Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”.

Маърифатпарвар жаид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак. Шу боис, мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарур, деб ҳисоблайман.

Келгуси йилдан бошланғич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилади. Ҳозирги вақтда улар халқаро экспертзадан ўтиб, ўзимизда синовдан ўтказилмоқда. Лекин юқори синфларда-чи? Очик айтиш керак, уларда берилаётган таълим ва тарбия сифати, ўқитувчиларнинг билими ва маҳоратини талаб даражасида, деб бўлмайди.

Болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларини пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-ҳунарларга, санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз лозим.

Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш зарур.

Мана, мактабларимизга қандай муҳит кириб келиши керак!

Бу борада Президент мактабларида 130 та мамлакатда маъқулланган “A-level” таълим дастури йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Бу жараёнда ҳар бир ўқувчи ўзининг қобилиятига қараб, аниқ йўналишлар бўйича чуқур ўқитилади, дунёнинг нуфузли олийгоҳларига кириш имкониятлари кенгайди.

Шу боис, 2023 йилдан мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилишни бошлаймиз.

Бу ишларни тизимли йўлга қўйиш, янги дарсликларни ишлаб чиқиш, илғор таълим стандартлари ва методикаларини жорий этиш учун алоҳида илмий институт ва лабораториялар ташкил қилинади. Миллий ўзлимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътибор янада кучайтирилади.

Ҳозирги очиклик сиёсати, чет эл инвестициялари ва янги корхоналарнинг ортиб бораётгани ёшларимизни замонавий билимлар ва хорижий тилларни ўрганишга ундамоқда. Шу боис, мактабларга юқори малакали хорижий ўқитувчиларни олиб келишга мажбур бўляпмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча мактаб жамоаларига муурожаат қилмоқчиман.

Жондан азиз болаларимиз мактабдан чет тилларни, касб-ҳунар ва компьютер саводхонлигини пухта ўрганиб чиқса, биласизларми, жамиятимиз қандай ўзгаради?

Янги Ўзбекистонда мактаб жамоалари ва муаллимларининг масъулияти – айнан ана шу масалаларда яққол намоён бўлади. Ва мен ишонаман – сиз, жонкуяр ўқитувчиларимиз бу вазифани шараф билан уддалайсизлар.

Келгуси йили 70 та янги мактаб курилади, 460 та мактаб кенгайтирилади. Хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб куриш лойиҳалари бошланади, келгуси беш йилда уларнинг сонини 1 минггага етказамиз.

Йил бошидан Қорақалпоғистон ва Хоразмда 285 минг нафар бошланғич синф ўқувчилари учун бепул овқатланиш йўлга қўйилди. Бу борада етарли тажриба орттирдик.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб ушбу амалиёт қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабларида ҳам жорий этилади ва бунинг учун 2,3 триллион сўм ажратилади. Бу жараёнларни шаффоф тизим асосида ташкил этиш, фарзандларимизни соғлом ва сифатли овқат билан таъминлашга халқ таълими вазири масъул ва жавобгар бўлади.

Таълим соҳасидаги навбатдаги муҳим йўналиш, бу – ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллаши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Мақтаб битирувчиларининг 50 фоизи меҳнат бозорига ҳеч қандай касбга эга бўлмасдан кириб келаётгани ҳаммамизни ўйлантириши керак. Шу боис, 700 дан ортиқ касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш зарур.

Бу мақсадда 2023 йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилади. Ҳар бир вилоятда 1 тадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади. Келгуси беш йилда барча коллеж ва техникумлар ушбу тизим билан қамраб олинади.

Шу билан бирга, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашни кенгайтирамиз. Кимё саноати, электр техникаси, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида Муҳандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тизим бизда ҳозиргача бўлмаган. Лўнда айтганда, янги замон инженерлари тайёрлаш тизимини яратамиз.

Сўнгги олти йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга етиши натижасида бугунги кунда 2 миллионга яқин бола боғчага бормоқда. Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган ЮНЕСКОнинг Мактабгача таълим бўйича Умумжаҳон анжуманида ҳам бу ислоҳотларимиз юксак эътироф этилди.

Шу билан бирга, келгуси беш йилда қамровни 80 фоизга етказиш учун 600 минг янги боғча ўрни керак. Бу – жуда катта марра. Шу боис, боғчалар сонини кўпайтириш, улардаги таълим ва тарбия сифатини тубдан яхшилаш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Боғча қамровини кенгайтириш бўйича хусусий секторга қўшимча шароитлар яратилади.

Сўнгги йилларда олийгоҳларимиз 2,5 баробар кўпайиб, 198 тага етди, қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошди.

Биз бу рақамларни янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Лекин, таълим сифати нима бўлади, деган савол ҳаммамизни ўйлантириши керак.

Авваламбор, бунга ҳар бир олийгоҳ ўзи ҳаракат қилиши лозим, ўшанда натижа бўлади.

Бу борада 41 та олийгоҳга академик ва молиявий мустақиллик берилди, уларда трансформация офислари очилди. Олийгоҳ ректорлари, профессор

ва ўқитувчилар бу жараёнларда фаол бўлишлари, янги, илғор методикаларни жорий қилишлари керак.

Келгуси йилда олийгоҳ талабалари учун имтиёзли таълим кредитларига ресурслар 2 баробар кўпайтирилиб, 1,7 триллион сўм ажратилади.

Бу йил илм-фан ва инновацияларга 1,5 триллион сўм йўналтирилди. Бу – 2017 йилга нисбатан қарийб 6 баробар кўп, дегани.

Олимларнинг иш ҳақи ҳам 4,5 баробар оширилди.

Буларнинг барчаси ҳисобидан нано ва биотехнологиялар, рақамли геология каби 18 та янги илмий йўналиш ташкил этилди.

Келгуси йили илм-фан ва инновацияларга 1,8 триллион сўм ажратилади.

Энди олимларимиз сув ва энергияни тежаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлик, геология, саноат, қурилиш каби бугунги кунда биз учун долзарб йўналишларда аниқ натижалар кўрсатишлари керак.

Ҳурматли юртдошлар!

Халқимизнинг малакали ва сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтирамиз.

Аввало, бепул тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми қонун билан белгиланади.

Ажратилаётган маблағлар ҳар бир беморга етиб бориши учун давлат тиббий суғуртасига ўтишни тезлаштирамиз. Келгуси йили бу тизим Тошкент шаҳрида бошланади. Босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилинади.

Шу ўринда бир оғриқли масалани айтиб ўтмоқчиман. Бугунги кунда 7 миллион аҳолимизда турли хил сурункали касалликлар бор.

Соғлом ҳаёт тарзи ҳақида олти йилдан бери гапиряпмиз. Лекин Соғлиқни сақлаш вазирлиги буни ҳали жой-жойига қўя олмаяпти. Соғлом овқатланиш рационага доир тавсиялар одамларга етказилмаяпти, турли ёшдаги кишилар учун жисмоний машқларни ўргатиш ишлари йўқ. Аслида, инсон саломатлиги, тиббиётнинг замини ҳам шулар-ку! Шу боис, **“Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи”** янги умуммиллий ҳаракатини маҳалладан бошлаймиз. Бу ҳаракатда ёшу қари – барча юртдошларимиз ўз ўрнини топиши керак.

Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш ишлари давом эттирилади. Келгуси икки йилда ҳар бир оилавий поликлиника ва

шифокор пунктига энг керакли ускуна ва жиҳозлар етказиб берилади, экспресс лабораториялар тўлиқ янгиланади.

Янги йилда қўшимча 140 та оилавий шифокор пункти ва поликлиникалари, 520 та олис ва чекка маҳаллада ихчам тиббиёт пунктлари ташкил этилади.

Шу билан бирга, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича уч йиллик катта дастур амалга оширилади. Барча туғруқ комплекслари тўлиқ таъмирланади ва жиҳозланади, ўринлар сони 35 фоизга кўпайтирилади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда 15 мингга яқин онкологик беморлар нур ёрдамида даволанишга муҳтож. Шу боис, келгуси йилда Самарқанд, Фарғона ва Хоразмда, давлат-хусусий шериклик асосида Радиология марказларини ташкил этиш лойиҳаларини бошлаймиз.

Муҳтарам қўшма мажлис қатнашчилари!

Маълумки, барча ислохотларимиз замини ва кўзгуси бу – маҳалла. Жамиятимиздаги барча жараёнлар маҳалла ҳаётида ўз ифодаси ва амалий ечимини топади.

Маҳалла – тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия кўрғонидир. Шунинг учун ҳам бундан буён давлат инвестиция дастурлари маҳалла даражасига туширилади.

Авваламбор, 2023 йилда аҳоли томонидан таклиф берилган сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар бўйича лойиҳалар учун қарийб 3 баробар кўп, яъни 8 триллион сўм йўналтирилади.

Ҳар бир маҳалла ўзининг кутубхонаси, спорт майдончасига эга бўлиши зарур.

Маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилади. Бунинг учун янги йилда 1 январдан бошлаб мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади.

Шу билан бирга, Конституциямизга аҳолининг муносиб ҳаёт кечирishi ва уй-жойга эга бўлиши тўғрисидаги янги моддаларни киритиш лозим, деб ҳисоблайман.

Аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажмини 1,5 баробар ошириб, 90 мингга етказамиз. Бу борада икки йил олдин бошланган имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитлари бериш давом эттирилади.

Келгуси йилда Тошкент вилоятида “Менинг биринчи уйим” янги ипотека дастури бошланади. Дастур доирасида, биринчи навбатда турар жойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уй-жойлар барпо этилади.

Бундан ташқари, жамоат транспортидаги вазият мутлақо ўзгаради. Тошкент шаҳри учун қўшимча равишда 1 мингта замонавий автобус сотиб олинади, 7 та ер усти метро бекати ишга туширилади. Буларнинг ҳисобидан ҳар куни 500 мингдан зиёд пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига қўшимча қулайликлар яратилади.

Ҳудудларда ҳам йўловчи ташиш сифатини яхшилаш мақсадида яна 1 мингта автобус ҳаракати йўлга қўйилади. Бу орқали жамоат транспорти бўйича аҳвол оғир бўлган 300 та маҳалладаги 1 миллион аҳолининг узоғи яқин қилинади.

Учинчи йўналиш. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозим.

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида адолат ўрнатиш бўйича кўп иш қилдик. Шу билан бирга, одил судловни таъминлаш бўйича ҳали қўлимиз етиб бормаган масалалар бор. Афсуски, ҳозир ҳам тергов сифати пастлиги, судларда одамларнинг оворагарчилиги, суд қарорлари ижро этилмай қолаётгани билан боғлиқ ҳолатлар учрамоқда.

Бу масалалар, энг аввало, Олий суд раиси ва Бош прокурорни ташвишга солиши керак.

Нима учун ҳалигача давлат ҳисобидан бепул таъминланадиган адвокатларни электрон танлаш тизими ишга тушмади? Ким бунга қарши?

Бу масалани алоҳида назоратга олиб, тез кунларда ушбу тизимнинг тўлиқ ишга туширилишини таъминлашимиз зарур.

Шу боис, қисқа муддатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгича ишлашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратамиз. Бу масалада алоҳида Фармон имзоланади.

Энг аввало, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам берилади. Бунинг учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколоти ҳам, масъулияти ҳам оширилади.

Тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказамиз. Энди терговчи жиноятга

алоқадор деб, ҳар қандай мулкни хатлаб қўя олмайди. Ахир, биз хусусий мулк дахлсизлигини кучайтириш бўйича озмунча ҳаракат қилишимизми?

Бундан буён мулк ҳуқуқини чеклашга оид ҳар қандай ҳаракат фақат суд орқали бўлади.

Тергов сифатини ошириш бўйича ҳам тизимли чоралар кўрамиз. Тергов шахсни айб-лаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаши керак.

Шу билан бирга, судда ишларни кўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантирилади. Улар махсус ўқитилади, ишни судда кўришда ҳолис, мустақил бўлиши қонун билан белгиланади.

Одил судловни таъминлашда ҳимоячига берилган ҳуқуқлар ҳам қайта кўриб чиқилиб, етмайдиган ваколатлар берилади.

Нима учун адвокатга жиноят иши кўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарордан нусха берилмайди? Бундай ҳолатда тенглик ҳақида қандай гапириш мумкин?

Энди судларга жиноят иши фақат айблов ҳулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилинади.

Айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши бўйича ҳар бир ҳолат прокурор, суд томонидан синчиклаб ўрганиладиган тизим жорий қилинади.

Охирги пайтларда айрим вақтинча ушлаб туриш жойларида инсон ҳуқуқлари бузилиши бўйича оғриқли масалалар кўтарилмоқда.

Бизнинг юртимизда бундай ҳолатлар умуман бўлиши мумкин эмас. Ким бунга амал қилмаса, қонун устувор, жазо муқаррар бўлади.

Шу боис, бундай жойларга олиб келинган барча шахсларни ҳисобга олишнинг онлайн тизими жорий этилади ва юзни таниш ускунаси ўрнатилади.

Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ – қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият.

Бош прокурор ва ички ишлар вазири бу ҳақиқатни ҳар бир ходимига етказиб, таъсирчан назорат ўрнатиши шарт.

Илғор хорижий тажрибалар асосида маъмурий судлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқамиз.

Маъмурий судларга ҳоким қароридан норози бўлиб мурожаат қилинган тақдирда, ишларни экстерриториал тартибда, яъни бошқа ҳудудда ҳам кўриш амалиёти жорий қилинади.

Вазирлар ҳам, ҳокимлар ҳам бир ҳақиқатни яхши тушуниб олиши керак: **Ўзбекистонда мулк ва инвестициянинг ҳимоячиси қайсидир ҳоким ёки вазир эмас, фақат Конституция, қонун ва суд бўлади.**

Бу борада Халқаро тижорат судини Ўзбекистонда ташкил қилиш бўйича ҳам амалий ишлар бошланди.

Юқоридаги барча ташаббусларни Конституцияда тўғридан-тўғри муҳрлаб қўйиш лозим.

Шу ўринда биз учун долзарб муаммо бўлган коррупция масаласига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган икки йилда 5 мингга яқин мансабдор коррупцияга доир жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилди. Лекин, очиқ айтиш керак, бу – масаланинг сабаби билан эмас, оқибати билан курашиш.

Депутат ва сенаторлар, маҳаллий кенгашлар ҳам бонг уриб, аниқ соҳаларни таҳлил қилиб, коррупцияни бартараф этиш бўйича фаол бўлишлари керак эмасми?

Ҳар бир депутат ўзининг округидаги бюджет ҳисобидан бўлаётган қурилишлар, йўлларни, ҳар ойда бориб кўрса, буюртмачи ва пудратчидан сифатни талаб қилса, биласизларми, аҳвол қандай ўзгаради? Бунинг учун сизларда етарли ваколат ҳам, шижоат ҳам бор.

Коррупцияга қарши курашиш борасида алоҳида қонунлар қабул қилиниб, ҳуқуқий асослар яратилди.

Энди амалий ишларни кучайтириш керак. Сунъий монополияга, ёпиқ схемаларга, умуман коррупцияга имкон яратадиган барча бўшлиқларга барҳам берилади.

Тўртинчи йўналиш – экология, айниқса, сув масалалари глобал муаммога айланиб бораётгани билан боғлиқ.

Биз нафақат бугунги, балки келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз шарт. Шу боис, Конституциямизда табиий ресурслар, жумладан, сув ҳавзалари ва ер ости захираларини муҳофаза қилиш бўйича талабларни кучайтиришимиз зарур.

Биласиз, мамлакатимиз сўнгги 3 йилда қурғоқчиликни бошдан кечирди. Бунинг таъсири, айниқса, Амударёнинг қуйи ҳавзасидаги ҳудудларимизда яққол сезилди.

Шу ўринда Амударё ўзанида янги канал қурилиши бўйича қўшни Афғонистоннинг муваққат ҳукумати ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан бирга халқаро меъёрлар асосида ва минтақанинг барча давлатлари

манфаатларини инобатга олиш юзасидан амалий мулоқотлар олиб бориш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бундай ёндашув қўшниларимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланишига ишонамиз.

Умуман, сўнгги 15 йилда ёғингарчилик 25 фоизга қисқарди. Ёзда ўта иссиқ кунлар давомийлиги ортгани олдимизда ҳали катта синовлар борлигидан далолат беради. Лекин ҳозирги вақтда экин майдонларига сув етказиб беришда сезиларли йўқотишлар бор. Шу боис, сув хўжалиги тизими ислоҳ қилинади.

Сувнинг ҳисобини очиқ-ошкора юритиш тизими жорий этилади ва келгуси уч йилда 13 мингга яқин сув хўжалиги объекти рақамлаштирилади. Шу билан бирга, 16 та йирик насос станцияси давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилинади ва муқобил энергияга ўтказилади.

Буларга қўшимча равишда сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтирилади.

Ҳозирги вақтда бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам жиддий экологик муаммолар пайдо бўлмоқда. Аксарият ҳудудларимизда тупроқ таркиби бузилиб, унумдор ерлар қисқариб бораётгани, чўлланиш, сув етишмаслиги, қурғоқчилик, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш шулар жумласидандир.

Табиатимизни асраб-авайлаш, сув, ҳаво ва атроф-муҳитни тоза тутиш келгуси йилда ҳар бир маҳалла аҳолисининг маданияти ва амалий ҳаракатига айланиши керак. Бу борада мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича саъй-ҳаракатларимизни, хусусан, **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси** доирасидаги ишларимизни кучайтирамиз.

Ҳурматли халқ вакиллари!

Биз қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз.

Ер муносабатлари бўйича катта ишларни бошлаб, шу йилнинг ўзида 100 минг гектар экин ерини аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб бердик. Бунинг ҳисобидан 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат етиштирилди.

Энг асосийси, қишлоқларда 400 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил қилинди, 1 миллион 200 мингдан зиёд одамларимиз банд бўлиб, даромад оляпти.

Агар шу ислоҳотни қилмаганимизда, бозор ва дўконларимиз ҳозиргидек тўкин бўлармиди, экспорт шу даражага етармиди, жон бошига даромад ўсармиди?

Шу боис, 2023 йилда ҳам сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектар қўшимча экин майдонларини аҳолига ажратамиз. Бунинг ҳисобидан қарийб 350 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил этилади.

Агар жами 750 мингта янги деҳқон хўжалигини тадбиркорга, ер эгасига айлантира олсак, қишлоқда жуда кўп ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласи ечилади. Мен бунга ишонаман.

Вилоят ва туман ҳокимлари бу ишни самарали ташкил этишга масъул ва жавобгар бўлиб, халқ олдида доимий ҳисобот бериб боришлари керак. Бунинг учун кооперацияни фаол қўллаб-қувватлаймиз, кичик ва ўрта қувватли сақлаш корхоналари, саралаш ва қайта ишлаш инфратузилмасини ривожлантираемиз.

Умуман, аграр соҳада юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш лойиҳаларига 2023 йилда 1 миллиард доллар ажратилади.

Бешинчи йўналиш. Эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Конституцияда алоҳида ўрин эгаллаши керак.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган кес-кин жараёнлардан барчангиз хабардорсиз. Жаҳонда мураккаб геосиёсий вазият, энергия ресурслари танқислиги кучайиб бормоқда, озиқ-овқатга эҳтиёж ортиб, молиявий ресурс-лар қимматлашмоқда.

Бундай вазиятда, қанчалик оғир бўлмасин, иқтисодий ислоҳотларни қатъий давом эттираемиз, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик муҳитини тобора яхшилаш бўйича ислоҳотларни жадаллаштираемиз.

Биринчи навбатда, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш бўйича янгича ёндашувлар жорий этилади.

Биз чуқур таҳлил қилдик. Келгуси йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиб, 5 та тоифага ажратилади. Жумладан, тадбиркорлик учун ҳар томонлама ривожланган 26 та туман – 1-тоифага; инфратузилмаси яхши бўлган 46 та

туман – 2-тоифага; шароити нисбатан қониқарли бўлган 76 та туман – 3-тоифага; жозибадорлиги етарли бўлмаган 40 та туман – 4-тоифага; шароити оғир бўлган 20 та туман – 5-тоифага тўғри келади.

Энди тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланишини белгилаймиз. Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилади. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлади.

Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкаларини 1 фоиз миқдориди белгилаймиз. Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлайди. Якка тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилади.

Худди шундай, бошқа тоифадаги туманларда кредитларга пасайтирилган фоиз ставкаларини қўллаш, инфратузилма харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш каби бир қатор энгилликлар берилади.

Бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдидаги мажбуриятларимизни қисқартирмаган ҳолда, бизнесга солиқ юкини камайтириш бўйича ишларни давом эттирамиз. Жумладан, 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобидан тадбиркорлар ихтиёрида йилига камида 14 триллион сўм маблағ қолади. Лекин бизнес муҳитини яхшилаш учун фақат солиқни камайтиришнинг ўзи етарли эмас.

Ўтказилган сўровларда 70 фоиз тадбиркорлар солиқ, божхона, ҳокимият, электр, кадастр, ёнғин хавфсизлиги, санитар назорат каби идоралар томонидан маъмурий босимлар борлигини билдирган. Шу боис, 2023 йилда назорат қилувчи ва рухсат берувчи идоралар фаолияти яна бир марта танқидий кўриб чиқилади.

Биринчи навбатда, илғор тажрибалар асосида солиқ ва божхона маъмурчилиги жиддий ислоҳ қилинади. Бунда ҳамма давлат идораларида тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатишни баҳолаш тизими жорий қилинади. Келгуси йил шу масала билан қаттиқ шуғулланамиз.

Таъкидлаб айтмоқчиман: биз тадбиркорлик соҳасида жавобгарликни энгиллаштириш бўйича бошлаган ислоҳотларимизни жадал давом эттирамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Халқимиз ҳам, тадбиркор ва инвесторлар ҳам биздан долзарб масала бўлган энергетика соҳасида аниқ ечимлар кутаётгани сир эмас.

Очиқ айтиш керак, энергетика соҳасидаги муаммолар бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ.

Кўп йиллар давомида янги газ конларига инвестиция киритилмагани, электр ва газ тармоқлари модернизация қилинмагани ҳам аини ҳақиқат. Оқибатда тизимда аниқ ҳисоб-китоб йўқлиги, катта йўқотишлар оддий ҳолга айланиб қолган эди.

Шу билан бирга, сўнгги олти йилда аҳолимиз 13 фоизга, саноат корхоналари эса 2 баробар ортиб, 45 мингдан 100 мингга кўпайди. Натижада электр энергиясига талаб камида 35 фоиз ошди ва йилдан-йилга кўпа-йиб бормоқда.

Иқтисодиётимиз барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25-30 миллиард доллар инвестиция керак. Бунга фақатгина хусусий инвестицияларни жалб қилиш орқали эришиш мумкин.

Шу боис, сўнгги уч йилда соҳага 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилинди. Жумладан, ўтган ҳафтада Бухоро, Наманган ва Хоразмда қуввати 500 мегаваттлик яна 3 та қуёш станциясини қуриш бўйича танлов якунланди. Депутат ва сенаторлар томонидан қабул қилинган янги қонунлар бунинг учун ҳуқуқий асос бўлди.

Йил бошидан қуввати 1,5 минг мегаваттлик 7 та электр станциясини ишга туширдик.

Келгуси йилда яна 4,5 минг мегаваттлик 11 та йирик лойиҳани якунига етказамиз. Жумладан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент вилоятларида барпо этиладиган қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан қўшимча 14 миллиард киловатт электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали хонадонларга бериладиган электр энергияси 50 фоизга кўпаяди.

Очиқ айтиш керак, кўп иқтисодчилар энергетика соҳасида эркин бозорга ўтишни таклиф қилмоқда.

Бу – тўғри йўл. Мен ҳам буни хоҳлайман. Лекин халқимизнинг жон бошига даромади, ижтимоий ҳимоясини ўйлаб, бу соҳадаги ислохотларни шошмасдан, босқичма-босқич қилишимиз керак.

Энг муҳим масала – энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Афсуски, иқтисодийетимизда энергия сарфи бошқа давлатлардан 2 баробар юқори. Шунинг учун энергия самарадорлигини ошириш Миллий дастурини қабул қиламиз. Депутат ва сенаторларимиз бу ишга бош-қош бўлса, албатта ижобий натижа бўлади.

Уй, ишхона, боғча, мактаб ва кўчаларда одамларимизга энергиянинг қадрига етиш, уни тежашни ўргатиш керак. Қонунларимизда ҳам бу масалаларни мустаҳкамлаш зарур.

Шу билан бирга, кичик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кескин оширилади. Мисол учун, Тошкент вилоятида Олмалиқ, Бекобод комбинатлари ва бошқа йирик корхоналар ўз эҳтиёжлари учун 1 минг мегаваттли қуёш электр станцияларини ўрнатса, йилига 2,5 миллиард киловатт соат электр ишлаб чиқарилади. Бу орқали Тошкент вилоятининг қарийб 30 фоиз электр истеъмоли таъминланади ва 500 миллион куб метр газ тежалади.

Худди шундай асосда бошқа вилоятлар ҳам ҳисоб-китобларини қилиб, келгуси йил учун аниқ режаларини белгилаб олиши керак.

Республиканинг ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими ҳам ўз ҳудудидаги хонадон ва корхоналарда жами 5-10 мегаваттли қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини амалга ошириши шарт.

Агар ана шу масалага жиддий киришсак, бу ишлар албатта натижасини беради.

Умуман, келгуси уч йилда барча давлат ташкилотларида қуёш панеллари ва иссиқ сув коллекторлари ўрнатилади. Ушбу мақсадларда 2 миллиард доллар миқдорида инвестиция жалб қилинади. Бунинг ҳисобидан уларнинг 60 фоиз электр ва газ истеъмоли “яшил энергия”га ўтказилади.

Аҳоли хонадонларида эса, қуёш панели ўрнатишга ажратиладиган субсидиялар ҳаж-ми 2 баробар кўпайтирилади.

Умуман, “яшил энергия”га тезроқ ўтмасак, бу борада қонунларимизда ҳам аниқ механизмларни белгиламасак, аҳолимиз ва тадбиркорларимизни рози қила олмаймиз.

Газ захираларини кўпайтириш мақсадида геология-қидирув ишлари бўйича ўн йиллик дастур қабул қиламиз. Бунда янги технологияларни жорий этиб, илк бор чуқур қатламларда газ қазиб чиқариш ишларини бошлаймиз. Жумладан, Устюртнинг юқори истиқболга эга чуқур

қатламларида кидирув ишларига нуфузли хорижий инвесторлар жалб қилинади.

Газ қазиб чиқаришга олдин берилган барча лицензиялар қайта кўриб чиқилади, самарасиз ишлаётган корхоналар бўйича тегишли чоралар кўрилади.

Олтинчи йўналиш. Иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаёмиз.

Биз сўнгги олти йилда инвестициялар ҳаж-мини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан оширишга эришдик.

Келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади. Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга туширамиз ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланади.

Мисол учун, “Ёшлик” мис конини ўзлаштиришнинг биринчи босқичи якунига етказиб, 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга 3-мисни бойитиш фабрикаси ишга тушади. Бу орқали Олмалик комбинатининг рудани қайта ишлаш қуввати ҳозирги 40 миллиондан 100 миллион тоннага етади.

Шу билан бирга, Олмаликда мисни бойитиш фабрикаси ва Мис эритиш заводи лойиҳалари бошланади.

Навоийдаги Пистали конида 4 миллион тонна олтин рудасини қайта ишлаш мажмуасининг қурилиши якунланади.

Металлургия соҳасида амалга оширилаётган катта дастурларимиз беш йилдан ке-йин мисни – 3 баробар, олтинни эса йилига 150 тоннагача ошириш имконини беради.

Кимё, автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлигида ҳам катта-катта лойиҳалар ишга туширилади.

Шу билан бирга, фаол инвестицияларни жалб қилишда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш зарур.

Келгуси йили катта хусусийлаштиришни бошлаймиз, 1 мингга яқин корхона савдога чиқарилади.

Бугун кўнглимдаги бир ниятимни сизларга очиқ айтмоқчиман. Менинг катта ниятим – юртдошларимиз орасида юз минглаб мулк-дорлар, акциядорлар пайдо бўлсин. Одамларимиз ўз омонатларини инвестиция қилиб, юқори даромадларга эга бўлсин.

Шунинг учун топшириқ бердим: келгуси йилда энг йирик 10 та компания ва тижорат банкларимизнинг акциялари ўз аҳолимиз учун очик ва шаффоф савдога чиқарилади.

Бу чинакам халқчил IPO бўлишига ишонаман.

Шу борада илгари ҳам айтган гапимни такрорлашни ўринли, деб биламан: **халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.**

Навбатдаги масала – 2023 йилда тайёр маҳсулотлар экспортини қўшимча 4 миллиард долларга ошириш асосий мақсадимиз бўлади.

Бу йил бошланган “**Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти**” дастури ўз самарасини бермоқда. Бир йилнинг ўзида 2 мингга яқин тадбиркорлар илк бор ташқи бозорларга чиқди.

Келгуси йилда ҳам экспорт қилувчиларга транспорт ва бошқа харажатларини компенсация қилиш давом эттирилади.

Европа бозорларига текстиль, электр техникаси, чарм-пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камида 2 баробар оширамиз. Маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги 9 та босқичдан иборат божхона расмийлаштируви 3 баробар қисқаради.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича асосий музокараларни яқунлаб, ички қонунчиликни мослаштириш, янги стандартларни жорий этиш ишларини жадаллаштирамиз.

Умуман, 2023 йилда экспорт ҳажми тарихимизда илк бор 23 миллиард доллардан ортади.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар!

Дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда очик ва прагматик, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ташқи сиёсатни изчил давом эттирамиз.

Бундан кейин ҳам асосий эътиборимизни Марказий Осиёдаги барча қўшни мамлакатлар ва дунёдаги стратегик шерикларимиз бўлган давлатлар, халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтиришга қаратамиз.

Миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқамиз.

Шу ўринда депутат ва сенаторларимиз, маҳалла, нуруний, хотин-қизлар ва ёшлар фаолларига, бутун халқимизга қарата айтмоқчиман: энг бебаҳо олий неъмат – тинчлигимиз ва осойишталигимизнинг қадрига етайлик,

оилаларимиз, фарзандларимиз, келгуси авлодларимизнинг бахту камоли учун бу улуғ бойликни асраб-авайлайлик!

Шу мақсадда биз ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртга меҳри ва садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият беришимиз керак.

Ёш авлодимизни ана шундай баркамол, эл-юрт учун фидойи инсонлар қилиб тарбиялашда биз муҳтарам нуронийларимизга таянамиз.

Ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлган дуоғўй отахон ва онахонларимизнинг сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклаш, уларга маҳалла ва жамоат масканларида қўшимча шароитлар яратишни давом эттирамиз.

Миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўзининг Ватани деб биладиган, унинг равнақи учун ҳисса қўшиб келаётган ҳар бир фуқаро бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ардоғида бўлади.

Миллатлараро дўстлик, диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, ижтимоий бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Лекин такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми?

Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз. Бунинг учун нафақат масъул ташкилотлар, балки барчамиз биргаликда муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича оила, маҳалла ва таълим масканларида иш олиб боришимиз зарур.

Бу муҳим масалада алоҳида Миллий дастур қабул қиламиз.

Жамиятимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, маданият соҳасини ривожлантириш, илмий-ижодий ташкилотлар, муҳтарам зиёлиларимиз фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳам биз учун устувор йўналишлардан бири бўлади.

Биз қадимий ва бой тарихимизни, айниқса, ғоят оғир шароитда илм-маърифат, инсон эркинлиги, халқ озодлиги, Ватанга, миллий қадриятларга меҳр ва садоқат ғояларини дадил кўтариб чиққан жаид боболаримиз фаолиятини янада чуқур ўрганишимиз лозим. Уларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги мардона кураши ва фидойилиги Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши зарур.

Франциядаги машҳур Лувр музейида шу кунларда давом этаётган миллий кўргазма халқимизнинг ноёб тарихий мероси, бетакрор маданияти ва анъаналарига хорижда қизиқиш қанчалик юқори эканини кўрсатмоқда. Бундай тарихий ва маданий бойликларимизни ёшларимизга ва хорижий туристларга янада кенгроқ таништириш, музейларни замон талаб-ларига мослаштириш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.

Қадри юртдошлар!

Мана, сизлар билан биргаликда 2023 йил учун улкан мақсад ва вазифаларни белгилаб олдик. Албатта, дунёдаги ҳозирги мураккаб шароитда бу вазифаларни амалга ошириш осон бўлмайди. Лекин биз ўтган даврда катта билим ва тажриба тўплادик. Энг муҳими, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз тобора ортиб бормоқда.

Шу боис, қанчалик қийин бўлмасин, танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Кўзлаган марраларимизга албатта етамиз. Бу йўлда нияти улуғ, қалби пок, меҳнаткаш халқимизга таянамиз.

Бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилсак, мен ишонаман, эл-юртимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни албатта барчамиз биргаликда бунёд етамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ислохотларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган, барча синовларни мардона енгиб, ўзининг фидокорона меҳнати билан жонажон Ватанимиз равнақиға беқиёс ҳисса қўшаётган мард ва олижаноб, бағрикенг халқимизга яна бир бор таъзим қиламан.

Барчангизни, бутун халқимизни кириб келаётган Янги йил байрами билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сиҳат-саломатлик, файзу барақа, оилавий бахт тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Яратганининг ўзи барчамизни, Ўзбекистонимизни паноҳида асрасин!

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ, ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК

мамлакатимиз ички ишлар органлари ходимларининг бош мақсадидир

Юртимизда қонун устуворлиги ҳамда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш энг долзарб вазифалардан биридир. Шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактикасини олиб бориш ишлари эса ундан-да муҳим, десак, айни ҳақиқат.

Шу маънода, мамлакатимизда мазкур масалалар ижросига масъул — ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишлар ва кейинги йилларда соҳани янада такомиллаштириш бўйича татбиқ этилаётган янгича ёндашувлар, шу билан бирга, айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари, истиқболдаги режалар хусусида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат БОБОЖОНОВ билан суҳбатлашдик.

— Пўлат Раззоқович, мамлакатимизнинг сиёсий ҳаёти учун - муҳим саналган Конституцияга ўзгартишлар киритиш юзасидан референдум жараёнлари бошланди. Шундан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасида қандай ишлар режалаштирилмоқда?

— Ҳозирги кунда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ҳар бир инсоннинг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкни турли хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қилиш масалалари жуда муҳим ҳисобланади.

Шу боис ҳам янги Ўзбекистон тарихида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан илк ислоҳотлар айнан фуқароларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш соҳаларида бошланди.

Бунда асосий эътибор ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ҳамда сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходим томонидан халқ манфаатларига хизмат қилишни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришга қаратилди.

Мамлакатимизда барча давлат идоралари каби ички ишлар органларида ҳам раҳбарларнинг фуқаролар билан мулоқот қилиш,

жиноятларни маҳаллаларнинг ўзида муҳокама этиш, энг чекка қишлоқларга бориб, аҳолининг дардини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, ислохотлар давомида, адашиб жиноят содир этган шахсларни ижтимоий ҳаётга тўғри йўналтириш, жамиятнинг муносиб вакилига айланиши учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2019 йилдан бошлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандартлари қоидалари”, бошқача айтганда, Нельсон Мандела қоидалари миллий қонунчилигимизга тўлиқ имплементация қилинди. Бунинг –доирасида маҳкумларга илк бор, сайлаш, пенсия ва ижтимоий суғурта пулларини олиш, касб эгаллаш, таълим ҳамда сифатли тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи берилди. Уларга меҳнат қилиш, яқинлари билан суҳбатлашиш ва учрашиш учун қўшимча имкониятлар яратилди.

Шунингдек, содир қилинган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймон бўлган маҳкумларни афв этиш орқали озодликка чиқариш, адашиб, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларни, жумладан, давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида ўтказилган “Меҳр” акциялари доирасида жанговар ҳаракатлар бўлаётган ҳудудлардан олиб келинганларни ижтимоий реабилитация қилиш тизими яратилди.

Умуман олганда, ички ишлар органлари ходимлари томонидан ҳар қандай кўринишдаги кадр-қимматни камситиш, қийноқ ҳолатларига йўл қўймастик ҳамда фуқаролар билан муносабатларда “инсон омили” таъсирини камайтирувчи замонавий ахборот технологиялари амалиётга жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш ва ҳурмат қилиш масаласига катта аҳамият қаратиляпти. Шу боис Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Дарвоқе, Ўзбекистон тарихида биринчи марта ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ҳар қандай давлатнинг ривожланиш йўлини белгилаб берувчи олий қонун ҳужжати референдумда бевосита халқ томонидан қабул қилинади.

Мазкур Конституцияни ҳар қандай шахс “Бу менинг Конституциям” деб айта олишига асослар мавжуд. Конституция лойиҳасидаги моддалар амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ошди. Умуман олганда, Бош қомусимизни мана шу нормалар билан тўлдириш ёки мавжудларини такомиллаштириш бўйича фуқароларимиз кўплаб таклифлар беришди.

Шу билан бирга, меҳнат жамоалари, олийгоҳлар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган муҳокамаларда ҳам кўшимча таклифлар келиб тушди. Ҳар бир таклиф ортида инсон тақдири ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари турганлигини инобатга олиб, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва 190 дан ортиқ давлатлар тажрибаси ўрганилди, лойиҳа 6 турдаги экспертизадан ўтказилди.

Янги Конституция “**инсон — жамият — давлат**” парадигмасига асослангани, унда барча тоифаларнинг – ёшлар, аёллар, ногиронлиги борлар, ўқитувчилар, ҳатто жиноят содир этган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари акс этган. Агар мазкур лойиҳани халқимиз ҳам қўллаб-қувватласа, амалдаги Конституциямиз 65 фоизга янгиланади. Жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган умумэътироф этилган “**Хабес корпус**” институти конституциявий даражада мустақамланади.

Жумладан: – айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилинади;

— ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади;

— шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас каби нормалар энди Бош қомусимиз билан тасдиқланади.

Яна бир янгилик — илк бор шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб туриш асосларини тушунтириш бўйича “Миранда қониси” жорий этилади. Бу орқали давлатимиз раҳбарининг қатъий талаби, яъни “Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ – қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари — биз учун олий қадрият” эканлигини ҳар бир ходим томонидан бажарилиши устидан кунлик назорат тизими ўрнатилади.

Мазкур талаб ва бошқа янги нормаларнинг амалиётга татбиқ этилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга хизмат қилади, албатта.

Мухтасар айтганда, аввало, халқимизни рози қилиш, хизмат фаолияти орқали фуқароларга янада қулайликлар яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

— **Ўзингизга яхши маълумки, бугунги кунда ҳар бир соҳани коррупциядан тозалаш ишларига алоҳида эътибор қаратиляпти. Ички ишлар органлари тизимида бу борада қилинаётган ишлар натижалари сизни қониқтирадими?**

— Жамият ҳаётининг барча жабҳасида коррупцияга қарши курашиш долзарб вазифага айланди. Жумладан, ички ишлар органларида ҳам бу борада тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, тизимда коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиш ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш мақсадида вазирликнинг тегишли буйруғи ишлаб чиқилган.

Ушбу буйруққа асосан вазирликда Коррупцияга қарши курашиш комиссияси, таркибий тузилмалар ҳамда ҳудудий ички ишлар органларида ишчи гуруҳлар тузилган. Комиссия томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар дастури ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланган.

2022 йил якуни бўйича комиссия томонидан вазирликнинг таркибий ва ҳудудий ички ишлар органлари фаолияти текширилди. Ўрганиш натижаларига кўра, коррупциявий хавф-хатар даражасидан келиб чиқиб улар “қизил”, “сарик”, “яшил” ҳудуд тоифаларига ажратилди.

9 декабрь — Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан ўтказилган видеороликлар танловига ички ишлар органлари ходимлари ва фуқаролар томонидан тайёрланган 42 та видеоролик келиб тушди. Фахрли ўринларни эгаллаган ва номинация ғолиблари ИИВнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Коррупцияга қарши курашишни тарғиб қилувчи ушбу видеороликлар ижтимоий тармоқлар орқали намоёниш этилди.

Ходимларимиз ўз ташаббусига кўра коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ҳақида хабар беришяпти. Ана шундай ташаббуслар туфайли ўтган йили фуқаролар ходимларга пора беришга уринганлиги бўйича 133 та ҳолат аниқланди. Айбдорлар тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

Ходимлар ўртасида коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Сирдарё вилоятининг Мирзаобод тумани ИИБ ходимлари томонидан содир этилган порахўрлик жинояти юзасидан “Коррупция — жаҳолатга йўл” номли махсус видеофильм шахсий таркиб ва уларнинг оила аъзоларига намоёйиш этилди.

Шунингдек, пора олиш, пора бериш ва бунда воситачилик қилиш ҳам жиноят эканлиги ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ҳақида хабар берган тақдирда пул мукофоти билан тақдирланиши бўйича махсус тарғибот ролиги тайёрланиб, ижтимоий тармоқлар орқали профилактик-тарғибот ишлари олиб борилди.

Ички ишлар органларининг маъмурий биноларида махсус бурчаклар ташкил этилган. Уларда коррупцияга қарши курашишга даъват қилувчи стенд, буклет ва плакатлар жой олган. Барча ходимларимиз хизмат фаолияти давомида тамагирлик, порахўрлик каби иллатларга қўл урмаслик юзасидан расман огоҳлантирилиб, бу бўйича ҳар бир ходимдан тилхат олинди.

Лекин бу билан коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимда барча чора-тадбирлар кўрилди, демоқчи эмасман. Ушбу йўналишдаги ишларни бундан буён ҳам собитқадамлик билан давом эттирамиз. Мақсадимиз вазирликнинг барча бўлинмасида мазкур иллатга мурасасизлик муҳитини қарор топтиришдан иборат.

— Президентимизнинг шу йил 20 январда “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда белгиланган вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Давлатимиз раҳбари бошчилигида бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон кадрини улуғлашга, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу эзгу, савобли ҳамда масъулиятли вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг самарадорлигига, шунингдек, ундаги кадрларнинг салоҳияти, маънавияти, интизоми ва албатта, садоқатига бевосита боғлиқ.

Айниқса, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ва ҳаётбахш ғоялари асосида ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислохотлар тизимни халқ манфаатларига хизмат қиладиган, аҳолининг

кундалик муаммолари билан ҳамнафас ишлайдиган, халқпарвар тузилмага айлантирмоқда, десак, хато бўлмайди.

Президентимизнинг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги яна бир улкан қадам бўлди.

Энди хизматга номзодларни танлашнинг адолатли ва шаффоф тизими яратилиб, ўрнатилган тартиблар тубдан соддалаштирилади ва бюрократик тўсиқлар бартараф этилади. Шу мақсадда “E-nomzod” ёпиқ ахборот тизимини яратиш орқали хизматга қабул қилиш жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилади. Танлов жараёнида суҳбат ўрнига тест синовлари ва психологик (полиграф) текширувдан ўтказилади.

Кадрлар билан ишлашда ҳам янги тартиб жорий этилди. Унга кўра, хизматга қабул қилинган ходимларга тайинланадиган - дастлабки синов муддати бир йилгача узайтирилади. Улар ИИВ Малака ошириш институтида уч ойлик бошланғич касбий тайёргарлик курсларини муваффақиятли тамомлагандан сўнггина лавозимга тайинланадилар.

2023 йил 1 сентябрдан эътиборан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини “Фуқаролар билан ишлаш модули” бўйича узлуксиз ўқитиш амалиёти йўлга қўйилади. Улар ИИВ Малака ошириш институтида ҳар уч йилда бир мартаба ўқитилади. Махсус синовларни муваффақиятли топширган ходимларга келгусида ушбу соҳада хизмат қилиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилади.

Яна бир муҳим янгилик — ИИВ ва ҳудудий ички ишлар органларида соҳа олимлари, фахрийлари ва журналистлардан иборат маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган жамоатчилик кенгашлари тузилишидир. Кенгашларнинг асосий вазифалари ички ишлар органлари устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, соҳа бўйича ижтимоий фикрни ўрганиш ва мониторинг қилиб бориш, тизимдаги коррупция ҳолатлари бўйича интернет тармоқларида эълон қилинган хабарларни батафсил ўрганиш ва натижасини кенг жамоатчиликка етказиш ҳисобланади.

— **Йўл-транспорт ҳодисалари бугуннинг энг долзарб муаммоларидан бири. Автомобиль йўлларига камера ва радарлар**

ўрнатилиши ҳам кутилган натижани беради, дейиш қийин. Айтингчи, бу муаммонинг яна қандай ечимлари бор, деб ҳисоблайсиз?

— 2022 йил давомида йўллардаги носозликлар ва камчиликлар, ҳаракат қатнашчиларининг кўпол қоидабузарликлари натижасида турли кўринишдаги йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлди. 2021 йилдагига нисбатан солиштирилганда уларнинг сони кўпайгани йўқ, лекин юз берган битта йўл-транспорт ҳодисаси ҳам ачинарли ҳолатдир!?

Ўтган йили йўлларда инсон хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлатимиз раҳбарининг топшириғига асосан республиканинг барча ҳудудида ўзига хос тажрибалар яратилмоқда. Хусусан, иккита мезон асосида автоҳалокат ўчоқларини бартараф этиш, яъни фожиалар миқдори бўйича йўл участкалари ҳамда ҳайдовчиларнинг ҳуқуқбузарликлари сонига қараб маҳаллаларни “қизил” ва “сарик” тоифаларга ажратиш бўйича “*Бухоро тажрибаси*” яратилди.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини камайтириш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” фармойиш имзоланди.

Ушбу ҳужжат йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича махсус дастурни, вилоятлар, шаҳар-туманлар ва маҳаллалар кесимидаги “Йўл харитаси”ни ҳамда тармоқ жадвалини ўз ичига олган. Унинг асосида мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Мазкур гуруҳ мутахассислари сутка давомида республикада содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаб ва омиллари йўлларда, тармоқ жадвали асосида йўл-транспорт ҳодисалари ҳисоби бўйича ҳудудларни “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга ажратади, автоҳалокат ўчоқларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чораларни белгилайди. Фармойиш ва унда белгиланган талабларнинг асосий мақсади — республика ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдан иборат.

Шунингдек, “Ҳудудларда йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва қоидабузарликларга қарши курашиш бўйича маҳаллабай ишлаш тизими самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги фармойиш ҳам қабул қилинди.

Унга кўра, маҳаллалардаги йўл инфратузилмаси аҳволини ўрганиш ва назорат қилиш, ижтимоий объектлардаги ҳаракат хавфсизлигини

таъминлаш, ҳудудлар бўйича ўз вақтида профилактик тадбирларни ташкиллаштириш, ҳайдовчиларни тайёрлашни назорат қилишнинг маҳаллабай тизими синов тариқасида жорий этилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари маҳаллаларга ҳудуддаги транспорт воситалари, аҳоли сони, автомобиль йўлларининг узунлиги, транспорт воситаларининг оқими, ижтимоий объектлар сонини ҳисобга олган ҳолда бириктирилди. Уларнинг фаолияти аввалгидек вилоятлар миқёсида эмас, балки бундан буён ҳар бир шаҳар-туман ҳамда уларда жойлашган маҳаллалар миқёсида кўрилган самарали ишлар бўйича баҳоланади.

Албатта, амалга оширилаётган бу ўзгаришларнинг барчаси йўлларимизда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, ҳар бир ҳаракат иштирокчиси ўз хавфсизлигини, соғлиғини муҳофаза қилиши учун йўл ҳаракати қоидалари талабларига қатъий риоя этиши керак.

— Ички ишлар органлари ходимлари учун касб этикаси масаласи жуда муҳим ҳисобланади. Сиз раҳбарлик қилаётган тизим ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишларини таъминлаш борасида қандай чоралар кўриляпти?

— Бу борада юқорида зикр этилган Президентимиз қарори билан Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси тасдиқланган. Кодексда ходимларнинг маданиятини, билимини ошириш ва тартиб-интизомини мустаҳкамлаш, кучайтириш назарда тутилган.

Ходимларда биринчи ўринда камтарлик қадрланади. Кодексда улардан фуқароларга нисбатан менсимаслик ҳолатлари содир этмаслиги қатъий талаб сифатида белгиланган. Илгари вазир буйруғи шаклида ҳам шундай талаблар бўлган, аммо уларни фақат ходимларнинг ўзлари биларди, фуқароларнинг хабари бўлмасди. Ҳозирги ҳужжатни ҳар бир фуқаро кўриши, билиши мумкин. Фуқаролар ходимлардан кодексдаги қоидаларга риоя этишни талаб қилиш имконига эга.

Кодекс қоидаларини бузган ҳар қандай ходимга нисбатан тегишли чора кўрилади. Керак бўлса, ҳар битта ходим кодексни ёнида олиб юради. Барча ходимлар ундаги қоидаларни ёддан билиши ва сўзсиз амал қилиши керак. Бу бўйича ҳам қўшимча машғулотлар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, кодексда баҳолаш мезони ҳам мавжуд. Ходимларнинг даража олиши, лавозимларга кўтарилиши масалалари, рағбатлантириш меъёрлари ҳам белгиланган. Кодекс талабларини бажармаган ходимлар рағбатлантирилмайди, уларнинг навбатдаги унвонни олиши, юқори лавозимга кўтарилиши тўхтатилади.

Ножўя хатти-ҳаракатларнинг барчаси кодексда аниқ белгиланган. Масалан, ички ишлар ходими уч кун асоссиз ишга чиқмаса, уни ишдан бўшатиш мумкин. Шунингдек, ходимларга хизмат мажбуриятларини бажариш пайтида ва хизмат вақтида ёхуд хизмат кийимида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш тақиқланган. Улар фуқароларга ва - ҳамкасбларига самимий ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозим. Шу каби бошқа ҳолатлар ҳам кўзда тутилган.

Агар ходим нотўғри хатти-ҳаракат содир этган бўлса, фуқаролар унинг устидан шикоят қилишга ҳақли. Хизмат текшируви орқали уларнинг хатти-ҳаракатига ҳуқуқий баҳо берилади. Хато қилган бўлса, албатта, чора кўрилади. Кодексда чора турлари ҳам аниқ баён этилган.

— Ижтимоий тармоқларда деярли ҳар куни фош этилган бирор жиноят ҳақида эшитамиз, ўқиймиз. Айтинг-чи, бу ахборотларнинг шаффофлашиши туфайлими ёки чиндан ҳам, жиноятлар сони кўпайганми? Жиноятлар таҳлили нималарни кўрсатади?

— Қайд этиш лозимки, бугунги кунда ички ишлар органлари фаолияти шаффофлигини таъминлаш учун 22 та веб-сайт, ижтимоий тармоқларда эса 70 тадан ортиқ расмий саҳифалар юритилмоқда. Улар орқали 2022 йил давомида 2,5 миллиондан зиёд доимий фойдаланувчиларга маълумотлар тақдим этилди.

Криминоген вазиятни холисона таҳлил қилиш, жиноятларни яширмаслик мақсадида, ходимлар ташаббуси билан аниқланадиган жиноятлар ижобий натижа сифатида баҳолаш тизимига ўтилди. Бу ўз самарасини берди. 2022 йилнинг 12 ойида қайд этилган жиноятларнинг деярли учдан бир қисми ходимларнинг ташаббуси билан аниқланди.

Шу билан бирга, ҳозир мамлакатимизнинг барча ҳудудида жиноятлар секторлар кесимида таҳлил қилиниб, вазиятга маҳалладаги хавфсиз шароит яратилганлигига қараб баҳо берилмоқда. Бундай ёндашув криминоген вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун замин яратмоқда. Агар бундан олти йил аввал жиноятдан холи ҳудудга айланган маҳаллалар

улуши 13 фоиздан ошмаган бўлса, бугунги кунда уларнинг улуши 35 фоизни ташкил этмоқда.

Шу даврда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан олди олинishi лозим бўлган жиноятлар сони қарийб бир ярим бараварга (216 тадан 153 тага) камайди ва бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудида энг хавфсиз давлат ҳисобланади. Энг асосийси, ходимларнинг кундалик фаолияти рақам ва фоиз ортидан қувишига эмас, балки жиноятчиликнинг асл сабабларини бартараф этиши орқали фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишига қаратилмоқда.

Лекин эришилган натижалардан ортиқча хотиржамликка берилмасдан, келгусида ҳам аҳолининг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирishiни таъминлаш, фаолиятимиз натижасини Президентимиз ва халқимиз кутган даражага етказиши учун ҳар бир ходим тиним билмасдан ишлаши лозим.

**«Халқ сўзи» мухбири
Раҳим ШЕРҚУЛОВ
суҳбатлашди.
(2023 йил 5 апрел)**

*Илмий мақолалар***Жўра ТОШҚУЛОВ***юримдик фанлари доктори, профессор,***Нўъмон АЗИЗОВ***юримдик фанлари доктори, профессор***ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ
ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИР
КЎРСАТГАН ОМИЛЛАР**

Ўзбек халқи давлат ва ҳуқуқ соҳасида кўп минг йиллик тарихий тажриба, бетакрор илмий бойликка эга. Мустақиллик туфайли ўз тарихимиз, маданий ва илмий меросимизни холисона, чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унинг бой ва ранг-баранг қирраларини тиклаш, шу асосда, халқ, айниқса ёш авлод тафаккурида ҳаққоний тарихни идрок этиш ва тарихий хотирани мустаҳкамлаш ҳамда мазмунан бойитиш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Кейинги вақтда мен жойларда бўлиб, ҳудудларимиз ҳаёти билан янада яқиндан танишар эканман, шундай бир фикрга ишонч ҳосил қиляпманки, биз ҳали юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти, улуғ олиму уламоларини, бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганганимиз йўқ¹.

Ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқининг тадрижий тараққиёти давлат ва ҳуқуқ тарихи фанида ўрганилади. Ушбу фан умумий тарихнинг таркибий қисми бўлиб, ўтмишда муайян ҳудудда амал қилган давлат, ҳокимият ва бошқарув органлари тизими, уларнинг вазифа ва функциялари, ҳуқуқ манбалари, соҳаларини тадқиқ этади, улар тўғрисидаги билимларга сайқал беради ҳамда давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурларни мазмунан бойитишга ҳисса кўшади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи. 15.06.2017. <https://president.uz/uz/lists/view/649>

Давлат ва ҳуқуқ тарихини ўрганиш муайян тарихий замон ва маконда вужудга келган ва шаклланган давлат тузумини, ҳокимиятнинг алмашиш сабаблари, уларни бошқариш усулларини тушунишга, ютуқлардан илҳомланиш ва камчиликларини такрорламасликка ёрдам беради. Аждодларнинг ҳуқуқ тизими билан танишиш замонавий ҳуқуқ тизимини ўзлаштиришга ва уни давр талабидан келиб чиқиб такомиллаштиришга кўмаклашади. Миллий давлатчилик ва ҳуқуқ тизимини чуқур ва ҳар томонлама ўрганмасдан, тарихий тажрибадан тегишли хулоса чиқармасдан туриб давлат ва ҳуқуқнинг ҳозирги аҳволини англаб етиш ҳамда уларнинг истиқболи ҳақида илмий асослантирилган таклиф ва тавсиялар бериш амри маҳол.

Янги Конституциямиз муқаддимасида белгиланганидек, жонажон юртимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашда, “давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига” таянишимиз лозимлиги ҳам, ушбу мавзу нақадар долзарблигини билдиради.

Ўзбекистонда илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши азалдан тадқиқотчилар, олимларни қизиқтириб келган. Илк ўзбек давлатчилигига оид маълумотлар қадимги юнон-рим тарихчилари ва мутафаккирларининг асарларида учрайди. Геродот, Квинт Курций Руф, Плутарх, Полибий, Арриан, Диодор каби юнон-рим тарихчилари қадимги Ўрта Осиё халқлари тўғрисида жуда кўп маълумотларни ёзиб қолдирганлар¹.

Юртимизда давлатчиликни ўрганишга ҳар доим алоҳида эътибор қаратилган. Абу-Райҳон Беруний, Фирдавсий, Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолоддин Муҳаммад ал-Ҳавофий, Наршахий, Абдураззоқ Самарқандий, Шарофиддин Али Яздий, Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий,

¹ Геродот. История в девяти книгах. Перевод и примечания Г.А.Стратановского. Под общей редакцией С.А.Утченко. Редактор перевода Н.А.Мещерский. Издательство «Наука», Ленинградское отделение. Ленинград, 1972. -599 с.; Квинт Курций Руф. История Алесандра Македонского. Сохранившиеся книги. Издательство Московского университета, 1963. -485 с.; Плутарх. Сочинения. СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета, 2008.- 384 с.; Полибий. Всеобщая история / Перевод / Ф.Г.Мищенко. Т. I-III. М., 1890-1899.; Арриан. Поход Александра. / Пер. М. Е. Сергеевко. Вступ. ст. О. О. Крюгера. М.-Л.: Изд-во АН, 1962. 384 с.; Диодор Сицилийский. Историческая библиотека / Пер., ст. и комм. О. П. Цыбенко. Отв. ред. А. В. Подосинов. — Т. 1. — СПб.: Наука, 2022. -674 с.

Муҳаммад Солиҳ, Муҳаммад Юсуф Мунши, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммад Ризо Огаҳий каби мутафаккирлар давлатчиликнинг вужудга келиши ва ривожланишини тадқиқ этганлар¹.

Совет тузуми даврида ўзбек давлатчилиги тарихи чекланган тарзда бўлса ҳам ўрганилган. Бунда академиклар Х.Сулаймонова, А.Асқаров, Б.Аҳмедов, В.В.Бартольд, Н.Бичурин, Я.Ғуломов, М.Е.Массон, В.М.Массон, С.Толстовнинг ҳиссалари улкан². Лекин коммунистик мафкурага таяниб, “европацентризм” таъсирида яратилган асарларда халқимиз давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихи синфий нуқтаи назардан ёритилди. Давлат ва унинг органлари, ҳуқуқ тизими фақат ҳукмрон синф манфаатларига хизмат қилиши, халқнинг ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилиши таъкидлаб келинди.

Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқ масалалари хорижлик тадқиқотчиларни ҳам азалдан қизиқтириб келган. Жумладан, Ж.Маркворт,

¹ ал-Беруний, Абу-р-Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад. Асарлар. /Таржимон А. Расулов. Изоҳларни И. Абдуллаев ва А. Расулов тузган. Масъул муҳаррирлар: И. Абдуллаев ва О. Файзуллаев/. Т. «Фан», 1968. (Ўзбекистон ССР Фан. акад. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти). Т. I. /Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар/. Кириш сўзи И. Абдуллаев ва О. Файзуллаевники/ 488 б.; Абулқосим Фирдавсий. Шоҳнома. Таржимонлар: Шоислом Шомухамдеов, Назармат, Ҳамид Ғулом, Жуманиёз Жабборой, Маҳкам Маҳмуд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашриёти, 2018. – 705 б.; Муҳаммад ал-Ҳавофий. Муджмали Фасихи, -Т., 1980; Наршахий. Бухоро тарихи. –Т., 1993; Абдураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд, 1-қисм. –Тошкент. “Ўзбекистон”, 2008. – 651 б.; Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: Камалак, 1994. -288 б.; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома («Шарафномаи шоҳий»). Биринчи китоб; Форс тилидан С.Мирзаев тарж.; Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Б. Аҳмедов. - Тошкент, «Шарқ», -1999; ¹ Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. –Т., 1989; Муҳаммад Юсуф Мунши. Муқимханская история: Пер. А. А. Семенова. -Ташкент: Директ Медиа, 2010; Шермуҳаммад Мунис Хоразмий, Муҳаммадризо Огаҳий. “Фирдавс ул-иқбол”. – Т.: Ўқитувчи, 2010; Муҳаммад Ризо Огаҳий. Асарлар. VI жилдлик. I-VI жилдлар. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.

² Сулайманова Х. С. Собрание сочинений / Отв. ред. [М. Хакимов](#). Т. 1-3. - Ташкент: Наука, 1967; Асқаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент., 1977; Асқаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993.; Бартольд В.В. Греко-бактрийское государство и его распространение на северо-восток / Сочинения. Т. II. Ч.2. –М., 1964; Бартольд В.В. Хорезм / Сочинения. Т. III. –М., 1965; Массон М.Е. Городища Старого Термеза и их изучение // Труды ТАКЭ. Вып. I.Ташкент, 1940; Массон В.М. Северная Бактрия. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. –М., 1985; Толстов С.П. Основные вопросы древней истории Средней Азии // ВДИ. 1938. № 1.; Толстов С.П. Монеты шахов Древнего Хорезма и древнехорезмийский алфавит // ВДИ. 1938. №4 (5).

А.Киесслинг ва бошқаларнинг асарларида Ўрта Осиё ҳудудида давлатчиликнинг вужудга келиши ва тараққиёти масалалари ўрганилган¹.

Мустақиллик даврида профессорлар Д.Алимова, Ҳ.Бобоев, А.Зиё, А.Иброҳимов, З.Муқимов, Э.Ртвеладзе, Ж.Тошқулов А.Хўжаев, Б.Эшов ва бошқа илм-фан жонкуярлари Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг шаклланиши тўғрисида илмий-тадқиқот олиб бормоқда². Лекин қадимги ўзбек давлатчилигининг ҳали ўрганилмаган, очилмаган қирралари жуда кўп бўлиб, улар билан ҳозиргача билганларимиз ўртасидаги фарқ ниҳоятда катта. Милoddан аввалги бир неча минг йиллик давлатчилик тўғрисида ҳозирга қадар умумий маълумотлар билан чекланиб келмоқдамиз. Бизга маълум бўлган давлатлар (Бақтрия, Сўғдиёна, Паркана, Юнон-Бақтрия, Кушон, Эфталитлар) тарихига доир чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Улар ҳақидаги билимимиз эса фақат ушбу давлатларнинг нечанчи асрларда пайдо бўлгани, давлат бошлиғининг номи, ҳукмронлик йиллари, баъзи мансаблар ва кўшинлар тўғрисидаги узук-юлуқ маълумотлардан иборат холос. Ушбу давлатларнинг вужудга келиши, ривожланиш босқичлари, моҳияти, бошқарув шакллари, амал қилган ҳудудлари, олий ва марказий бошқарув органлари, суд, армия ва ҳуқуқ тизимлари тўғрисидаги билимларимиз етарли эмас. Шу сабабли Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг вужудга келиши ва тараққий этишини тадқиқот объектига айлантириш, ушбу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир.

¹ Markwort J. Wehrot und Arang: untersuchungen zur mythischen und geschichtlichen landeskunde von Ostiran. E.J. Brill, Leiden, 1938.; Kiessling A. Hyrkania // RE. – Stuttgart, 1916. – Hbbd. 17.; History of civilizations of Central Asia The dawn of civilization: earliest times to 700 B.C. Volume I. UNESCO. UNESCO publishing, 1992; History of civilizations of Central Asia The development of sedentary and nomadic civilizations: 700 B.C. to A.D. 250. Volume II. UNESCO. UNESCO publishing, 1994.

² Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) // Масъул муҳаррир: Б.Ахмедов/. –Т.: «Шарқ», 2001. -368 б.; Тошқулов Ж. Ўзбекистон Республикаси давлати ва ҳуқуқи тарихи (Қадимги давр). Ўқув қўлланма. (ҳаммуаллифликда), -Т.: 2004; Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. –Т.: “Адолат”, 2003. -280 б.; Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. Ташкент, 2005; Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). –Фарғона, “Фарғона” нашриёти, 2013. -288 б.; Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. –Т., “Fan va texnologiya”, 2008. - 236 б.

Олимларнинг Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг қарор топиш даври тўғрисидаги фикрларида яқдиллик мавжуд эмас. Манбаларда ўзбек давлатчилигининг вужудга келиши милоддан аввалги VII асрларга тўғри келади, деган фикр кўп учрайди. Бунга асосан хитой, юнон-рим ва хинд ёзма манбаларидаги маълумотлар асос қилиб олинган¹.

Ўзбекистонда давлатчиликнинг ривожланишини тадқиқ этишда тарих, археология, антропология, этнография, тилшунослик, нумизматика фанларининг ютуқлари, маҳаллий тарихчиларимизнинг фикрлари эътибордан четда қолиб келмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг археолог олимлари сўнгги йилларда қадимги аждодларимиз умргузаронлик қилган манзилгоҳларни ўрганишга муваффақ бўлдилар ва уларнинг даврларини аниқладилар. Жумладан, бундан 4 минг йил аввал мавжуд бўлган Сополлитепа ва Жаркўтон ёдгорликлари (Сурхондарё), мил. авв. 2 минг йилликнинг охири ва 1 минг йилликнинг бошларида мавжуд бўлган Амиробод, Якка Порсон, Тагискен ёдгорликлари (Хоразм) ва бошқа ёдгорликлар археологлар ва ҳуқуқшунослар томонидан ўрганилган².

Ўзбекистон худудида топилган қадимги давр аҳоли яшаш масканларини тарихчи олимлар тўртта гуруҳга бўлиш мумкинлигини таъкидладилар: *биринчи гуруҳга*, майдони бўйича йирик бўлган, илк шаклланаётган шаҳарлар киритилган. Тарихчилар томонидан ўрганилган шаҳарнинг умумий майдони 30 га.ни ташкил этган. Унда баландлиги 10 метрдан ортиқ арк қолдиғи мавжуд бўлган. Шаҳар деворлар билан ўралган; *иккинчи гуруҳ*, аҳоли масканлари қалъа ва унинг атрофида жойлашган мустаҳкамланмаган қисмлардан иборат бўлган. Аҳоли яшаш масканининг ўртасида доира шаклидаги (диаметри 125-130 метр) қалъа жойлашган; *учинчи гуруҳ*, йирик, лекин, ҳимоя кўрғонларига эга бўлмаган

¹ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск, 1989; Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. I. Москва-Ленинград, Изд-во АН СССР, 1950. -380 с.; Геродот. История в девяти книгах. Перевод и примечания Г.А.Стратановского. Под общей редакцией С.А.Утченко. Редактор перевода Н.А.Мещерский. Издательство «Наука», Ленинградское отделение. Ленинград, 1972. -599 с.; Квинт Курций Руф. История Алесандра Македонского. Сохранившиеся книги. Издательство Московского университета, 1963. -485 с.;

² Ўзбек давлатчилиги тарихи [Матн] Т.1 / Масъул Мухаррирлар: Э.Ртвеладзе, Д.А.Алимова. –Тошкент: Akademnashr. 2021. -552 б.; Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Изд-то “Наука”, Москва. 1985. – 493 с.; Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. Изд-то “Наука”, Москва – Ленинград, 1966. -287 с.; Болелов С.Б. Крепость Аяз кала 3 в правобережном Хорезме // Приаралье в древности и средневековье. М., 1998.;

(майдони 10 га) аҳоли масканлари ташкил этган; *тўртинчи гуруҳ*, кичик алоҳида жойлашган аҳоли масканларидан (0,5 га) иборат бўлган¹.

Ушбу ёдгорликларнинг аксарияти уч қатор мудофаа девори билан ўралган, деворнинг қалинлиги 2 метрни ташкил этган, уларда ибодатхоналар, ҳукмдорлар саройи мавжуд бўлган. Таассуфки, ушбу ёдгорликлар ҳали давлатчилик нуқтаи назаридан чуқур тадқиқот объектига айлантирилган эмас.

Ваҳоланки, йирик ва мустаҳкам ҳимоя деворлари билан ўралганлиги, қалъалар, ҳукмдорлар саройи, ибодатхоналарнинг мавжудлиги – бу шаҳарларни қуриш учун кўп минглаб ишчи кучини жалб эта оладиган, уларни қурилиш анжомлари, материаллари, озиқ-овқат билан таъминлайдиган, халқни ягона мақсадга йўналтира оладиган, бошқарадиган ташкилий куч бўлганлигидан далолат беради. Шу билан бирга шаҳарнинг ҳимоя деворлари қурилганлиги, уни қўриқлаш, ички тартибни сақлаш, ташқи душмандан ҳимоя қилиш учун қуролланган қўшин ташкил этилганлигини англатади. Қўшинни бошқариш, таъминлаш эса алоҳида сиёсий куч амал қилганлигини кўрсатади.

Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарларини тадқиқ этган олим Б.Эшов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Мил. авв. IV минг йилликнинг охири – III минг йилликнинг бошларига келиб Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида ўтроқ деҳқончилик иқтисодиёти ва аҳолининг ўсиши натижасида йирик аҳоли манзилгоҳлари – озиқ-овқат захираси, ҳунармандчилик фаолияти, жамоа ибодатхоналари ҳамда ҳокимият органлари марказлашган ҳудудларга – қишлоқ хўжалик вилоятлари ёки воҳаларнинг марказларига айланиб боради”².

Б. Эшов И.Шифманнинг фикрига таяниб, шаҳарнинг баъзи бир хусусиятларини ажратиб кўрсатади. Жумладан, шаҳар эркин аҳолининг ижтимоий ташкилот шакли сифатида ўзининг ички ва ташқи ишларида мустақил ҳокимиятни у ёки бу даражада амалга оширадиган фуқаролар жамоасини ўзида акс эттириши; ижтимоий уюшма сифатида шаҳар ҳокимият органларининг маълум тартибига эга бўлиши; шаҳар уюшмаси учун мустаҳкамланган марказ ва марказдан четда бўлиб, унга бўйсунувчи

¹ Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. –М., 1985. –С.188.

² Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Т., “Fan va texnologiya”, 2008. –Б.29-30.

фуқароларнинг турли иншоотлардан иборат турар жойлари мавжудлиги; шаҳарнинг қишлоқ жамоаларидан пайдо бўлиши ва ривожланиши¹.

Тарихчи олимларнинг ушбу фикрлари, археологик қазилмалар натижаларига таяниб олиб борилган тадқиқотлар асосида топилган шаҳар ва аҳоли масканлари қолдиқлари ҳамда бошқа манбалар асосида тасдиқланган. Жумладан, илк темир даврида Шимолий Бактрия давлатчилиги тадқиқотлари шуни кўрсатадики, аҳоли масканлари бу даврда (эр.ав. VIII-VI асрлар) воҳа тизими асосида шаклланган. Бу ерда бир-биридан 25-40 км узоқликда жойлашган бешта катта бўлмаган воҳалар аниқланган. Тадқиқотчилар қуйидаги воҳаларни ажратиб кўрсатадилар: *биринчиси*, Сангардак-Тўпаланг воҳаси; *иккинчиси*, Ҳалқажар (Миршоди) воҳаси. У Қизилтепа шаҳарчаси, унинг атрофидаги кичик аҳоли масканлари, бузиб ташланган Аҳдакўл масканидан иборат бўлган; *учинчиси*, Ўрғул (Бандихон) воҳаси бўлиб, унинг атрофида Ғозимулластепа, Киндиктепа, номсиз тепалар жойлашган; *тўртинчиси*, Жондавлаттепа, Пағмонтепа, Талашкантепа 1, номсиз тепалардан иборат Шеробод воҳаси; *бешинчиси*, Ўланбулоқсой воҳаси бўлиб, унга Кучуктепа, Дабилкўрғонлар кирган².

Одатда ҳар бир воҳа уч-тўрт аҳоли масканларини қамраб олган бўлиб, улардан бири марказий ҳисобланган. У бошқа аҳоли масканларидан катталиги, ҳимоя деворлари билан ўралганлиги, аниқ режаси мавжудлиги билан ажралиб турган³.

Бундан ташқари иқлим, яшаш муҳити, шарт-шароитларининг ўзгариши қабилалар, халқларнинг бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиб кетиши, ёки кўчиб келиши давлатчиликнинг шаклланиши ва тараққиётига таъсир этувчи муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади. Тарихчиларнинг далолат қилишича, Ўрта Осиё эрамиздан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларида ўз тараққиётида мураккаб даврни бошдан кечирган. Кескин ўзгаришлар анънавий деҳқончилик маданияти ҳукм сурган жанубий ҳудудларида ва ҳам чорвачилик кенг тарқалган шимолий қисмида рўй берган⁴.

¹ Эшов Б. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Т., “Fan va texnologiya”, 2008. –Б.19.

² Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. –М., 1985. –С.188.

³ Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. –М., 1985. –С.188.

⁴ Ўша асар. – С.178

Бронза даврида Ўрта Осиё жанубида шаҳар маданияти шаклланган бўлиб, суғориладиган ерлар ўзгаришга юз тутган. Бу жараён икки босқичда рўй берган: *биринчи босқичда*, Копетдоғ тоғ олди ҳудудларида бронза даври маданияти сўниши юз берган. Тадқиқотчилар маданиятнинг таназзулга учраши сабабларини қуйидагилар деб ҳисоблайдилар: об-ҳавонинг қуруқ келиши; узоқ муддат фойдаланиш натижасида ернинг шўрланиши; ернинг унумдорлигини йўқолиши ва бошқалар. Бунинг натижасида аҳолининг Мурғоб дарёси этакларига кўчиши юз бериб, кеч бронза даври маданиятига оид алоҳида воҳалар ривожланган. Айнан ўша даврда одамларнинг оммавий кўчиши бошланиб, Бактрия ҳудудида Амударёнинг ҳар икки томонидан кеч бронза даври маданияти: жанубда Даштли ва шимолда Сополли пайдо бўлган¹.

Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик тараққиётига таъсир кўрсатган муҳим омиллардан бири – бу кўчманчи ва ўтроқ аҳолининг доимий равишда ва азалдан ёнма-ён яшаб келганлигидир. Кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўзаро турли-туман муносабатга киришганлар: *биринчидан*, аксарият кўчманчи халқлар этник жиҳатдан ўтроқ аҳолига яқин бўлиб, уларнинг маданияти ҳам маълум даражада уйғун бўлган; *иккинчидан*, бу халқларни мустаҳкам иқтисодий алоқалар боғлаб турган. Кўчманчи халқларнинг ривожланган хунармандчилик буюмларига ва ўз навбатида, ўтроқ аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг мавжудлиги Ўрта Осиё халқларининг ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнаган. *Учинчидан*, ўтроқ аҳоли ва кўчманчи халқларнинг сиёсий ҳаёти ҳам ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда кечган. Мазкур муносабатлар турли-туман бўлган. Баъзан кўчманчи қабилалар катта давлатларнинг таркибий қисми, бўлаги бўлиб, турли мажбуриятларни ўтаган (масалан, ҳарбий ёрдам). Баъзан эса, кўчманчилар ўтроқ аҳоли ҳудудларини босиб олиб, кўчманчи қабилалар бирлашмалари бошлиқлари, ҳукмдор сулолага айланган. Жумладан, эр. ав. I асрда Юнон-бактрия подшолиги ҳудудига бостириб келган бешта кўчманчи қабиланинг бирлашуви юз берган. Янги давлат тузилмаси, хитой ёзма манбаларида Гуйшуан, Кушон деб аталган. Кўчманчи қабилаларнинг бу ўлкаларда ҳокимиятни қўлга олиши, Кушон подшолигининг пайдо бўлишига олиб келган².

¹ Ўша асар. – С.179.

² Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. –М., 1985. – С.204.

Ўтроқ ҳудудларни кўчманчи қабила томонидан босиб олиниши турли-туман оқибатларга олиб келган: *биринчидан*, жамиятнинг ижтимоий таркибини ўзгартирган; *иккинчи*, кўчманчи қабилалар ва ўтроқ воҳалар ўртасидаги алоқалар кучайишига олиб келган. Чунки босиб олиш жараёнида кўчманчиларнинг бир қисми ўтроқлашган бўлса, қолган қисми, анъанавий турмуш тарзини давом эттирган; *учинчидан*, кўчманчиларнинг маданий таъсири, айниқса жамиятнинг юқори қатламларига кучли бўлган; *тўртинчидан*, кўчманчи қабилалар ва ўтроқ аҳоли ўртасидаги муносабатларда ҳудуд масаласи муҳим ҳисобланган. Ўтроқ аҳоли ва кўчманчиларнинг ўртасидаги чегаралар барқарор бўлмай, у мунтазам ўзгариб турган. Бунда жамият тараққиёти билан боғлиқ тарзда дехқончилик учун зарур бўлган ерларнинг, шу билан ўтроқ дехқончилик маданияти ҳудудлари кенгайиб борган¹.

Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг вужудга келиши ва тараққиёти бошқа минтақалар, узоқ ва яқин кўшни мамлакатлардан ажралган ҳолда, алоҳида тарзда юз бермаган. Аксинча, Ўрта Осиёда одамлар келиб ўрнашган илк даврлардан бошлаб бошқа минтақалар, ҳудудларда яшаб ўтган халқлар, қабилалар билан ижтимоий, иқтисодий, маданий, савдо ва ҳарбий алоқалар ўрнатилган. Тадқиқотчиларнинг маълум қилишича, Ўрта Осиё халқлари милoddан аввалги 3-2 минг йилликларда Шимолий Ҳиндистон, Месопотамия, Миср, Хитой, Эрон, Мидия каби ўлкалар билан турли алоқалар ўрнатганлар².

Мидия тарихини ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрича, милoddан аввалги IV-III минг йилликларга оид Мидия ҳудудида топилган сопол идишлар Ўрта Осиё ҳудудларидан топилган сопол идишлар билан ўхшашлиги, бу халқларнинг ўша даврларда ҳам яқин муносабатларда бўлганлигидан далолат беради³. Худди шунингдек, тарихчи И.М. Дьяконов Ктесийнинг маълумотларига таяниб, Бақтрия давлати ассирия-мидия

¹ Ўша асар. – С.204-205.

² Оппенгейм А. Древняя Месопотамия. 1990. –С.52.; Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи.: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) // Масъул муҳарри: Б.Аҳмедов/. –Т., “Шарқ”, 2001. –Б.26.; Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уалрга шарҳлар / А.Хўжаев. – Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2013. –Б. 46-47.

³ Дьяконов И.М. История Мидии. От древнейших времен до конца IV века до н.э. Изд-во АН СССР, Москва-Ленинград, 1956. –С.96.

уруши даврида (эр.ав. VII аср) Мидия билан иттифоқчи бўлганлигини уқтиради¹.

Ўзаро урушлар ва босқинчилик юришлари Ўрта Осиёда давлатларнинг вужудга келиши ва тараққиётига таъсир кўрсатган. Ўрта Осиёда давлатчилик тараққиёти бошқа ҳудудлар халқлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечган. Бунда *бир томонидан*, Ўрта Осиё ҳудудлари мазкур ҳудуддан ташқарида яшовчи халқларнинг сиёсий тузилмалари доирасига қамраб олинган бўлса (Ўрта Осиё ҳудудининг катта қисми Аҳамонийлар, Александр Мақдуний, Салавқийлар ҳокимияти остига тушган); *иккинчи томонидан*, Ўрта Осиёда шаклланган давлат тузилмалари ўзининг ҳудудидан четда жойлашган бошқа халқларни ҳам қамраб олган (Парфия, Юнон-Бақтрия, Кушон подшолиги)².

Масалан, тарихчиларнинг маълумот беришича, кушонлар ҳукмронлиги Парфиянинг шарқий чегарасига доимий таҳдид солиб турган бўлса, сосонийлар сулоласининг асосчиси Ардашир кушонларга ҳужум қилиб, Марғиёна, Кармания ва Сеистонни босиб олган³. Ўрта Осиё халқлари тарихида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўрта Осиё ҳудудида давлатларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти ёки таназулига дин, диний қарашлар ва дин билан боғлиқ муносабатлар ҳам маълум бир даражада ўз таъсирини кўрсатган. Кишилик жамияти тараққиётининг давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлгангача босқичида диний эътиқод билан боғлиқ муносабатлар уруғ ва қабилаларнинг урф-одат нормалари, анъаналари билан тартибга солинган. Айрим динларнинг таъсир доирасининг кенгайиши, уларга эътиқод қилувчилар нуфузининг ошиши, у ёки бу динга эътиқоднинг кучайиши ва мустаҳкамланиши, барқарор тус олиши билан урф-одат нормалари ва анъаналарнинг ўрнини диний нормалар эгаллаган.

Қадимги даврдаги дастлабки диний тасаввурлар асосида инсоният тафаккурида яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, адолат ва адолатсизлик каби ахлоқий категорияларнинг илк тарихий унсурлари шаклланган. Ижтимоий тараққиёт давомида дин инсонларнинг яшаш ва фикрлаш тарзи, қадимий маданият ва маънавият кўринишларидан бирига

¹ Дьяконов И.М. История Мидии. От древнейших времен до конца IV века до н.э. Изд-во АН СССР, Москва-Ленинград, 1956. –С.358.

² Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. –М., 1985. –С.204.

³ History of civilizations of Central Asia. Volume II. The development of sedentary and nomadic civilizations: 700 b. c. to a. d. 250. UNESCO Publishing, – P.248.

айланган. Айни чоғда, ижтимоий онг шаклларида бири сифатида дин жамият ва унинг сиёсий тизимининг шаклланиши ва фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган¹.

Ўзбекистон ҳудудида қадимда мавжуд бўлган турли туман диний эътиқодлар инсонлар ҳаётининг маънавий жабҳасини ташкил этиб келган. Тош асрида Ўзбекистон ҳудудидаги халқлар турли хайвонлар (тотемизм) ва Қуёшга сиғинишган (астралмифология) бўлса, кейинчалик фетишизм, анимизм, афсунгарлик каби илк диний қарашлар шаклланган. Бошқа минтақалар билан ижтимоий маданий алоқаларнинг ривожланиши натижасида Марказий Осиёга буддавийлик, монийлик, маздакийлик, христиан несторианлик динлари кириб келган. Зардуштийлик дини атроф ҳудудларга тарқалган².

Зардуштийлик динининг пайдо бўлиши, Эрон ва Осиё қитъасидаги мамлакатларда уруғчилик тузумининг емирилиши ва давлатнинг Марказий Осиёда пайдо бўлиши даврига тўғри келади. Зардуштийлик минтақадаги қабилалар ва уруғларнинг кучли марказлашган ҳокимият атрофида бирлашиши, кўшни ҳудудларда кўчманчи қабилалар ва уруғлар таҳдидларига қарши курашида мафкуравий асос ролини ўйнаган. Зардуштийликнинг яхшилик билан ёмонлик, адолат билан адолатсизлик, ҳақиқат билан ёлғон, ёруғлик билан қоронғулик каби фалсафий категориялар ўртасидаги ҳаёт-мамот кураши оқибат натижасида эзгулик ҳақидаги ғояси ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида раҳбарий етакчи куч бўлиб хизмат қилган.

Зардуштийликнинг Аҳамонийлар давлати расмий давлат дини мақомига эга бўлиши ҳақида Фирдавсий ва Берунийнинг ёзишларича, “Зардушт биринчи бўлиб ўз динини Эрон шоҳи Виштаспга асослаб кўрсатиб, унинг эътирофини қозонади. “Шарристонхон Эрон” китобида Виштасп фармонида кўра, Зардушт 1200 бобдан иборат панднома – “Авесто”ни олтин тахтачаларга ёзиб, шоҳнинг оташкадисида топширган”, деб ёзилган. Шундан сўнг шоҳ пайғамбарнинг тарафдори сифатида янги диннинг ашаддий тарғиботчисига айланди. Бу асарда Амунинг икки

¹ Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: Диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. - Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. - Б. 11.

² Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: Диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. - Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. - Б. 15.

соҳилдаги юртларнинг ҳокими Аржаса акаси Виштаспни аждодлар эътиқодидан қайтганликда айблаб, унга қарши лашкар тортади. Тенгсиз муҳорабада Аржаса ўлдирилади. Натижада Эрону Туронда *маздапарастлик – зардуштийлик дини* тўла жорий этилади. Зардуштнинг хоҳиш ва Виштаспнинг фармонига мувофиқ барча шаҳарларда оташкадалар – ибодатхоналар қурилади. Ана шундай оташкадалардан бири – энг улкани Балх шаҳрида қад кўтаради”¹.

Худди шунингдек, буддавийлик таълимотининг Ўрта Осиё бўйлаб тарқалишида милоддан аввалги биринчи асрда ва милоднинг 4 асрлари оралиғида Кушон империясида давлат дини деб эълон қилиниши муҳим аҳамият касб этган. Канишка, Вима Кадфиз ва улардан кейинги кушон императорлари буддизмни кенг ёйганлар. Улар бу дин анъаналарини амалда ривожлантириш, бошқа халқлар ўртасида тарқатиш учун Балх, Марв, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Шош, Туркистон, Қува, Косон, Ўш, Болосоғун, Кошғар, ва бошқа шаҳарларда Буддизм такагоҳлари ва хонақоҳлари, ибодатхоналарини қуриб бу тизимнинг муқаддас китоблари Сутра ва Пастриларни ўрганиш, таржима қилиш ва шарҳлаш учун шароит яратиб берганлар.

Умуман олганда, Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши силлиқ ва бир хилда кечмаган. Ҳудуднинг катталиги, географик хилма-хиллиги, аҳоли турмуш тарзи, бошқа халқлар, давлатлар билан ўзаро алоқалар, диний муносабатларнинг тарқалиш даражаси давлатчиликнинг ривожланиши ёки таназзулига сабаб бўлган. Мазкур масалани фалсафа, тадқиқ этишда тарих, археология, нумизматика, социология, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, шарқшунослик фанлари вакилларининг яқиндан ҳамкорлиги ўта муҳимдир. Ўрта Осиё ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига таъсир кўрсатган омилларни ўрганиш, келажакда давлатчилик тараққиёти учун муҳим бўлган ижобий ҳолатларни англаган ҳолда ривожлантириш ва аксинча давлатчилик тараққиётига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олинишига ёрдам беради.

¹ Ҳамиджон Ҳомидий. Авестодан Шоҳномага. – Тошкент: «Шарқ», 2007. - Б.7-8.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг вужудга келиши ва тараққиётига таъсир кўрсатган омиллар Ўрта Осиёда амал қилган давлатлар ва уларнинг давлатчиликка хос белгилари тарихий, археологик манбаларга таянган ҳолда замонавий ёндашув асосида илмий таҳлил этилган.

В статье на основе современного подхода опираясь на исторические и археологические источники научно проанализированы факторы, повлиявшие на возникновение и развитие ранней государственности на территории Узбекистана, а также характерные черты государств действовавших в Средней Азии в древности.

The article scientifically analyzes the factors that influenced the emergence and development of early statehood on the territory of Uzbekistan, as well as the characteristic features of states operating in Central Asia in ancient times based on a modern approach, relying on historical and archaeological sources.



Улуғбек РАСУЛЕВ,

*Малака ошириш институти бошлигининг
биринчи ўринбосари, полковник*

**ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИНГ ЖАМОАТ
ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИДИ: АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯ
ВА МУАММОЛАР**

Барчамизга яхши маълумки, мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар аввало инсон манфаатлари, унинг дахлсизлигига қаратилиб, мазкур жараёнда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ички ишлар органларининг муносиб ўрни бор.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 25 октябрь – Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида “Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар органларидир” деб алоҳида таъкидладилар¹.

Инсоннинг нечоғлик қадри баланд ва улуғ мавжудот эканлиги маълум. У табиат бойликларидан лаззатланиши, соғ-саломат, кучли ва ақлли бўлиши учун, ўзини-ўзи асраб авайлаши, ҳимоя қилиши ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиши лозим. Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида хавфсизлигимизга ҳамда ижтимоий-маънавий барқарорлигимизга раҳна солувчи иллатлардан бири бўлган одам савдоси – бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида, "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", - деб эътироф этилган. Бугунги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар жаҳон ҳамжамиятида жиддий ташвиш ва хавотирларни келтирмоқда. Энг ачинарлиси, бу жиноятни содир этувчиларнинг ҳам, бундан жабр кўрувчиларнинг ҳам муддаолари

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/3913>

муштарак. Яъни, енгил йўл билан даромад топиш истагида жиноят содир этиш – икки тоифадаги одамларни ҳам ҳалокат домига тортмоқда.

Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда. Орадан йиллар ўтган сари одам савдосига қарши кураш дунёнинг барча мамлакатларида амалда бўлмасин, бу муаммо бизни ҳозирги кунда ҳам қаттиқ ташвишга солмоқда.

Айни пайтда, трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлган бу жиноят тури дунё миқёсида кенг тарқалган. БМТ ва Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хулосаларига кўра, ундан жабр кўрганлар сони бир неча миллионларни ташкил қилмоқда¹.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб², давлатимиз 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йилда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаларнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга қўшилди. Шунингдек, мамлакатимиз парламенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенцияга ҳамда одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча ҳужжатлар имзоланди.

2019 йил 30 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг: "Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда 2020 йил 17 августдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг (янги таҳрири) асосида одам савдоси қурбонларини аниқлаш, ҳимоя қилиш ва ижтимоий реабилитация қилиш,

¹ Trafficking in Persons Report. US State Department. 2022. <https://www.state.gov/trafficking-in-persons-report>

² Лебедев С. «Люди в зоне риска: борьба с торговлей людьми на миграционных маршрутах». <https://cis.minsk.by/news/5274/slebedev-vystupil-v-vene-na-otkrytii-konferencii-alansa-po-borbe-s-torgovlej-ludmi>.

шундай жиноятлар қурбонига айланган фуқароларга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам кўрсатиш, одам савдосига алоқадор шахсларни тергов қилиш ва жавобгарликка тортиш, шунингдек, бундай жиноятларни содир этишга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўрилмоқда.

Одам савдоси, аввало, инсон эркинлиги, тенглиги ва шахсий дахлсизлигига жиддий путур етказди, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади. Бу жинойи фаолият ортида аслида мажбурий меҳнат, куллик ва фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабих иллатлар туради¹.

Одам савдоси – инсонни ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларидан маҳрум қилиб, бировларнинг қўлида қул бўлишга маҳкум этиш, инсонлар умрига зомин бўлиш, уларнинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилишдек энг оғир ва жирканч жиноятлардан энг хавфлиси саналади. Афсуски, инсон ҳаётини тасарруф қилиш, инсонни олди-сотди нарсага айлантириш айрим ваҳший ва баднафс шахсларнинг доимий фаолиятига ҳамда мўмайгина даромад манбаига айланиб қолмоқда.

Таҳлилларга кўра, ҳозир дунё бўйича тахминан 27 миллион киши одам савдоси туфайли куллик ҳолатига тушиб қолган. Бу борада Непал, Судан, БАА, Ҳиндистон, Габон, Гаити каби давлатларда энг оғир ҳолатлар кузатилмоқда.

Бугунги кунда жинойи бизнес деб аталмиш одам савдоси кенг қамровли тус олгани боис мазкур иллат орқали топилаётган даромадлар ноқонуний қурол-яроғ ва олмос савдоси келтирадиган даромадларга тенглашди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳар йили 2 миллион 700 мингга яқин киши одам савдосининг қурбони бўлмоқда ва ҳар йили одам савдоси билан шуғулланувчи уюшган жинойи гуруҳлар 32 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад топишади².

Минг афсус, “одам савдоси” деб аталмиш трансмиллий жиноят чегара билмаслиги сабабли, юртимизда ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда, хусусан айрим юртдошларимиз жон қойитмай, осонгина мўмай даромад топиш йўллариини излай бошлашди. Улар нима қилиб бўлса-да, кўпроқ пул топиш, даромад орттириш мақсадида

¹ Рустамбаев М.Х. Торговля людьми. -Т.: Издательство ТГЮИ, 2009. - С. 315.

² Trafficking in Persons Report. US State Department. 2022. <https://www.state.gov/trafficking-in-persons-report>.

ноқонуний, ҳалокатли, келажаги йўқ ишларга қўл урмоқда. Қонуний йўл билан эмас, одам савдоси орқали бойишни кўзлаётган айрим ғаразгўй кимсалар алдовига учиб, хориждаги иш ва яшаш шароитларини ўрганмай, давлатлараро шартномалар асосида иш юритувчи расмий идораларни четлаб, оғир аҳволда қолмоқда. Тўғри, жаҳон амалиётида бир давлатдаги фуқароларнинг бошқа юртда ишлаб, пул топишлари таъқиқланмаган.

Меҳнат миграцияси фақатгина бизни юртимизда мавжуд бўлмай, бутун дунё бўйлаб амалга оширилади, жумладан Ўзбекистон, шунингдек Марказий Осиё фуқаролари Россия, Туркия, Дубай давлатларига меҳнат миграциясини амалга оширса, Россия фуқаролари эса Европа ва АҚШга, Ҳиндистон фуқаролари эса Англия, АҚШ ва Австралияга, Туркия фуқаролари Германияга ва шу сингари меҳнат миграцияси оқими барча давлатларда мавжудлиги сир эмас.

Лекин буни расмий йўл билан, барча ҳуқуқ ва эркинликлар даҳлсизлиги таъминланган ҳолда амалга ошириш керак. Иш ахтариб, норасмий йўл билан кетаётганларнинг на саломатликлари, на ҳуқуқ-эркинликлари, на меҳнатларига ҳақ тўлаш, на энг азиз ҳаётлари ҳақида қайғурадиган шахс ё ташкилот йўқ, бир товламачининг ёлғон ваъдасига алданиб, ўз юртидан бошқа юртларга кетишмоқда. Борган жойларида меҳнат қилиб ҳақини ололмаётганлар, касал бўлиб, даволанишга пул ахтараётганлар, ҳатто уйга қайтай деса, йўлкирасини тополмаётганлар қанча?!

Одам савдоси жинойти дунёвий давлатларнинг қонунчилигида жинойт деб баҳоланиб, таъқиқловчи нормалар билан таъқибга олиш билан бир вақтда, диний нуқтаи назардан ҳам қораланган.

Ислом таълимоти инсонларни тўла-тўқис озод, ҳур бўлишга, фақат Аллоҳ таолога бандалик қилишга, ҳар томонлама етукликка, яхшилик ва тақво йўлида ўзаро ҳамкор бўлишга чорлайди.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилган ҳадиси кудсийда айтилади: ***“Мен қиёмат кунини уч тоифа кишининг даъвоғари бўлурман: Менинг номим билан аҳд бериб, уни бузган, озод инсонни қул деб сотиб пулини еган ва мардикорни ишлатиб ҳақини бермаган одамларнинг”*** (Имом Бухорий ривояти).

Бугунги кунда “одам савдоси” деб аталмиш трансмиллий жинойтнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда

ҳам қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Одам савдоси трансмиллий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган жиноят эканлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон 2003 йил 12 декабрда БМТнинг “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясига қўшилди. Шунингдек, мамлакатимиз парламенти томонидан БМТнинг 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясига ҳамда одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги тан олинади деб эътироф этилганидек, одам савдосига оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинди, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг “Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар” бобининг 135-моддаси билан одам савдоси жинояти таъқиқланди ва ушбу жиноятлар оғишлаштирувчи ҳолатларда содир этилган тақдирда саккиз йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Ҳар йили 30 июль Бутунжаҳон одам савдосига қарши кураш кунини сифатида нишонланади. «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш Маркази томонидан одам савдоси соҳасидаги асосий тенденция ва муаммоларни аниқлаш мақсадида аҳоли ўртасида сўров ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида истиқомат қилаётган ўзбекистонлик эркеклар ва хотин-қизлар, ёшлар, ўрта ва катта ёшдагилар, турли соҳаларда банд бўлган фуқаролар иштирок этишди. Ижтимоий сўров натижаларини мақоламиз доирасида таҳлил қиламиз.

Ўтказилган сўров натижалари шуни тасдиқлайдики, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси доирасида қабул қилинаётган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар одам савдосига қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатда ушбу жиноят турининг тарқалишини қисқартириш имконини бериб, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг ҳуқуқларини нафақат мамлакатда, балки унинг ташқарисида ҳам ҳимоя қилишга ёрдам бермоқда. Шунингдек, жамиятда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва

улардан жабрланган фуқароларга нисбатан шаклланган стереотип қарашларни енгиб ўтишга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўтказилган тадқиқ шуни кўрсатдики, жамоатчилик онгида одам савдоси турли кўринишларга эга бўлиб, шахснинг кадр-қимматига бевосита дахл қиладиган, ҳақиқатан ҳам инсонни савдодаги оддий товар даражасида таҳқирлайдиган, шахсга қарши шафқатсизлик билан қилинган жиноят эканлигини англаш устуворлик қилади.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг энг кўп тарқалган турлари – одамларни бевосита сотиш ва сотиб олиш, қуллик, эрксизлик ва қарамлик, эркаклар ва аёлларнинг меҳнат эксплуатацияси, одамларни уларнинг аъзоларидан фойдаланиш мақсадида сотиш, болаларни сотиш ва сотиб олиш ҳисобланади¹.

Одам савдосидан жабрланганлар сонини одам савдоси муаммосидан ва меҳнат миграциясига отланаётган фуқаролар дучор бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарлардан аҳолини огоҳ қилиш йўли билан сезиларли даражада камайтириш мумкин.

Олинган маълумотларга кўра, 62,8 фоиз фуқаролар жиноятнинг ушбу туридан хабардордир, сўровнинг ҳар бешинчи иштирокчиси ҳуқуқбузарликнинг ушбу тури ҳақида “у-бу нарса эшитганини” билдирди. Шуниси хавотирлики, 16,9 фоиз респондентлар ушбу муаммо тўғрисида, ноқонуний миграция жараёнида қулликка тушиб қолиш хавфи ва одамфурушлар фаолиятининг усуллари ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас.

Кўпчилик фуқаролар одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги маълумотлардан, ушбу жиноятга қарши курашиш, одам савдосидан жабрланганлар ва замонавий қулликнинг турлари ва шакллари ҳақида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг кўрсатувлари орқалигина огоҳ бўладилар.

Сўров натижалари Интернет одам савдоси масалаларини ёритишда, унинг кўлами ва характерини аҳоли томонидан тушунилишида, ушбу жиноят турига қарши курашишда давлат ва ҳуқуқ-тартибот органлари саъй-ҳаракатларининг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини фаоллаштиришда улкан салоҳиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Сўралганларнинг 42,8 фоизи фикрича, одам савдоси муаммоси ва у билан

¹ *Рустамбоев. М.Х.* Одамлар савдоси учун жавобгарлик тўғрисидаги масала юзасидан. Рисола. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 6 с.; *И.Ю. Фозилов.* Одам савдосига қарши курашнинг жиноят–ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юрид. фан. док. дис. – Т., 2016. – С.77.

боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги ахборотларнинг асосий манбаси интернет-сайтлар ҳисобланади, ҳар тўртинчи респондент одам савдосининг турли кўринишлари ҳақидаги ахборотларни телеграмм-каналлар орқали олишини қайд этади.

Сўровда шу нарса аниқландики, маҳаллий оммавий ахборот воситалари жамоатчиликни одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабардор қилишда мавжуд салоҳиятларини тўлиқ амалга оширмаптилар¹.

Сўров натижалари шуни аниқлашга имкон бердики, одам савдоси билан боғлиқ жиноятчиликнинг пайдо бўлишига шарт-шароит яратадиган омиллар ва сабаблар турли-туман бўлиб, кўпинча жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий соҳаларидаги жиҳатлар билан боғлиқ бир бутун комплекс муаммоларнинг натижалари ҳисобланади. Ҳуқуқий маданият даражасининг етарли эмаслиги, ишга жойлашиш билан боғлиқ қийинчиликлар, моддий муаммолар, хорижда ишга қонуний жойлашиш имкониятлари тўғрисида фуқароларнинг етарлича хабардор эмаслиги ва тегишли рухсатномасиз ёки расмий шартномасиз бошқа давлатга ишга кетиш билан боғлиқ хавф-хатарлар тўғрисидаги ахборотнинг мавжуд эмаслигини фуқаролар одамфурушлар тўрига тушиб қолишнинг асосий сабаблари, деб билишади.

Фуқаролардан олинган жавобларнинг таҳлили жамоатчилик фикрида одам савдосидан жабрланган кишининг қиёфаси ҳар доим ҳам мавжуд воқеликка мос келмаслиги ва унинг соддалаштирилган ҳамда юзакилигини кўрсатди. Шундай қилиб, респондентлар одам савдосидан кўпинча содда ва ишонувчан, ўзганинг таъсирига тез берилувчан ва вазиятни танқидий баҳолашга қодир бўлмаган 18-25 ёшлардаги йигит-қизлар жабрланишади, деб ҳисоблайдилар.

Айни вақтда, тадқиқот натижалари кўрсатганидек, сўров иштирокчилари ҳақиқатан ҳам одам савдосидан нафақат ёшлар, балки ўрта ёш вакиллари, болалар ва ҳатто ёш гўдаклар ҳам жабр кўришлари мумкинлигини таъкидлашди. Ёллаш билан кўпинча танишлар, қўшнилар ёки қариндошлар ҳам шуғулланишади. Бу ерда гап жабрланганларнинг соддадиллиги ва беғамлиги ҳақида эмас, балки жиноятчилар томонидан кўпроқ ушбу инсонларнинг ишончини суиистеъмол қилиш ҳақида кетаяпти. Одам савдоси билан боғлиқ вазиятга тушиб қолиш учун фуқароларнинг маълумоти етарли эмаслиги, мутахассислиги бўлмаслиги

¹ https://uza.uz/uz/posts/odam-savdosi-asosiy-tendenciya-va-muammolar_396265

шарт эмас, ёлловчилар чангалига ишидан айрилган ва оғир моддий аҳволга тушиб қолган фуқаролар ҳам тушиши мумкин.

Тадқиқот натижалари кўрсатганидек, фуқаролар турли ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш бўйича олиб бораётган ишлари самарадорлиги ва натижадорлиги даражасини умуман ижобий баҳолайдилар.

Тадқиқот давомида аҳоли томонидан одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги энг таъсирчан чора-тадбирлар айтиб ўтилди. Фуқароларнинг фикрига кўра, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар учун жиноий жавобгарлик чораларининг қатъийлаштирилиши жазонинг муқаррарлигини таъминловчи омил ҳисобланади. Лекин, сўров иштирокчилари таъкидлаганидек, одам савдосига қарши курашишни фақат айбдорларни аниқлаш ва уларни жазолашга тенглаштириш мумкин эмас.

Сўров иштирокчиларининг фикрига асосан, мамлакат минтақаларида янги иш жойларини яратиш ва қонуний меҳнат миграциясини ташкил этиш, шунингдек, пул ишлаш учун бошқа мамлакатларга чиқиб кетаётган фуқароларни тегишли органлар томонидан қатъий назорат қилинишини амалга ошириш одамларнинг жиноятчилар тўрига тушиб қолиш хавфини камайтиради.

Сўров натижаларининг таҳлили сўнгги йилларда халқаро муаммога айланган одам савдоси жамоатчилик фикрида ижтимоий-гуманитар жиҳатдан замонамизнинг энг хавфли ва оғир даъватларидан бири ҳисобланади, деган тасаввур устуворлик қилишини тасдиқлайди. Уни фақат алоҳида олинган давлат, ҳуқуқ-тартибот органлари ёки бунинг учун яратилган махсус тизимнинг саъй-ҳаракатлари билан енгиб бўлмайди. Одам савдосига қарши курашиш давлат ва жамиятнинг, ҳар бир фуқаронинг иши бўлиб қолиши керак¹.

Одам савдосига қарши курашиш қонунчилик базасининг такомиллаштирилиши, ҳуқуқ-тартибот органлари ишининг фаоллаштирилиши, ўзаро ҳамжиҳатлик ва халқаро ҳамкорлик даражасининг оширилиши, одам савдоси жиноий индустриясига, шунингдек, камбағалликка қарши курашиш, ишга жойлаштириш масалаларининг ҳал этилиши ҳамда иш ўринларининг кўпайтирилиши, ҳуқуқий саводхонлик тўғрисида аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш, одам савдосига нисбатан жамиятда шаклланган стереотип

¹ https://uza.uz/uz/posts/odam-savdosi-asosiy-tendenciya-va-muammolar_396265

қарашларни енгиб ўтиш каби жиҳатларни камраб оладиган комплекс ёндашувни талаб этади.

РЕЗЮМЕ

Мақолада трансмиллий уюшган жиноятлардан бири - одам савдосига қарши кураш масалалари ҳамда бу соҳадаги асосий тенденция ва муаммоларни аниқлаш мақсадида аҳоли ўртасида ўтказилган сўров натижаларининг таҳлили баён этилган.

В статье рассмотрены международные, национальные нормы по противодействию торговле людьми и проанализированы результаты проведенного опроса среди населения с целью выявления тенденций и проблем в данном направлении.

The article examines international and national norms on combating human trafficking and analyzes the results of a survey conducted among the population in order to identify trends and problems in this direction.



Шокир АЛБЕКОВ,
Старший преподаватель цикла физической культуры ИПК

ФОРМИРОВАНИЕ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ КУРСАНТОВ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ МВД СРЕДСТВАМИ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА

За последние годы физическая культура и спорт уверенно, хотя и медленно, входят в быт народа. Массовые формы физической культуры, несомненно, помогают решать задачи оздоровления, повышения физической подготовленности, а следовательно, и некоторые социально-экономические проблемы.

В современной науке физическая культура считается объективной потребностью общества, имеет разветвленную структуру и выполняет следующие основные функции: оздоровительно-профилактическую, экономическую, воспитательную, политическую и культурно-развлекательную. [1]

Велика роль физической культуры и спорта в формировании здорового образа жизни. По мнению ряда ученых, оздоровительный потенциал физической культуры и массового спорта, если его использовать полностью, позволили бы обеспечить стойкое повышение работоспособности, предотвратить массовые заболевания и достигнуть увеличения продолжительности жизни.

Решение задачи формирования здорового образа жизни средствами физической культуры и спорта особенно важно для такой группы молодежи, как курсанты учебных заведений МВД, где различные физкультурно-оздоровительные и спортивные мероприятия в полной мере способствуют развитию таких важнейших качеств личности, как настойчивость, целеустремленность, воля, трудолюбие, решительность, помогают избавиться от вредных привычек.

В настоящий момент усилилось также внимание исследователей к разработке проблемы формирования здорового образа жизни молодежи средствами физической культуры и спорта как наиболее эффективного, способствующего развитию положительных черт поведения здорового образа жизни. Освещая проблемы физической культуры и спорта, современные исследования способствуют выработке научного

мировоззрения методически правильного отношения к физической культуре и спорту, понимания связи этой области с видением здорового образа жизни.

Предпринятое исследование выдвигает проблему формирования здорового образа жизни курсантов учебных заведений МВД средствами физической культуры и спорта. Изложенные в настоящем исследовании методологические вопросы и организационно-методические рекомендации, апробированные в системе учебно-воспитательного процесса по физическому воспитанию в учебных заведениях МВД Республики Узбекистан, в определенной мере будут содействовать повышению мировоззренческого потенциала в воспитании, обучении, подготовке курсантов к предстоящей профессиональной деятельности, к жизни.

Физическая культура на исходе XX века все больше признается едва ли не единственным средством неутилитарного плана, способным обеспечить физическое совершенство, общую и специальную готовность человека к выполнению важнейших социально обусловленных функций (трудовой, интеллектуальной, оборонной), успешно бороться с гипокинезией и устранять диспропорцию между потребностью организма в движении и реальным двигательным режимом при существующем образе жизни. В целом она направлена на использование всего того, что способствует полноценному развитию личности, реализует возможности достижения каждым физического совершенства и многолетнего сохранения здоровья, обеспечивает физическую подготовку к творческому труду и другим общественно необходимым видам деятельности. [2]

Проблема здорового образа жизни в условиях современной социальной, экологической и радиационной обстановки становится все более актуальной в теории и методике физического воспитания. Решение задачи формирования здорового образа жизни средствами физической культуры и спорта особенно важно для такой группы молодежи, как курсанты учебных заведений МВД. Постановка проблемы здорового образа жизни в сфере профессиональной подготовки курсантов учебных заведений МВД не случайна, ибо современный специалист должен отличаться не только высоким уровнем профессиональной подготовки, но и хорошим здоровьем. В этом случае физическая культура и спорт становятся важнейшими факторами обеспечения высокого

функционального состояния организма, оптимальной интеллектуальной работоспособности и формирования профессионально ценных личностных качеств.

Учитывая вышеизложенное, необходимо отметить, что, во-первых, процессы формирования и функционирования здорового образа жизни и физической культуры курсантов учебных заведений МВД обладают известной специфичностью; во-вторых, физическая культура и спорт выступают одним из компонентов благоприятной социально-психологической атмосферы в процессе обучения и активно воздействуют на полноценное развитие личности будущего сотрудника.

Особое значение при этом приобретают средства массовой информации как фактор управления, воспитания, информирования о здоровом образе жизни.

Среди задач, которые являются наиболее злободневными, важны социально-педагогические задачи, решение которых способствует формированию таких важных качеств личности, как самоорганизация, духовные потребности, устойчивые интересы и другие. [3]

Однако наряду с тем, что здоровому образу жизни отводится большое место в научных исследованиях, по-прежнему возникает жизненно важный практический вопрос, каким образом можно стать здоровым и оставаться таковым довольно продолжительное время.

Особое внимание в аспекте нашего исследования отведено осмыслению социальной значимости физической культуры и спорта как эффективного средства укрепления психофизического здоровья, экономического и оборонного потенциала страны, рационального, культурного проведения свободного времени, удовлетворения духовных потребностей курсантов учебных заведений МВД.

К сожалению, до настоящего времени отсутствует комплексная методика работы по формированию здорового образа жизни курсантов, которая отличалась бы:

- профессионально-прикладной направленностью;
- единством направленности и взаимодействия всех компонентов учебно-воспитательного процесса, в котором действует сама личность, педагоги, представители учебно-воспитательных учреждений, семья, общественность, работники средств массовой информации;

– непрерывной ориентацией на здоровый образ жизни, который является фундаментом соматического и психического здоровья, источником высокой нравственности и творческого долголетия.

Объектом исследования является - здоровый образ жизни курсантов учебных заведений МВД Республики Узбекистан.

Специфика формирования здорового образа жизни средствами физической культуры и спорта в условиях учебно-воспитательного процесса учебных заведений МВД Республики Узбекистан.

Мы имеем основание полагать, что систематически и целенаправленно организуемая в учебно-воспитательном процессе деятельность, направленная на культивирование физической культуры и спорта в формировании здорового образа жизни, сможет обеспечить курсантам учебных заведений МВД успешную адаптацию к профессии, интенсифицировать процесс овладения специальными знаниями и навыками с целью достижения высокого уровня сформированности значимых профессиональных качеств, активизировать работу по самообеспечению личностно-значимого полноценного психофизического здоровья, что в конечном счете позволит раскрыть им наиболее полно духовный, моральный, интеллектуальный потенциал своей личности. [4]

В данной статье целесообразно определить и обосновать принципы, содержание, особенности и формы учебно-воспитательного процесса в формировании здорового образа жизни у курсантов учебных заведений МВД Республики Узбекистан средствами физической культуры и спорта.

Задачами исследования здорового образа жизни является:

1. Выявить социально-ценностные ориентации и потребности курсантов в сфере физической культуры и спорта.

2. Определить средства физической культуры и спорта, применяемые в системе физического образования и воспитания курсантов с целью формирования здорового образа жизни.

3. Обосновать принципы и содержание учебно-воспитательного процесса, способствующие формированию здорового образа жизни.

4. Разработать методику применения средств физической культуры и спорта по формированию здорового образа жизни курсантов учебных заведений МВД.

5. Подготовить методические рекомендации для преподавателей о путях и способах формирования здорового образа жизни курсантов

учебных заведений МВД Республики Узбекистан в системе их физического образования и воспитания.

Методологическую основу исследования составили положения философии образования о том, что социализация личности молодого человека проходит в совместной деятельности и общении в определенной социокультурной среде. Для того чтобы процесс социализации личности осуществлялся наиболее оптимально и действенно, содержание образования должно дать ей возможность активно пользоваться механизмами адаптации, рефлексии, выживания, сохранения своего психофизического здоровья. Использование указанных механизмов возможно в том случае, если в содержание образования, наряду с когнитивным, аксиологическим и деятельностно-творческим компонентами, органически включается личностный, который содействует активному самопознанию, саморегуляции, самосовершенствованию, моральному и духовному самоопределению, приобретению навыков в формировании здорового образа жизни. [5]

На теоретическом уровне применялись анализ философской, педагогической, психологической, медицинской литературы, анализ социально-ценностных ориентации и потребностей курсантов в сфере физической культуры и спорта, обобщение, сравнение. На эмпирическом уровне в комплексе использовались наблюдение, беседа, анкетирование, интервьюирование, педагогический эксперимент (констатирующий и формирующий), статистическая обработка экспериментальных данных.

В процессе исследования проанализировано 5 учебных планов и программ, обследовано 250 курсантов учебных заведений МВД Республики Узбекистан, изучено и проанализировано 170 анкет.

Научная значимость полученных результатов заключается в следующем:

1. Дано дальнейшее развитие воспитательно-оздоровительному направлению в теории и методике физического воспитания курсантов учебных заведений МВД.
2. Выявлены социально-ценностные ориентации и потребности курсантов в сфере физической культуры и спорта.
3. Изучены и проанализированы мотивы, способствующие формированию здорового образа жизни курсантов учебных заведений МВД Республики Узбекистан.

4. Обоснованы принципы и содержание учебно-воспитательного процесса, эффективно способствующие формированию здорового образа жизни курсантов учебных заведений МВД Республики Узбекистан.

В заключение следует отметить, что в формировании гармонично развитой личности, серьезно относящейся к своему состоянию здоровья, огромное значение имеет физическое воспитание. Процесс физического воспитания, направленный на физическое совершенство личности, позволяет стать духовно богаче, нравственно чище и физически здоровее, совершеннее. В настоящее время физическое воспитание является одним из необходимых элементов общей системы воспитания молодежи, решая практические цели и задачи: подготовку молодежи к трудовой (производственной) деятельности, к защите своего Отечества. Возможности заниматься физической культурой и спортом, постоянно укреплять свое здоровье в нашей стране даны каждому человеку с детских лет до преклонного возраста.

Следует заметить, что превращение нравственных убеждений у занимающихся физкультурой и спортом в прочные, повседневные, здоровые нормы поведения воспитывают не сами по себе спорт и физическая культура, а прежде всего опытные, грамотные, духовно и морально зрелые преподаватели и тренеры, весь коллектив, в котором формируется личность.

Занятия физкультурой и спортом в таком коллективе обязывает занимающихся не только преодолевать трудности, возникающие на пути достижения цели, соблюдать установленные в спорте нормы нравственного поведения, но и отказываться от вредных привычек, несовместимых с целями укрепления здоровья. [6]

В большом количестве научных и методических работ подчеркивается важность того, чтобы каждый тренер, педагог, учитель, воспитатель умел привить своим ученикам правильный взгляд на физическую культуру и спорт, научить смотреть на занятия спортом как на нечто прекрасное, очень важное и необходимое для здорового образа жизни.

Все это свидетельствует о том, что сама жизнь настоятельно требует широкого использования физического воспитания, занятий физической культурой и спортом во всем комплексе мероприятий, связанных с

повышением действенности формирования здорового образа жизни молодых людей.

РЕЗЮМЕ

Жисмоний тарбия ва спортни замонавий инсон турмуш тарзига кенг жорий этиш муҳим ижтимоий ва гигиеник аҳамиятга эга. Бу замонавий цивилизациянинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, кундалик ҳаётий жараёнларнинг энг муҳим стимулятори ҳисобланади. Жисмоний тарбия ва спортнинг асосий қиймати муносиб турмуш тарзи идеали ҳамда уйғун ривожланган инсон қиёфасини яратишдир. Бизнинг жисмоний тарбия тизимимиз одамларнинг кўп йиллик жисмоний кўрсаткичларини ҳар томонлама ривожлантириш ва сақлашга қаратилган профилактика ҳамда гигиена тадбирлари мажмуасига эга.

Широкое внедрение физической культуры и спорта в режим жизни современного человека приобретает важное социально-гигиеническое значение. Это обусловлено особенностями современной цивилизации, создающей условия для резкого ограничения в быту и труде двигательной активности - важнейшего стимулятора жизненных процессов. Главной ценностью физической культуры и спорта, является создание идеала достойного образа жизни и образа гармонично развитого человека. Наша система физического воспитания располагает комплексом профилактических и гигиенических мероприятий, направленных на всестороннее развитие и поддержание на долгие годы физической работоспособности и двигательной активности людей.

The widespread introduction of physical culture and sports into the lifestyle of a modern person is currently acquiring important social and hygienic

significance. This is due to the peculiarities of modern civilization, which creates conditions for a sharp restriction in everyday life and work of motor activity - the most important stimulator of life processes. The main value of physical culture and sports, especially in our time, is the creation of the ideal of a decent lifestyle and the image of a harmoniously developed person. Our system of physical education has a complex of preventive and hygienic measures aimed at the comprehensive development and maintenance for many years of physical performance and motor activity of people.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. *Черясова О. Ю., Онищук М. А.* «Физическая культура и спорт в жизни современного общества // Молодой учёный ноябрь 2018.- № 48.
2. *Алдошин А.В., Моськин С.А.* Физическая подготовка как неотъемлемая составная часть профессиональной подготовки курсантов и слушателей образовательных организаций МВД России // Актуальные проблемы физической культуры и спорта курсантов, слушателей и студентов: сборник статей // Редкол.: С.Н. Баркалов [и др.]. Орел: ОрЮИ МВД России имени В.В. Лукьянова, 2016. - С. 11-14.
3. *Баркалов С.Н., Герасимов И.В.* Физическая подготовка курсантов образовательных организаций МВД России: состояние, проблемы и пути совершенствования // Общество и право-2014. - № 4 (50). С. 299-304.
4. *Баркалов С.Н.* Профессиографический подход к физической подготовке сотрудников органов внутренних дел // Научный портал МВД России - 2015.-№ 4 (32). - С. 121-129.
5. *Дружинин А.В.* Особенности специальной физической подготовки курсантов образовательных организаций системы МВД России // Проблемы и перспективы развития образования в России: сборник материалов XXXI Всероссийской научно-практической конференции // Под общ. ред. С.С. Чернова. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2014.- 202 с.
6. *Ендальцев Б.В.* Физическая культура, здоровье и работоспособность человека в экстремальных экологических условиях: Монография. – Санкт-Петербург: Изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 2008. - 198 с.

Жалолиддин ДЖУМАБОЕВ,
*Малака ошириш институти Жанговар тайёргарлик цикли катта
ўқитувчиси, доцент, подполковник*

ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда дунё миқёсида тобора мураккаблашиб бораётган ўзаро сиёсий зиддиятлар ва турли келишмовчиликлар, аввало ёшларни ўз домига тортишга уринаётгани сир эмас. Агар ушбу жараёнда дунё ҳамжамияти ўзаро келишган ҳолда мазкур долзарб муаммони ҳал этмас экан, бу жараён бир давлат ёки бир минтақа доирасида ҳал этилиши тобора қийинлашиб боради.

Бугунги кунда мамлакат келажагини ёшлар, уларнинг салоҳияти белгилаши ҳаммага маълум. Шундай экан, ҳар қандай мамлакат ўз келажагини ёшлар тимсолида, уларни илмий, маънавий-маърифий ва жисмоний жиҳатдан баркамол, ҳарбий ватанпарварлик фазилатлари шаклланган ҳолда вояга етказишда кўриши табиийдир. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг келажагини белгилаб берувчи ёшларни ҳақиқий ватанпарвар бўлиб етишишига катта имконият яратади. Шу сабабли, мустақилликнинг дастлабки кунларидан республикамизда ёшларнинг баркамол инсон бўлиб, улғайишига алоҳида эътибор берилди. Бу борада айниқса, ёшларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбияланиши учун улкан ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий асослар яратилди.

Лекин мазкур соҳада амалга оширилган тадбирларимиз ўзининг асосий мақсадига эриша олмади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бу ҳақида танқидий фикр билдириб “Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва ўқитиш, навқирон авлодимизни бизнинг халқимизга мутлақо бегона бўлган бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш масалаларига зарур даражада эътибор қаратилмади”, деб таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, юртбошимиз билдирган танқидлар ҳамда мазкур соҳада белгилаб берган вазифалардан келиб чиқиб, бугунги кунда мамлакатимиз ёшларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Шу ўринда савол туғилади: “Ватан”, “ватанпарварлик” тушунчалари нимани англатади? Бу муқаддас туйғу ҳақида саноксиз фикрлар, ғазаллар,

китоблар ёзилган. “Ватан” тушунчаси – кенг қамровли, кўп маъноли тушунча. Инсон ўз киндик қони тўкилган, туғилиб ўсган диёрини Ватан дейди, аммо ҳар бир инсон бу тушунчага ўз маънавий камолот даражасидан келиб чиқиб қамров беради. “Ўз уйим – ўлан тўшагим”, дейди биров, бошқаси туғилган шаҳар ёки қишлоғини Ватаним, юртим дейди. Аммо қандай талқин этилмасин, муҳими, “Ватан” тушунчаси маънавий қадриятдир.

“Ватан” тушунчаси маънавий қадрият сифатида инсон онгида ҳар хил камол топади, вазиятлардан келиб чиқиб, турлича талқин этилади. Агар уларнинг барчаси назарга олинмаса, қиёсий таҳлилдан ўтказилмаса, ёш авлод руҳига сингмайди, оддий бир шиор даражасида қолиб кетаверади. Ватан (арабча – *ўсган жой, юрт*) – кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрт, диёр ёхуд киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакат, она юрт. “Ватан” аниқ тушунча. У кенг ва тор маъноларда қўлланади. Бир халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аجدодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудудни ифодалаганда у кенг маънога эга бўлади. Яъни, тили, эътиқоди, урф-одатлари ва миллий хусусиятлари бир бўлган авлодлар яшаётган географик муҳит Ватанни ифодалайди.

Барча тинчликсевар мамлакатлар сингари Ўзбекистон Республикасида ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинлиги, давлат ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар учун эркин ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароитларни яратиш каби вазифалари мавжуд. Албатта, мамлакат ёшларида бу вазифаларни амалда таъминлаш кўникмаси ортган, малака ва тажрибаси шаклланган бўлиши мақсадга мувофиқ. Уларда ҳарбий ватанпарварлик қиёфаси ёшлиқдан шаклланган бўлиши мамлакат тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда ҳам 2018 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сон Қарори билан “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси” қабул қилинди. Унда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласига жисмонан ва маънан соғлом авлодни тарбиялашга оид яхлит таълим-тарбия тизимининг узвий ва ажралмас қисми сифатида қаралиб, Ўзбекистон Республикасининг Янги тараққиёт стратегияси талаблари асосида миллий ва жаҳондаги илғор тажрибалар, бугунги Ўзбекистон ҳаётидаги реал ижтимоий-сиёсий

Ўзгаришлар билан уйғун равишда такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Дарҳақиқат, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи умуммиллий миқёсидаги вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, ватанпарвар бўлмаган инсон ўз юрти, ўз халқи учун қайғурмайди, жонини фидо қилмайди. Зеро, ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний таъкидлагандек, ҳар бир кишининг туғилиб-ўсган шаҳар ва мамлакатини шу кишининг Ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу Ватан ҳис-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз Ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-фароғатда яшамас, маишати бўлиб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз Ватанининг муҳаббати турар. Демак, инсон онгли мавжудот сифатида ўз Ватанини улуғлаши, тараққиёти учун қайғуриши, тинчлиги, хавфсизлиги учун курашмоғи унинг ватанпарварлигидан далолат беради. Таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларни мана шу руҳда тарбиялаш мамлакат равнақи учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Асосий қонунимизда “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир ҳил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”, дейилган. Ушбу нормадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимиз барча фуқаролари учун инсонпарварлик принциpidан келиб чиққан ҳолда бир ҳил эътибор қаратилади. Шу сабабли, озод ва обод Ватанимизни севиш ва қадрлаш, у билан фахрланиш, унинг сарҳадларини мудофаа қилиш ватанпарварлик намунасидир. Ёки Янги Конституциямизнинг 64-моддасида: “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар”, деган ҳуқуқий норманинг киритилганлиги ҳам ҳар бир фуқарога ватанпарварлик унинг ажралмас бурчи эканлигини англатади. Ёшларимизда ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришни ёшлиқдан амалга оширишимиз муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, уни фақатгина ижтимоий-маънавий масала бўлибгина қолмай, балки Ўзбекистоннинг Янги Конституциясига асосланган ҳолда сиёсий-ҳуқуқий масала эканлигини ёшларимизни онги ва тафаккурига сингдирсак уларнинг ватанпарварлигини янада юқори чўққиларга кўтариш имконияти юзага келади.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига республикамизда катта эътибор қаратилмоқда. Чунончи, ёшларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги ўқув муассасалари ва бошқа ўқув юртлари, “Ватанпарвар” мудофаага кўмаклашувчи ташкилот ўқув тўғарақларида, чақириққача ва чақириқ ёшидаги ёшларнинг ҳарбий тайёргарлик тизимида, Қуролли Кучларда шахсий таркибнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташи давомида ҳарбий лицейлар, республика фуқаролик олий таълим муассасаларининг ҳарбий факультет ва кафедраларида, Қуролли Кучларга тегишли бўлган махсус тузилмаларда, академик лицейларда олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимиз таълим муассасаларида “Чақириққача ҳарбий тайёргарлик” фани, кўпчилик олий таълим муассасаларида ҳарбий кафедралар, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетиде “Чақириққача ҳарбий таълим” йўналиши доирасида ўқувчи ва талаба ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор берилмоқда.

Ёшлар – Ватанимизнинг, миллатимизнинг келажагидир. Ватанимиз тақдирини уларга ишониб топширар эканмиз, аввало улар зиммаларига юклатилаётган мураккаб ва масъулиятли вазифани бутун моҳияти ила чуқур англашлари, унга ўзларини ҳиссаларини кўшишлари лозим. Зеро, Ватанни севиш, унга меҳр-муҳаббат қўйиш бевосита ҳар кимнинг шу юрт равнақи йўлида амалга ошираётган бунёдкорона ишлари билан белгиланади. Миллий ўзликни англашнинг ривожланишида миллий ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган, теран фикрловчи ёшларни тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун Ватан ҳимоясига тайёрланаётган ёшларимизнинг ҳар бири юксак ватанпарварлик руҳида тарбияланиши шарт.

Ватанпарварлик – юксак инсоний фазилат ҳисобланади. Алишер Навоий шахзода Бадиуззамонга ёзган мактубларидан бирида мақсад хусусида шундай ибратли фикрларини баён этган: “Одамнинг мурод мақсади бўлмаса, балолардан омон қолмайди. Аммо ҳар кишининг муроди кўпроқ бўлса, ҳақ-таоло амрига итоати кўпроқ бўлади”. Ватани бор одамнинг ғурур-ифтихори юксак, мақсад-муддаоси аниқ бўлади. Ватани – тоғдек таянчи борлигини ҳис этган инсон ҳар қандай синовга, ҳар қандай машаққатга доимо тайёр туради. Широқ, Тўмарис, Спитамен, Муқанна, Жалололдин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур каби халқ қаҳрамонларининг жасорати, душманга қарши кураш, Ватан озодлиги

йўлидаги мардлиги ва жонбозлиги бунинг ёрқин тасдиғидир. Мустақиллик туфайли халқимиз ўзининг ҳақиқий тарихи ҳақида гапириш ҳуқуқига эга бўлди, Ватан озодлигига эришди. ИИВ тизимидаги таълим муассасаларида тингловчи ва курсантларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш бош ғоямизнинг маъно-мазмунини уларнинг онгу-шуурига сингдириш воситасида амалга оширилади.

Айрим ҳолатларда ватанпарварлик деган тушунчанинг мазмуни нотўғри талқин этилиб, бир томонлама тавсиф берилади. Яъни, ватанпарвар деганда ҳарбий жасорат ёки қаҳрамонлик кўрсатган шахслар назарда тутилади. Бизнинг фикримизча, бу ватанпарварликнинг муайян бир кўринишидир. Ватанпарварликнинг кўринишларига мустақил фикрлаш, маънавиятлилик, махсус касбга эга бўлиш ҳам унинг қирраларини кўрсатиб беради. Ҳақиқатан ҳам, мустақил фикр бўлмаган жойда тобелик, маънавий таҳдид мавжуд бўлади. Мустақил фикрга эга бўлган инсон ҳеч қачон ўзгаларга қарам бўлмайди. Мустақил фикр яратувчанлик ва бунёдкорликнинг маънавий йўлидир. Ватанпарварликнинг шакли мустақил фикрлаш мавжуд бўлмаган жойда эса сотқинлик бошланади. Демак, ёшларимизни мустақил фикрлашга ўргатишимиз, уларни нопок йўллардан асраб қолади. Бежизга ҳадисларда “ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир” дейилмаган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти бу ҳақида билдирган қуйидаги фикрлари ҳаммамиз учун дастуриламал вазифасини ўташи керак, яъни “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитратнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”.

Ёшларда ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш адолатпарварлик билан ҳам мустаҳкам боғлиқ. Инсон умрига маъно-мазмун бахш этувчи адолат ҳақиқатга риоя қилишда, ҳар бир нарсани ўз

ўрнига кўя билишда намоён бўлади. Жоҳиллик, ялқовлик ва бекорчилик, худбинлик ва ҳасадгўйлик, кўрқоқлик, журъатсизлик ва такаббурлик охиरोқибатда Ватан тақдирига бефарқликни вужудга келтирадиган иллатлардан ҳисобланади. Бекорчилик – ҳар қандай истеъдод учқунини ўчириб, бошланган ҳар қандай эзгу ният ва интилишларни йўққа чиқарадиган, кўлга киритилган муваффақиятларнинг бой берилишига олиб келадиган иллат. Бекорчилик оқибатида инсон ўз ҳаётида хаёлдан ва хоҳиш-истакдан нарига ўта олмайди. Инсон умри оқар сув каби тез ўтиб кетади. Халқимиз мақолларидан бирида таъкидланганидек, “йўқолган олтин топилар, йўқолган вақт топилмас”. Шундай экан биз ҳар бир сония ва имкониятдан оқилона фойдаланишга интилишимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги жадал ўзгараётган дунё ёшлар олдида янгидан янги буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга дучор қилмоқда. Чунончи, ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда, бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак.

Шу сабабли, биз ўсиб келаётган ёшларимизни бировларнинг кўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялаб, Ватан равнақиға ғов бўладиган ҳаракатларга йўл қўймайдиган, уларга нисбатан муросасиз курашадиган ҳамда Ватанга муҳаббат ҳиссини камол топтиришимиз керак.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг айрим масалалари ёритилиб, “Ватан” тушунчасига таъриф берилган.

В статье отображены некоторые аспекты воспитания молодежи в духе военного-патриотизма. А также даны определения на слова как «Родина», «Патриотизм к родине».

The analysis of legal regulation of the organization of cadets and studentsa educational work is carried out, based on the study of laws and regulations and scientific literature, in the article.

Меҳмонали СУВАНКУЛОВ,
Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси бошлиғи,
ю.ф.н., доцент, полковник,

Абдуқодир АБДИБОСИТОВ,
Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД БИЛИМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ КАФОЛАТИ**

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди¹.

Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш – халқимиз учун фаровон ҳамда муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезони ва олий қадриятidir.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам, “Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларнинг талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон кадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.... Инсон кадри

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” Фармони, 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон.

деганда, биз ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз....”, деб таъкидлаган¹.

2022 - 2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”нинг биринчи муҳим устувор йўналиши “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” деб белгиланиши ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига нечоғлик даражада аҳамият берилаётганлигидан далолат беради.

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш ҳамда халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб бориш мақсадида 22.06.2020 йил куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони қабул қилинди.

ПФ-6012-сон Фармон билан “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси”, “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси», “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий кўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом” тасдиқланди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Зеро, жамоат хавфсизлиги тушунчасининг тағ замирида эса жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро

¹ Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз/<https://president.uz/uz/lists/view/4743>.

низолар, фавкулудда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясининг шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги устувор йўналиши сифатида шахсий ва сиёсий ҳуқуқларига оид халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш белгиланган бўлиб, бу бевосита ички ишлар органлари учун ҳам тааллуқли эканлиги ҳаммамизга маълум.

Ички ишлар органлари мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи алоҳида аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади.

Зеро, “Ички ишлар органлари тўғрисидаги”ги қонунда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ички ишлар органларининг асосий вазифаси (2-модда), фаолиятининг асосий йўналиши (4-модда) ва фаолиятининг асосий принципи (8-модда) сифатида белгилаб қўйилганлиги, инсон ҳуқуқлари масаласи ички ишлар органлари фаолияти учун нечоғлик даражада муҳим эканлигидан ва фаолиятининг бош мезони эканлигидан далолат беради.

“Ички ишлар органлари тўғрисидаги”ги қонуннинг 8-моддаси “Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш принципи” деб номланган бўлиб, ушбу қонун нормасида ички ишлар органлари ўз фаолиятини фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш асосида амалга ошириши, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳимоя қилинишини таъминлаши белгилаб қўйилган.

1984 йил 10 декабрда БМТ қабул қилган Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияни 1995 йил 31 август куни ратификация қилганидан сўнг, конвенциядаги халқаро

ҳуқуқ нормалари миллий қонунчиликка имплементация қилинган бўлиб, бунинг амалий ифодасини “Ички ишлар органлари тўғрисидаги”ги қонуннинг 8-моддасидаги “Қийноқларга солиш, зўравонлик қилиш, бошқа шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситадиган тарзда муомалада бўлиш ички ишлар органи ходимига таъқиқланади. Ички ишлар органининг ходими фуқарога қасдан оғрик, жисмоний ёки маънавий азоб етказиладиган хатти-ҳаракатларга чек қўйиши шарт” деб белгилаб қўйилган нормасида кўришимиз мумкин.

Бош Қомусимизда белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро ҳуқуқ нормаларнинг устуворлигини тан олган ҳолда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиясининг асосий йўналишларидан бири бўлган халқаро ҳуқуқ принциплари, нормалари ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кенг қўлланилиши, халқаро ҳуқуқ устуворлиги принципини амалга оширишнинг самарали механизмини яратиш деб белгиланган. Шу сабабли миллий қонунчилигимизда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида “Хабес корпус” институти, “Миранда қоидалари”, “Нельсон Манделла қоидалари”, “Махбусларни сақлаш бўйича минимал қоидалар”, “Бангкок қоидалари”, “Гендер тенглиги”, “Бола ҳуқуқлари” ва бошқа шу сингари инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандарт талабларига ички ишлар органлари ходимлари ўзларининг хизмат фаолиятларида амал қилиши лозим бўлади.

Мазкур халқаро стандартларга риоя қилишимиз учун эса ички ишлар органлари ходимларини етарли даражада ҳуқуқий билимлар билан қуроллантиришимиз, уларнинг ҳуқуқий билимлари ва саводхонлигини оширишимиз, айниқса инсон ҳуқуқларига оид ҳуқуқий билимлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига оид хабардорлик даражасига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Чунки, халқаро стандартга амал қилиш учун дасталаб ходим мазкур халқаро стандартни мазмун ва моҳиятини тушуниб олиши, яъни ҳуқуқий онгли ва ҳуқуқий маданиятли бўлиши лозим.

Ички ишлар органлари ходимларини инсон ҳуқуқлари борасида ҳуқуқий билимларини ошириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки, ички ишлар органлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш жараёнида аксарият ҳолларда

ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир қилган шахслар билан рўбарў келади ва айрим ҳолатларда уларни айрим ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний равишда чеклашга мажбур бўлади. Ички ишлар ходимлари хизмат нуқтаи назаридан фуқаролар билан зиддиятли муносабатларда бўлади, натижада ходимларнинг қонуний фаолиятлари устидан шикоят қилиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Бундай ҳолатларда эса қонунларни тўғри қўллашлари учун инсон ҳуқуқларига оид норма талабларини билишлари зарурий талабдир.

Ички ишлар органлари ходимлари ўзларининг ҳуқуқий билимларини мустақил ўрганиш орқали ўзлаштириб олишлари мумкин, аммо иш ҳажмининг кўплиги, доимий равишда иш билан бандлиги сабабли, мустақил равишда инсон ҳуқуқларига оид ҳуқуқий саводхонлигини оширишга имкони бўлмайди, айрим ҳолларда вақт бўлган тақдирда ҳам қонун нормаларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушунавермайди, чунки ходимларнинг барчаси ҳам юридик маълумотга эга эмас.

Миллий стратегиянинг Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига имплементация қилишнинг устувор йўналишида Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг мазмуни тўғрисида аҳоли ҳамда давлат органлари вакиллариининг хабардорлигини ошириш белгиланган бўлиб, ички ишлар органлари тизимида ходимларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш буйича ички ишлар органларида тизимли равишда ташкил этилган маънавий-маърифий ўқув машғулотларида масъул раҳбарлар ёки маърифат машғулотларига жалб этилган мутахасис маърузачилар томонидан қонун нормаларининг мазмуни етказилсада, аммо бу ажратилган вақт ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун етарли бўлмайди. Айниқса, инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларнинг мазмун ва моҳиятини битта машғулот доирасида ходимларга тушинтириб бериш учун камлик қилади.

Миллий стратегиянинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, жумладан бу борада ахборот тарқатиш, таълим бериш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича устувор йўналишлардан бири сифатида инсон ҳуқуқлари ва гендер масалалари бўйича узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, жамиятда қонунга ҳурматни шакллантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш белгиланган бўлиб, ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасаси бўлган

ИИВ Академияси “Давлат ва ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш” кафедраси томонидан инсон ҳуқуқларига оид назарий билимлар кундузги, сиртки ва магистратура босқичида тингловчиларга берилади, аммо бутун ички ишлар органлари тизимидаги ходимларни ўқитишни қамраб ола олмайди.

Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институтида бошланғич тайёргарлик, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва махсус курсларда кундузги, масофавий ва сайёр шаклдаги ўқув машғулотларда инсон ҳуқуқларига оид билимлар берилса-да, аммо ижтимоий-гуманитар, юридик, махсус-касбий, ахборот-технологиялар, жисмоний ва жанговар соҳага оид билимлар учун ажратилган жами ўқув соатлари тақсимотида етарли даражада ўқув машғулотлари ўтиш учун имкон бўлмайди.

Шиддат билан ўзгараётган Янги Ўзбекистонда қабул қилинаётган янги миллий қонунчилик билан бир вақтда ратификация қилинаётган инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартларнинг мазмун ва моҳиятини ички ишлар ходимларига ўз вақтида тушунарли тарзда етказиш ҳозирги кундаги ички ишлар органлари таълим муассасаларининг олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Зеро, ходимларни инсон ҳуқуқларига оид билимлар билан қуроллантирмасдан туриб, улардан инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилишни ёки ўзларини хизмат фаолиятлари жараёнида инсон ҳуқуқларига риоя этишларини талаб этишимиз бир оз ўринсиздир.

ИИВ Малака ошириш институтида 2022 йилнинг 11 ой якуни бўйича 32.340 нафар ички ишлар орган ходимлари бошланғич тайёргарлик, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва махсус курслардаги кундузги, масофавий ва сайёр шаклдаги ўқув машғулотларда таълим олганлигини инобатга олган ҳолда ички ишлар органлари ходимларини инсон ҳуқуқларига оид билимлар беришни такомиллаштириш мақсадида алоҳида муқаддам ИИВ Академиясида академик А.Х.Саидов республикада биринчилардан бўлиб, мустақил кафедра сифатида тамал тоши қўйган “Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти” кафедрасини ташкил қилиб, мазкур кафедра доирасида ички ишлар органлари ходимларга инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар бўйича билимлар берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари

бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясининг 3-банди, 3-хатбошида белгиланган “олий таълим муассасалари ҳамда кадрларни, шу жумладан судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув марказларида, шунингдек, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларида, академик лицей ва коллежларда «Инсон ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари» ўқув курсларини жорий этиш” чора-тадбирлар талаби ҳам шундан иборат.

Бундан ташқари, мазкур “Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти” кафедраси ўз фаолиятини Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ билан бевосита ҳамкорликда амалга оширилса янада самарали бўлар эди.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ томонидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган инсон ҳуқуқлари бўйича семинар-тренинглари ИИВ Малака ошириш институти базасида ёки ўзаро ҳамкорликда ўтказилса фойдадан холи бўлмасди, семинар-тренингадаги мастер-классда иштирок этган ички ишлар органлари ходимлари тренер сифатида олган билимларни, ҳудудий ва соҳавий ички ишлар органларидаги ҳамкасбларига тарғибот қилиш орқали, бошқа ходимларни ҳам инсон ҳуқуқларига оид саводхонлигини оширишга эришган бўлар эди.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, ички ишлар органлари ходимларининг инсон ҳуқуқларига оид билимлар такомиллаштиришга оид фикрлар тизимли равишда таҳлил этилган.

В статье системно анализируются реформы, проводимые в Республике Узбекистан в сфере защиты прав и свобод человека, мнения по повышению знаний сотрудников органов внутренних дел по вопросам прав человека.

The article systematically analyzes the reforms carried out in the Republic of Uzbekistan in the field of protection of human rights and freedoms, opinions on increasing the knowledge of employees of internal affairs bodies on human rights.

Илмий ахборот

Олимжон СУБАНОВ,
Малака ошириш институти
Юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ
МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШНИНГ СИФАТ ЖИҲАТИДАН
МУТЛАҚО ЯНГИ ТАРТИБИНИ ЎРНАТИШ**

Мамлакат тараққиёти ва барқарор ривожни кўп жиҳатдан аҳолининг сиёсий ҳокимиятга ишончи, жамият ҳаётида ижтимоий адолат тамойилларининг амал қилиш даражасига боғлиқ. Бу борада сўнгги вақтларда юртимизда мутлақо янгича тизим яратилди. Натижада, сиёсий ҳокимиятнинг халққа яқинлашуви кузатилиб, аҳолининг ижтимоий ва сиёсий фаоллиги ошди. Давлат раҳбари томонидан илгари сурилаётган «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган ҳаётий принцип тобора ижтимоий воқеликка айланиб бормоқда.

Айниқса, фуқаролар билан давлат органларининг доимий ва очиқликка асосланган мулоқотларининг йўлга қўйилгани, уларни ўйлантираётган, қийнаётган масалаларни ҳал этиш давлат ва жамият тузилмалари олдидаги биринчи даражали вазифага айлангани халқимизнинг ўз орзу-истаклари рўёбга чиқишига, эртанги кунига ишончи мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида жамият ҳаётида юз бераётган жадал ўзгаришлар аҳоли кенг қатламида ижтимоий фаоллик сезиларли равишда ортишига ва ўз навбатида, уларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларга ўзларини қийнаб келаётган муаммолар бўйича эркин мурожаатлари сони ошишига олиб келди.

Юртимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи конституциявий даражада кафолатланган. Асосий қонунизмнинг 40-моддасида қайд этилганидек, «ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига

ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт».¹

Конституциянинг ушбу нормасига кўра, ҳар бир шахс (шу жумладан, юридик шахс) ўзини қизиқтирган ёки манфаатдор бўлган масалалар бўйича яқка ўзи ёки кўпчилик бўлиб (жамоа шаклида) тегишли мутасадди давлат органларига, муассаса, ташкилотларга, халқ вакиллари – яъни депутат ва сенаторларга ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилишга ҳақлидир. Бу конституциявий сиёсий ҳуқуқдан Ўзбекистонда яшовчи барча фуқаролар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Республикамизда ушбу конституциявий субъектив ҳуқуқни реал амалга оширишни кафолатлаш ва тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш учун 2014 йилнинг 3 декабрида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун 2017 йилнинг 11 сентябрида янги таҳрирда қабул қилиниб, янада такомиллаштирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4904-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 7-сонли қарори, «Идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлари ҳокимларининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида»ги 366-сонли, «Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан

¹ Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>.

ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 341-сонли қарорлари, Адлия вазирлигининг «Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқлари ҳамда бошқа идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муурожаатлар билан ишлаш тизимини ҳуқуқий тартибга солиб келмоқда.

Давлат органлари ва давлат муассасаларига, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонунга кўра, муурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин. Жисмоний шахснинг муурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. Юридик шахснинг муурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. Ўз навбатида, аноним муурожаатлар кўриб чиқилмаслиги белгиланган.¹

Шунингдек, қонунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фаолияти ҳам тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрда имзоланган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳам муурожаатлар билан ишлаш тизимининг янги концепциясини яратди. Раҳбар ва мансабдор шахсларда одамлар дарду ташвишларига ечим топишга нисбатан ўзибўларчилик, совуққонлик ҳамда бюрократик ёндашувга чек қўйишга туртки берди. Мазкур фармон билан ҳар бир туманда, шаҳарда давлат раҳбарининг Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Бу эса давлат ва фуқаро ўртасидаги мулоқотни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди, жамиятда адолат илдизларини янада чуқурроқ мустаҳкамлашга, турли бўғиндаги раҳбарлар, амалдорларни аҳоли билан яқинлаштиришга, муурожаатларнинг имкон қадар тезроқ ҳал қилинишига замин яратди. Ушбу ноёб тузилма дунё сиёсатчилари томонидан ҳам юксак баҳоланаётгани эътиборга лойиқ. Хусусан, Япония Ички ишлар ва

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) ЎРҚ-445-сонли Қонуни. <https://lex.uz/docs/3336169>.

алоқа вазирлигининг Маъмурий баҳолаш бюроси (омбудсман) директори ўринбосари жаноб Сежиро Йошикайо Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилоятидаги Халқ қабулхонаси фаолияти билан танишиб, «юртингизда аҳоли билан мулоқот қилиш бўйича ноёб ҳамда инновацион лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётганига амин бўлдим. Виртуал ва Халқ қабулхоналарига фуқаролардан бир миллиондан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Айтиш мумкинки, бу давлат томонидан аҳолига ҳар томонлама кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳамда халқнинг давлат раҳбарига нисбатан қатъий ишончидан далолат беради», деб таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, 2017 йил май ойида мамлакатимизга келган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича бошқармаси Олий комиссари Зайд Раадал Ҳусайн ҳам Халқ қабулхонаси фаолияти билан қизиқиб, обдан танишганди. Мазкур нуфузли ташкилот бошқармасининг расмий сайтида унинг қуйидаги хулосалари келтирилган:

– Қадимий Самарқанд шаҳрида, Президентнинг Халқ қабулхонасида бўлиб, рўй бераётган ўзгаришларнинг яна бир тасдиғига гувоҳ бўлдим. Бундай қабулхона давлат раҳбарининг ташаббуси билан халқнинг дардини тинглаш мақсадида бутун мамлакат бўйлаб ташкил этилибди. Ўтган йили бу иш бошланганидан буён 800 мингга яқин мурожаат келиб тушибди. Шикоятлар кўплаб янги ислохотларни бошлашга, шунингдек, мавжуд муаммоларни маҳаллий даражада амалий ҳал қилишга тўртки берган. Буни мен Самарқандда кўрдим: кишиларга маслаҳат берувчи маълумотхоналар очилган, айрим ҳолларда, уй-жой, иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва банк хизматлари кўрсатиш, ҳуқуқий ёрдам бериш каби масалалар тезкорлик билан ҳал этиляпти. Шунингдек, мобиль қабулхоналар тузилгани энг олис қишлоқлар билан ҳам алоқа ўрнатиш, муаммоларнинг тезкор ва амалий ечимини таъминлашга хизмат қилаяпти.

Қувончлиси шундаки, мамлакатимизга ташриф буюрган бошқа меҳмонлар ҳамда экспертлар ҳам ушбу институтнинг ноёблигини эътироф этишмоқда. Ҳар қайси давлат ҳам бундай мажбуриятларни ўз зиммасига ололмаслигини, бошқа бирор мамлакатда Виртуал ва Халқ қабулхоналари, унинг таркибига кирувчи давлат органлари тизими таъсис қилинмаганлигини айтишмоқда. Демак, бир йил давомида ўзининг самарадорлигини исботлаган тажриба, Президентимизнинг бошқа ташаббуслари қатори, ўрганиш ҳамда оммалаштиришга муносиб. Энг

муҳими, халқ сари равон йўл очилди ҳамда бу йўл халқ билан давлатнинг якдиллигини кўрсатибгина қолмай, буюк ишларни бирга, елкама-елка амалга оширишга, энг муҳими, яқин йилларда Ўзбекистоннинг энг номдор давлатлар қаторидан жой олишига хизмат қилмоқда. Бунёд этилган бу йўл эса халқпарварлик, адолатпарварлик, барқарорлик, таъбир жоиз бўлса, юксак ишонч, эзгу орзу ва умидлар йўлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Маълумки, бу йил давлат ҳокимияти тизимида мутлақо янги институт – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ушбу тузилмалар барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш, аҳолининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг самарали тизимига айланди», деб таъкидладилар. Юртбошимиз ўз фикрларини давом эттириб, юртдошларимизнинг эътибори ва эътирофини қозонган Халқ қабулхоналарида бир йилда 1,5 миллион мурожаат кўриб чиқилганлигини айтиб ўтдилар.¹

Давлатимиз раҳбари халқимизнинг ҳаёт даражаси ўсиши, кўпгина муаммолар ҳал қилиниши билан Халқ қабулхоналарига мурожаатлар камайиб боришини инобатга олиб қабулхоналар имкониятларини давлат хизматларини кўрсатиш соҳасига йўналтириш ташаббусини илгари сурди. Шунингдек, Адлия вазирлиги қошидаги «Ягона дарча» марказлари томонидан кўрсатиладиган хизматларни Халқ қабулхоналари орқали самарали ташкил этиш масаласи ҳақида гапириб, Президент девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизматига ушбу масалалар билан бевосита шуғулланиш вазифасини юклаш кўзда тутилаётганини эътироф этди. Мазкур хизмат таркибида янги тузилма ташкил этиб, унга Тезкор давлат хизматлари агентлиги деб ном бериш таклифини илгари сурди. Давлат раҳбарининг ушбу асосли ташаббуслари ҳам келгусида жисмоний ва юридик шахсларнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. https://constitution.uz/uz/pages/prezident_maruzasi_25yil.

мурожаатлари билан ишлаш тизимида сифат жиҳатдан мутлақо янги, тезкор ва самарали механизмни яратишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Сенатига жисмоний ва юридик шахслар йўллаётган мурожаатларнинг ярмидан кўпи, яъни 62,6 фоизи суд, ички ишлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти билан боғлиқлигини кўрсатяпти.

Мурожаатлар таҳлили шундан далолат бермоқдаки, фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ноқонуний қарорлар қабул қилаётганидан, бу идораларнинг мансабдор шахслари кўпол муомалада бўлаётганидан, аҳоли мурожаатлари улар томонидан тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилмаётганидан шикоят қилмоқда. Фуқаролар тергов органлари томонидан тергов ҳаракатларини амалга оширишда процессуал қонунчиликни кўпол равишда бузиш билан боғлиқ фактлар борлигини кўрсатмоқда.

Ушбу ҳолатлар ички ишлар органлари тизимида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга туртки берди. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 1 январь куни «Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2-сонли буйруғи қабул қилинди. Ушбу буйруқ асосида, ҳар чорак якунида ички ишлар органлари биринчи раҳбарлари ҳузурида ўтказиладиган тезкор йиғилишларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича олиб борилаётган ишлар танқидий муҳокама қилиниб, ушбу соҳадаги камчиликлар ва салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари кўриломоқда. Ҳар бир ички ишлар органига жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш хоналарига ҳеч қандай тўсиқсиз кириб чиқишлари учун шароит яратилиши, уларнинг белгиланган тартибда жиҳозланиши ва ушбу қабулхоналарнинг тасдиқланган жадвал асосида мунтазам равишда ишлаши белгилаб қўйилди. Ички ишлар органлари раҳбариятининг қабул қилиш жадваллари, қабул қилиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш ҳамда уларни маъмурий биноларида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали аҳоли эътиборига етказилиш таъминланди.

Кўрилган чора-тадбирлар ички ишлар органларининг халқ орасида обрўйи ошишига хизмат қилмоқда.

Шундай қилиб, халқ билан мулоқотнинг ноёб тизими фуқароларнинг давлат органлари билан тўғридан-тўғри муносабат ўрнатиш имконини берди. Бир йил давомида синовдан ўтиб, тобора такомиллаштирилиб борилган ушбу механизм дунё ҳамжамиятига чинакам демократия йўлидаги муваффақиятларимиздан бири сифатида намоёниш этилди. Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг юксак минбаридан туриб, халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашни глобал мақсад сифатида белгилаб, мамлакатимиз барча ҳудудида Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилганини ҳамда ҳозирги кунгача бир миллиондан ортиқ фуқароларимиз бу қабулхоналар орқали ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал қилганини таъкидлаб ўтди.¹

Албатта, келажакда соатдек ишлайдиган шундай тизим йўлга қўйилиши керакки, ҳар бир соҳа ва идоранинг самарали фаолияти ариза ва шикоятлар ёзишга эҳтиёж қолдирмайдиган ва инсонлар тўсиқларга дуч келмасдан ўз масалаларини ҳал эта оладиган даражада бўлиши лозим.

Бироқ ҳали олдимизда ўз ечимини кутиб турган талайгина муаммо ва камчиликлар мавжуд эканини яхши тушунамиз. Айрим мурожаатлар қуйи даражадаги ижрочилар томонидан лозим даражада тўлақонли ва сифатли кўриб чиқилмоқда, деб айтиш қийин. Баъзи муаммоларнинг ечими эса, айниқса, ижтимоий-иқтисодий, коммунал соҳадаги масалалар давлатимизда рўй бераётган ислохотларнинг кўлами ва натижаси билан боғлиқдир ҳамда маълум бир вақтни талаб этади. Лекин бу муаммоларга, албатта, барҳам берилади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиш керак» деган тамойил ҳаётга тўлиқ татбиқ этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилнинг 11 сентябридаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги янги таҳрирда қабул қилинган Қонун нормаларини қуйидагилар орқали такомиллаштириш таклиф этилади:

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқи. <https://kknews.uz/uz/2629.html>.

- Қонуннинг барча субъектлар (ноҳукумат ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари) учун бир хилда амал қилиши лозим бўлган талабларини аниқлаб, уларнинг барчага бирдай татбиқ этилишини белгилаш;

- мурожаат қилинадиган давлат институтларига нисбатан “маъмурий орган” атамасидан фойдаланиш, маъмурий органлар, давлат муассасаси ва халқ вакилларини мурожаат қилинувчи субъектлар сифатида белгилаш, шунингдек, махсус коллегиял органларга ҳам мурожаат қилиш имкониятини яратиш, уларга мурожаат қилишнинг ўзига хос қоидаларини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш мумкин бўлган ҳолатлар ва асосларни, бундай мурожаатлар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятларини аниқ белгилаш;

- “қонунийлик принципи”, “муурожаатларни ўз вақтида, холисона ва тўлиқ кўриб чиқиш принципи”, “муурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги принципи”, “жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши принципи”, “муурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги принципи”, “муурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги принципи” деб номланган 4¹- 4⁶ -моддалар билан тўлдириш, шунингдек, “муурожаатларнинг оқилона муддатларда кўриб чиқилиши”, “муурожаат қилиш ҳуқуқининг суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги”, “муурожаатларни кўриб чиқишда ҳисобдорлик”, “хизмат вазифаларини бажаришда шахсий жавобгарлик” принципларини киритиш;

- муурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахслардан тўлов ундирилмаслигини назарда тутувчи норма билан тўлдириш;

- муурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини қонунчилик ҳужжатларида йўналишлар ва масалалар бўйича алоҳида-алоҳида белгилаш;

- муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар номидан фақат уларнинг қонуний вакиллари муурожаат қилиши мумкинлигини, муомалага лаёқатсиз шахслар томонидан ёзилган ёки бундай шахслар жамоавий муурожаатнинг муаллифларидан бири бўлган муурожаатлар кўриб чиқилмаслигига доир талабларни ўрнатиш;

- “Маҳкумларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган янги 24³ -модда билан тўлдириш;

- мурожаатни кўриб чиқувчи ходимнинг ўзини-ўзи рад қилиши мумкинлигини назарда тутувчи, яъни манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган, шунингдек тегишли давлат органи ёки унинг ходимлари устидан мурожаат муаллифи томонидан тақдим этилган айблов ва фош қилиш материалларини айбланаётган ёки фош қилинган шахсга ёхуд давлат идорасига бериш тақиқланишини белгиловчи нормаларни киритиш;

Қонунчиликда мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари билан боғлиқ харажатларнинг аниқ таснифини белгилаш лозим, жумладан:

а) давлат органлари ва муассасаларининг харажатлар сметасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ алоҳида модда киритиш;

б) тегишли соҳаларда давлат органлари ва муассасаларига келиб тушаётган мурожаатларни ҳар чоракда таҳлил қилиб бориш, бунда соҳадаги тизимли муаммоларни аниқлаш ва уларнинг бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

в) мурожаатларга оид харажатларни қоплаш, шунингдек, аниқланган тизимли муаммоларни бартараф этиш, давлат органлари ва муассасаларида мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида давлат органлари ва муассасаларида “муурожаатларнинг ҳал этилишини қўллаб қувватлаш жамғармаси”ни ташкил этиш ёки ушбу соҳага йўналтириш учун маблағларни, ҳисоб-китобларни алоҳида ҳисоб варақда юритиш;

г) ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳужжатлар йиғмажилдига “харажатлар варағини” тўлдириш ва илова қилиш амалиётини жорий этиш таклиф этилади.

Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар асосида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида, тўлиқ ҳамда беғараз ўрганиш ва улар юзасидан қонуний чоралар кўришда ана шу тамойил устувор аҳамият касб этмоқда. Халқ билан очиқ ҳамда самарали мулоқот олиб бориш, жойларда аҳолини ўйлантираётган долзарб

масалаларни ҳал қилиш улар фаолияти мезонига айланаётгани бугун ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳасида сезиларли ўзгаришларга туртки бераяпти. Қолаверса, юртдошларимиздан келиб тушаётган мурожаатлар айна пайтда бутун бошли соҳаларда ҳақиқий аҳволни кўрсатадиган индикатор, жамият кайфиятини ўрганиш барометри, таҳлилий, дастуриламал ҳужжатларни қабул қилиш учун ноёб материал бўлиб хизмат қилмоқда.

РЕЗЮМЕ

Мақолада «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги янги таҳрирда қабул қилинган қонунни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Статья содержит рекомендации по совершенствованию принятого в новой редакции закона «Об обращениях физических и юридических лиц».

The article contains recommendations for improving the law adopted in the new version "On Appeals of Individuals and Legal Entities".

Хусан ТУРАББАЕВ,
Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси
доценти, ю.ф.н.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ВОСИТАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ТИЗИМИ

Замонавий шароитда жиноятчиликка қарши курашиш ижтимоий хавфли ҳаракатларнинг олдини олиш, далилларни тўплаш ва тадқиқот ўтказиш учун криминалистик воситалар ва усулларни такомиллаштиришни талаб қилади. Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши илмий-техник тараққиёт (ИТТ) ютуқларини криминалистика эҳтиёжлари учун доимий равишда ўзгартиришда кўринади. Р.С.Белкин таъкидлаганидек, ИТТ ютуқларидан фойдаланиш, криминалистиканинг ривожланишини жадаллаштиришга, хусусан, фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳажмини оширишга, криминалистиканинг илмий салоҳиятини ва жиноятчиликка қарши курашнинг тобора долзарблиги муносабати билан унинг ижтимоий аҳамиятини оширишга ҳисса қўшади¹.

ИТТ криминалистикага киритиш турли йўналишларда амалга оширилади. Биринчидан, бу ижтимоий хавфли ҳаракатларнинг олдини олиш, ошкор қилиш ва тергов қилиш амалиётида янги илмий-техник воситалардан фойдаланиш, иккинчидан, криминалистикада синтетик билим соҳалари пайдо бўлмоқда (суд одорологияси, суд геном ва бошқалар.), учинчидан, криминалистика бошқа фанлар билан интеграция қилинмоқда;

- физика, кимё, математика, биология, бу биринчи навбатда жиноятчиликка қарши кураш муаммоларини ҳал қилишда ушбу фанларнинг усулларидан фойдаланишда намоён бўлади. Т.В.Аверянова билимларни бирлаштиришнинг қуйидаги шаклларини айтмоқда: а) ғоялар ва билимларни бир соҳадан бошқасига ўтказиш; б) фанинг бошқа соҳаларининг концептуал ва концептуал аппаратлари, усуллари ва бошқа когнитив воситаларидан фойдаланиш; в) мураккаб муаммолар ва тадқиқот йўналишларини шакллантириш; г) фан соҳаларида фарқ қилувчи

¹ Белкин Р.С. Курс криминалистики : Учеб. пособие для вузов. 3-е изд., доп. М. : ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2001. 837 с.

фанларнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш; д) ҳар хил турдаги фанларнинг яқинлашиши - фундаментал ва амалий, эмпирик ва назарий, юқори даражада расмийлаштирилган ва тавсифловчи; е) фан тилини универсаллаштириш; ж) билишнинг минтақавий ва умумий илмий шакллари ва воситаларини ривожлантириш; з) фалсафанинг интеграл ролини кучайтириш ва б.¹.

Криминалистикада ИТТ ютуқларидан бундай кўп йўналишли фойдаланиш жиноятчиликка қарши курашишнинг турли криминалистик воситаларини яратишга олиб келади.

Ўзбек тилида "восита" атамаси "бирор нарсага эришиш учун техника, ҳаракат усули" деган маънони англатади. Жиноятчиликка қарши комплекс ёндашув нуқтаи назаридан криминалистик воситалар ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларни очиш, текшириш ва олдини олиш учун ишлатиладиган илмий асосланган техникалар, усуллар, тавсиялар ва техник жиҳозларнинг тўлиқ спектрини ўз ичига олиши керак. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ушбу соҳадаги самарадорлигини таъминлайдиган криминалистик воситалари ва улардан жиноятчиликка қарши курашда фойдаланишга комплекс ёндашув.

Р.С.Белкин криминалистик воситаларини усуллар билан узвий равишда кўриб чиқиб ва уларни "махсус жиҳозлар, материаллар, асбоблар, ҳаракат усуллари, тавсиялар ва бошқалар" деб таърифлайди.² Кўриниб турибдики, у криминалистик воситаларни ускуналар, материаллар, асбоблар, яъни техник криминалистик воситаларининг ўзи деб атаган³, усуллардан ҳаракат усуллари, тавсиялар ва бошқалар., шунингдек, "ўрганиш усуллари, тадқиқотлар криминалистика предмети ва реал воқелик объектларини билиш учун қўлланилган"⁴.

В.Е.Корноухов криминалистика фанининг усулларини "ҳар қандай фанда билиш объекти, унинг хусусиятлари туфайли ўзига хос хусусиятларга эга бўлган когнитив жараён тизими" деб ҳисоблайди⁵. И.Ф. Крылов усул сўзининг энг умумий маъносида "табиат ва ижтимоий ҳаётдаги

¹ Аверьянова Т.В. Интеграция и дифференциация научных знаний как источник и основы новых методов судебной экспертизы. М.: Наука, 1994. 186 с.

² Белкин Р.С. Криминалистика: Учеб. слов.-справ. М.: Юристъ, 1999. 268 с.

³ Белкин Р.С. Курс криминалистики: Учеб. пособие для вузов. 3-е изд., доп. М.: ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2001. 837 с.

⁴ Белкин Р.С. Криминалистика: Учеб. слов.-справ. М.: Юристъ, 1999. 268 с.

⁵ Курс криминалистики. Общая часть/ Р.С. Белкин [и др.]; отв. ред. В.Е. Корноухов. М.: Юристъ, 2000. 784 с.

ҳодисаларни ўрганиш йўли (усули), маълум бир мақсадга эришиш учун қўлланилган" деб таърифлаган ва уларни "криминалистика усуллари фан сифатида (криминалистик илмий тадқиқотлари) ва амалиёт сифатида (амалий) криминалистик фаолиятга ажратган"¹.

Криминалистикада фанинг назарий асосларини хиралаштирадиган ва ушбу ҳуқуқий билим соҳаси тилини соддалаштирадиган қарама-қаршиликларни бартараф этиш учун "криминалистик усулни" ва "криминалистик воситалар" тушунчаларини фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, криминалистик усулларни назарий тадқиқот усуллари ёки когнитив процедуралар (фан усуллари) ва амалий тадқиқотлар (масалан, текшириш пайтида ашёвий далиллар) тизими сифатида тушуниш керак.

Криминалистик воситалар - бу илмий қоидалар асосида ишлаб чиқилган ижтимоий хавфли ҳаракатларни аниқлаш, ошқор қилиш, текшириш ва олдини олиш учун ишлатиладиган махсус жиҳозлар, материаллар, асбоблар, услубий ва тактик тавсиялар, ҳаракатлар усуллари ва усуллар мажмуасидир.

Криминалистик воситалар тизимини уларнинг турига қараб аниқланиши тўғри ҳисобланади. Криминалистик воситаларининг хилма-хиллиги олимлар томонидан уларни таснифлаш учун фойдаланадиган асослар билан бевосита боғлиқдир. Шундай қилиб, Р.С.Белкин криминалистик воситаларни келиб чиқиш манбалари ёки мазмуни бўйича ажратиб кўрсатди: техник, тактик, услубий; мақсадлар бўйича: далиллар билан ишлаш, жиноятларнинг олдини олиш учун; субъектлар бўйича: терговчиларга, суриштирувчиларга, оператив ходимларга, суд, ва экспертлар учун мўлжалланганлигини².

Охирги иккита асосни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, танланган ёндашув мунозарали, чунки биринчидан, худди шу восита далиллар билан ишлашда ҳам, жиноятларнинг олдини олишда ҳам (масалан, видеокузатув ва ёзиб олиш), иккинчидан, терговчи ёки оператив ходими томонидан ҳам, ва эксперт томонидан ҳам (масалан, фотоаппарат) ишлатилиши мумкин.

¹ Криминалистика: Учеб. для образоват. учреждений М-ва юстиции Рос. Федерации / Г.А. Абдумажидов [и др.]; под ред. И.Ф. Крылова, А.И. Бастрыкина; Акад. нар. хоз-ва при Правительстве Рос. Федерации, Рос. правовая акад. М-ва юстиции Рос. Федерации. М. : Дело, 2001. 800 с.

² Белкин Р.С. Криминалистика : учеб. слов.-справ. М.: Юристъ, 1999. 268 с.

Биринчи асос криминалистик воситаларининг уч босқичли тизимини аниқлаш учун энг мос келади.

А.Ф.Волынский жинойтларни очиш ва тергов қилишни криминалистик қўллаб-қувватлаш контекстида криминалистик воситаларни кўриб чиқиб, воситаларнинг икки гуруҳини белгилайди: техник ва ташкилий-тактик. У ташкилий ва илмий-услугий таъминот воситаларини криминалистик бўлинмалари ва суд-эксперт муассасаларининг мақбул ташкилий тузилмасини яратиш, уларнинг иш шакллари ва усулларини такомиллаштириш, шунингдек эксперт тадқиқотлари усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш билан боғлайди¹. Ушбу ёндашув криминалистик воситалари тизимини қисман очиб беради.

Жинойтчиликка қарши курашда фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш муаммосини ўрганаётган олимларнинг аксарияти ўз эътиборларини фақат илмий-техник воситаларга қаратдилар. Т.В.Аверьянова, Р.С.Белкин, А.И.Винберг, В.А.Волынский, В.И.Гончаренко, Г.И.Грамович, М.Е.Джакишев, А.В.Золотар, Г.Г.Зуйков, Р.М.Ланцман, В.К.Лисиченко, Н.С.Полевой, Н.А.Селиванов, С.Н.Трегубова, В.И.Шиканова, А.А.Эксар-хопуло ва бошқалар. Шундай Қилиб, Г.Г.Зуйков, хусусан, криминалистикада қўлланиладиган барча илмий-техник воситалар жинойтларнинг олдини олиш учун махсус ишлаб чиқилган оператив воситаларга (уларни объектларни жинойий тажовузлардан криминалистик ҳимоя қилиш воситалари деб атайти) ёки изларни аниқлаш, қайд этиш, олиш ҳамда ашёвий далилларни текшириш тадқиқот воситаларига тегишли учун ишлатиладиган эканлигини ёзган. Унинг фикрига кўра, жинойтларни олдини олиш учун ишлатиладиган воситалар қуйидагилар: жинойт содир этишга ёрдам берадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш; жинойий жазоланадиган ҳаракатларни содир этишда ижтимоий хавфли тажовузлар ёки асорат эҳтимолини йўқ қилиш; содир этилаётган жинойтни ўз вақтида олдини олиш; жинойт содир этилишини тезда аниқлашни таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш. жинойтчилар, жинойий тажовуз объектлари ва жинойтни ошкор қилиш. Криминалистик тавсифига кўра уларни ишлаб чиқиш, қўллаш ва такомиллаштириш асосан тергов амалиётини ва жинойтларни содир этиш

¹ Криминалистика: Учеб. для студентов вузов / Т.В. Аверьянова [и др.]; под ред. А.Ф. Волынского. М. : Закон и право, ЮНИТИ-ДАНА, 1999. 615 с.

сабаб ва шароитларини ўрганиб, мазкур воситалардан фойдаланиш вақти ва жойи тўғрисида ўз тавсияларини беришда криминалистика фанининг маълумотларини умумлаштиришга асосланади¹.

И.А.Алиев, В.П.Колмаков, И.Я.Фридман ва бошқалар, шунингдек, ўз асарларида жинойтчиликнинг олдини олишда техник ва криминалистик воситаларини ажратиш зарурлигини таъкидлаб ўтганлар. Хусусан, В.А.Волынский криминалистик ускуналарини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришни олдиндан ҳал қилишнинг аҳамияти жуда катта эканлигини таъкидлайди. Бу жинойтчиликнинг олдини олиш воситаларини ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан айниқса муҳимдир.²

Жинойтларни аниқлаш, тергов қилиш ва олдини олиш учун ишлатиладиган техник воситаларнинг хилма-хиллигини асослайдиган ушбу далилларнинг барчаси уларни криминалистик воситалари тизимига киритиш зарурлигини ва уларнинг кўп мақсадли хусусиятини кўрсатади.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, техник, тактик ва услубий воситаларни ўз ичига олган уларнинг келиб чиқиш манбаларига асосланган криминалистик воситалари тизими энг муваффақиятли ҳисобланади. Шу билан бирга, бундай воситаларнинг мақсадли йўналиши жинойтчиликнинг олдини олишнинг криминалистик таъминоти эканлигини ёдда тутиш керак. Шунинг учун, уларнинг келиб чиқиш манбалари ҳар хил бўлса-да, уларнинг барчаси криминалистик техника ва тактика ёки техник муаммоларини ҳал қилиш учун у ёки бу тарзда ишлатилиши мумкин.

"Техник-криминалистик воситалар" тушунчасини аниқлашдан олдин "криминалистик ускуналар" ва "илмий-техник воситалар" (ИТВ) атамаларининг мазмуни ва ўзаро боғлиқлигини аниқлаштириш керак. Кўпинча бу атамаларни айнанлаштиришади³. Иккинчи атама икки маънода қўлланилади: криминалистика фанининг бир бўлими сифатида

¹ Зуйков Г.Г. Понятие, классификация и основные направления использования научно-технических средств криминалистики для предотвращения преступлений // Вопросы судебной экспертизы : сб. ст. / Всесоюз. НИИ судеб. экспертизы, Азерб. НИИ судеб. экспертизы. Баку, 1966. С. 12-21.

² Волынский В.А. Закономерности и тенденции развития криминалистической техники : дис. ... докт. юрид. наук : 12.00.09. М., 2001. 246 с.

³ Зувев Е.И. Организационно-тактические и процессуальные проблемы использования научно-технических средств при расследовании преступлений // Совершенствование уголовно-процессуальной деятельности органов внутренних дел: тр. / Акад. МВД СССР. М., 1984. С. 68-70.

Криминалистика: Учеб. для образоват. учреждений М-ва юстиции Рос. Федерации / Г.А. Абдумажидов [и др.]; под ред. И.Ф. Крылова, А.И. Бастрыкина; Акад. нар. хоз-ва при Правительстве Рос. Федерации, Рос. правовая акад. М-ва юстиции Рос. Федерации. М. : Дело, 2001. 800 с.

(Криминалистик техника) ва криминалистика томонидан махсус ишлаб чиқилган, ўз вазифаларини ҳал қилиш ёки бошқа билим соҳаларидан наъмуна олиш учун мослаштирилган техник воситалар тўплами сифатида¹. "Криминалистик техника" атамасини биринчи маънода тушуниш керак, хатки криминалистика фанининг бир бўлими сифатида бўлиб келмоқда, демак бу ягона тушунча бўлиши лозим. Криминалистик техниканинг энг тўлиқ таърифи Г.И.Грамович томонидан ишлаб чиқилган, ушбу атама билан "ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг илғор тажрибаларини умумлаштириш, илмий-тадқиқот ишлари, мавжуд техник воситалар ва усулларни янада ўрганиш ва такомиллаштиришга қаратилган табиий фанлар маълумотларидан ҳар томонлама фойдаланиш натижасида олинган илмий асосланган қоидалар, маълумотлар ва билимлар тизимини" тушунади, далилларни аниқлаш, қайд этиш, олиш, текшириш, шунингдек тадқиқот ўтказиш бўйича бошқа ҳаракатларни амалга ошириш учун қонунийликка қатъий риоя қилган ҳолда жинойтларнинг олдини олиш мақсадида улардан самарали фойдаланиш учун янгиларини жорий этиш доимий тарзда талаб этилади"².

Иккинчи маънода "криминалистик техника" атамасини "криминалистика билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш учун ишлаб чиқилган, мослаштирилган ёки ишлатиладиган илмий-техник воситалар" атамаси билан алмаштириш мақсадга мувофиқдир, бу эса адашишни олдини олади, криминалистика тилини аниқ ва мазмун билан тўлдиради ҳамда ушбу фанинг асосий қоидаларини тўғри тушунишни таъминлайди.

Кўпинча адабиётда "криминалистик муаммоларини ҳал қилиш учун ишлаб чиқилган, мослаштирилган ёки ишлатиладиган илмий-техник воситалар" атамаси "илмий-техник воситалар" атамаси билан белгиланади³. Шундай қилиб, В.В.Трухачев илмий ва техник воситалар

¹ Волынский В.А. Криминалистическая техника : наука-техника-общество-человек. М. : ЮНИ-ТИ-ДАНА, 2000. 331 с.

Криминалистика: Учеб. для образоват. учреждений М-ва юстиции Рос. Федерации / Г.А. Абдумажидов [и др.]; под ред. И.Ф. Крылова, А.И. Бастрыкина; Акад. нар. хоз-ва при Правительстве Рос. Федерации, Рос. правовая акад. М-ва юстиции Рос. Федерации. М. : Дело, 2001. 800 с.

² Грамович Г.И. Криминалистическая техника (научные, правовые, методологические, организационные основы): монография. Минск : Акад. МВД Респ. Беларусь, 2004. 215 с.

³ Гончаренко В.И. Научно-технические средства в следственной практике. Киев : Вища шк., 1984. 149 с.
Криминалистика : учеб. для образоват. учреждений М-ва юстиции Рос. Федерации / Г.А. Абдумажидов [и др.]; под ред. И.Ф. Крылова, А.И. Бастрыкина; Акад. нар. хоз-ва при Правительстве Рос. Федерации, Рос. правовая акад. М-ва юстиции Рос. Федерации. М. : Дело, 2001. 800 с.

билан "далилий маълумотларни қидириш, аниқлаш, қайд этиш ва тадқиқот учун мўлжалланган ёки мослаштирилган ҳар қандай техник қурилмалар ва материаллар"ни тушунади¹. Шубҳасиз, бу тушунчалар бир хил эмас, чунки ИТВ нафақат криминалистика томонидан ишлаб чиқилган, ўз вазифани ҳал қилиш учун мослаштирилган ёки фойдаланиладиган воситаларни, балки жинойтчиликка қарши курашиш учун яратилмаган умумий техник воситаларни ҳам ўз ичига олади. "Илмий-техник воситалар" атамаси, - Р.С.Белкиннинг таъкидлашича, - а) воситалардан фойдаланишнинг ўзига хос, яъни криминалистик мақсадларини акс эттирмайди ва б) ҳаддан ташқари даъвогар эмас, чунки бир қатор техник ва криминалистик воситаларини илмий деб аташ нотўғри (масалан, шуп, уриб чиқиш учун болга, бўёқни ёйиш учун ролик (бармоқ излари олишда), дактилоскопик игна каби воситалар"².

Бинобарин, "криминалистик муаммоларини ҳал қилиш учун ишлаб чиқилган, мослаштирилган ёки фойдаланиладиган илмий-техник воситалар" "илмий-техник воситалар" ва "криминалистик техника" тушунчалари қуйи тизим бўлиб, уларга тўлиқ киритилиши мумкин. "Илмий-техник воситалар" ва "криминалистик техника" тушунчалари ўртасидаги муносабатлар фақат жинойтчиликка қарши курашда ИТТ бир қисмидан фойдаланиш билан белгиланадиган мавзу соҳаси билан боғлиқ ҳажмларнинг кесишишига асосланади. Бундай ҳолда, бир атама тушунчаси бошқасидан кенгроқ эканлигини тасдиқлаш мутлақо тўғри эмас, чунки уларнинг тушунчаларининг ажратилган мазмунли қисмларини ўзаро боғлаш қийин. Шунинг учун "илмий-техник воситалар" атамасини криминалистика тилидан чиқариб ташланиши керак, унинг ўрнига "криминалистик муаммоларини ҳал қилиш учун ишлаб чиқилган, мослаштирилган ёки ишлатиладиган илмий-техник воситалар" атамаси билан алмаштирилиши мақсадга мувофиқ, бу маъно ва мазмун жиҳатидан тўлиқ тўғридир. Ушбу атаманинг мазмуни "илмий-техник воситалар" ва "криминалистик техника" тушунчаларининг кесишиши чегаралари билан

Зуев Е.И. Организационно-тактические и процессуальные проблемы использования научно-технических средств при расследовании преступлений // Совершенствование уголовно-процессуальной деятельности органов внутренних дел: тр. / Акад. МВД СССР. М., 1984. С. 68-70.

¹ Трухачев В.В. Преступное воздействие на доказательственную информацию: правовые и криминалистические средства предупреждения, выявления, нейтрализации. Воронеж: Изд-во Воронеж. гос. ун-та, 2000. 228 с.

² Белкин Р.С. Курс криминалистики: Учеб. пособие для вузов. 3-е изд., доп. М. : ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2001. 837 с.

белгиланади. Шунингдек "криминалистик муаммоларини ҳал қилиш учун ишлаб чиқилган, мослаштирилган ёки ишлатиладиган илмий-техник воситалар" атамаси асбоблар, асбоб-ускуналар, материаллар, уларни қўллаш восита ва усуллари, махсус ишлаб чиқилган, мослаштирилган ёки ўзгартирмасдан олинган деб тушуниш лозим, жиноятларни олдини олиш ёки тергов қилиш фаолиятида бошқа соҳа усуллари билан аниқлаш учун ишлатилади,.

Криминалистика томонидан ишлаб чиқилган, ўз вазифаларини ҳал қилиш учун мослаштирилган ёки фойдаланиладиган илмий-техник воситалар ИТТ суд амалиётида модификациясиз қўлланиладиган ва махсус техникани ишлаб чиқишни талаб қилмайдиган қисмини ўз ичига олганлиги сабабли, ушбу қисмдаги атама тушунчаси "криминалистик воситалар" тушунчасидан ташқарига чиқади. Ушбу ҳолат криминалистика муаммоларини ҳал қилиш учун ишлаб чиқилган, мослаштирилган ёки фойдаланиладиган илмий-техник воситаларни криминалистик воситаларининг таркибий элементи сифатида кўриб чиқиш имкониятини истисно қилади. Ушбу муносабат билан, мустақил таркибга эга бўлган ва В.В.Трухачев таъкидлаганидек, В.Д.Арсеневнинг тавсиясига асосланиб, илмий ва техник воситалар тушунчасини алмаштириш учун мўлжалланмаган "техник ва криминалистик воситалар"¹ атамасидан фойдаланиш тавсия этилади².

Юқорида ёритилган фикрларга хулоса қилган ҳолда, криминалистик воситалар криминалистик фани томонидан ишлаб чиқилган техник-криминалистик, тактик-криминалистик ва услубий-криминалистик воситаларидан иборат бўлган техник воситалар, тавсиялар, жиноятчиликка қарши кураш усуллари ва усулublари мажмуасидир.

¹ Дергай Г.Б., Исютин-Федотов Д.В. Современные возможности судебной экспертизы и тактика получения образцов для сравнительного исследования: Учеб. пособие. Минск: Акад. МВД Респ. Беларусь, 2005. 103 с.

² Трухачев В.В. Преступное воздействие на доказательственную информацию: правовые и криминалистические средства предупреждения, выявления, нейтрализации. Воронеж: Изд-во Воронеж. гос. ун-та, 2000. 228 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада криминалистик воситалар тизими ва ижтимоий хавфли ҳаракатларнинг олдини олиш, далилларни тўплаш ва текшириш усуллари тушунчаси берилган. Уларнинг келиб чиқиш манбаларига асосланган криминалистик воситалари тизими, шу жумладан техник-криминалистик, тактик-криминалистик ва услубий-криминалистик воситалари кўриб чиқилган. Бу тизимнинг мақсадли йўналиши жиноятчиликнинг олдини олишда криминалистик таъминот ҳисобланади.

В статье дается понятие системы криминалистических средств и методов предупреждения общественно опасных деяний, собирания и исследования доказательств. Рассматривается система криминалистических средств, основанная на источниках их происхождения, включающая в себя технико-криминалистические, тактико-криминалистические и методико-криминалистические средства. Целевой направленностью таких средств является криминалистическое обеспечение противодействия преступности.

The paper describes the concept and determine the system of criminalistic means and methods of prevention of socially dangerous acts, gathering and examination of evidence. The system of forensic tools based on its source, including technical and forensic, tactical and methodical forensic and forensic tools is described. The target orientation of such funds is a forensic software crime, they can all be used in one way or another to solve the task as forensic technology and tactics or techniques.

Шерзод ТАДЖИМЕТОВ,
начальник цикла Боевой подготовки Института
повышения квалификации

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИИ ВОСПИТАНИЯ
КУРСАНТОВ И СЛУШАТЕЛЕЙ В ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЯХ СИСТЕМЫ МВД**

За последние годы в системе органов внутренних дел Республики Узбекистан произошли кардинальные реформы, направленные на обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан. Вопросы подготовки специалистов, их обучения и воспитания являются приоритетными в нашей республике.

Как отметил Президент Республики Узбекистан **«Повышение качества образования – единственно правильный путь развития Нового Узбекистана»¹**. Потребность общества в эффективной подготовке подрастающего поколения к вступлению в жизнь возникла тогда, когда накопился опыт воспитания, который нужно было осмыслить, чтобы выработать правила и наставления по воспитанию молодежи, найти для воспитательной деятельности разумные и рациональные формы.

Так, в соответствии Указа Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по преобразованию органов внутренних дел в народную профессиональную структуру и ориентированию их работы на более тесное взаимодействие с населением» от 20 января 2023 года в республике создана целостная правовая система по защите прав, свобод и законных интересов граждан, охране общественного порядка, обеспечению безопасности личности, общества и государства, предупреждению и профилактике правонарушений, особая роль в которой отводится органам внутренних дел.

За истекший период проведена значительная работа по совершенствованию системы органов внутренних дел, развитию и укреплению их низового звена, призванного, в первую очередь, обеспечивать охрану общественного порядка, безопасность граждан,

¹ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису 22 декабря 2022 года. Народное слово. 22 декабря 2022 г.

профилактику правонарушений и борьбу с преступностью непосредственно в махаллях.

Принятые меры позволили повысить эффективность деятельности органов внутренних дел, обеспечить мирную и спокойную жизнь граждан, предотвратить рост преступности в стране¹.

Так, во исполнении вышеуказанных задач органы внутренних дел должны принимать в добровольном порядке, на конкурсной основе граждан Республики Узбекистан не моложе восемнадцати и не старше тридцати лет включительно, имеющие соответствующее образование, способные по своим личным и деловым качествам, состоянию здоровья и физической подготовленности выполнять служебные обязанности сотрудника².

Но вместе с тем, сформировать навыки и умения работы с сотрудниками органов внутренних дел, педагогические качества личности офицеров-воспитателей призван процесс воспитания курсантов (слушателей) в высших образовательных учреждениях органов внутренних дел Республики Узбекистан, который является составной частью образовательного процесса и одним из основных видов деятельности постоянного состава.

Воспитание курсантов (слушателей) в современных условиях в качестве общественного исторически обусловленного явления базируется на общечеловеческих ценностях, героической истории, проявленному мужеству и отвагу при исполнении служебного долга, а также в духе преданности Родине.

Вопросы воспитания и образования на протяжении последующих веков постоянно привлекали к себе внимание многих мыслителей, писателей, ученых, хотя некоторые из них и не занимались непосредственно воспитательной деятельностью.

Само слово «воспитание» употребляется в нескольких значениях. Так, воспитание в широком смысле включает в себя процесс изменения личности и подготовки ее к активному участию в трудовой деятельности под влиянием всей совокупности специально организуемых и не организуемых воздействий: воспитательной работы школы и семьи,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан» от 10 апреля 2017 года № 5005.

² Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» от 16 сентября 2016 года.

трудового коллектива, влияний всего уклада жизни общества, имеющий важное значение в нем идей, влияние литературы, искусства, кино, радио и др. Изменяются обстоятельства и воспитание, изменяются и сами люди. Следовательно, можно сказать, что воспитание в широком смысле слова включает влияние обстоятельств и воспитание в узком смысле слова. Воспитание в узком смысле слова (собственно процесс воспитания) – это специально организуемый процесс, направленный на формирование личности в соответствии со сложившимися нравственными идеалами, целями и задачами. В качестве его организаторов выступают воспитатели (родители, учителя, начальники подразделений и т.п.).

Воспитательная работа в высших образовательных учреждениях органов внутренних дел, являясь целенаправленной, специально организованной деятельностью педагогов и воспитанников по реализации целей воспитания, как и другая деятельность, включает такие компоненты, как содержание, организацию и методику. При этом организация воспитания занимает важнейшее место в её структуре. Она обеспечивает плановость в работе воспитателей и воспитуемых, комплексный подход к решению разнообразных задач воспитания курсантов (слушателей), внесение своевременных организационных изменений в процесс воспитания, оценку деятельности всех его участников. Организация воспитательной работы не существует в отрыве от образовательного процесса в высших образовательных учреждениях органов внутренних дел. Все главные воспитательные задачи реализуются в условиях деятельности, повседневной жизни курсантов (слушателей), в совместной учебной, научной и других видах деятельности обучающихся, профессорско-преподавательского состава и строевой части.

Необходимо отметить, что понятие «организация» имеет множественные значения, «организация» происходит от французского «*organization*» - строение, устройство чего либо, объединение чего-либо или кого-либо в одно целое, приведенное в строгую систему. Как процесс организация это совокупность действий, ведущих к образованию и совершенствованию взаимосвязей между частями целого¹.

Так, В.П. Клевцевичем организация рассматривается как одно из педагогических условий оптимизации процесса воспитания, состоящее из

¹ Словарь иностранных слов под редакцией И.В.Лехина, С.М.Локшиной, Ф.Н.Петрова и др. М., 1994 г. С.448.

двух элементов: организационно-педагогического и организационно-исполнительского¹. По мнению В.К. Бахтина, И.П. Подласыва, В.А. Сластенина под организацией понимается деятельность руководителей, педагогов, органов самоуправления учащихся, направленная на выполнение намеченного плана, достижение поставленной цели, т.е. функция организации в управлении целостным педагогическим процессом².

По нашему мнению, «организация» — это сложный многогранный процесс, включающий в себя правовые, методические, педагогические, воспитательные элементы.

Необходимо заметить, что сам процесс организации воспитания, как самостоятельное и сложное (многоуровневое) педагогическое явление, развивается по присущим ему закономерностям. С одной стороны, ему присущи закономерности воспитательного процесса, а с другой - закономерности управленческой деятельности, важнейшей из которых, на наш взгляд, может считаться закономерность единства методологических основ на всех уровнях организации воспитания.

Сущность организации воспитания как сложного, противоречивого и специфического педагогического процесса, таким образом, заключается в обеспечении единых методологических подходов на всех уровнях организации воспитания для достижения единства его составных частей, рациональном использовании форм и методов.

Главная цель организации воспитания курсантов и слушателей в высших образовательных учреждениях системы МВД Республики Узбекистан заключается в создании организационно-педагогических и организационно-исполнительских условий для эффективного функционирования системы воспитания и самовоспитания курсантов (слушателей), формирования и развития у них необходимых личностных и профессиональных качеств.

Как отметил А.М. Столяренко систему педагогических знаний о воспитании, образовании, обучении, развитии и совершенствовании подрастающих поколений людей, о педагогических способах повышения

¹ Клевцевич В.П. Оптимизация воспитания курсантов ВВУЗов на основе комплексного подхода: Автореф. дис. канд. пед. наук. - М., 1994.

² Бахтин В.К. Формирование у курсантов высших военно-политических училищ навыков и умений организации воспитательной работы в подразделении: Автореф. дис. канд. пед. наук. -М., 1980, Подласый И.П. Диагностика и экспертиза педагогических проектов. -Киев, 1998, Сластенин В.А, Мажар Н. Е. Диагностика профессиональной пригодности молодежи к педагогической деятельности. М., 1991.

жизненного и созидательного потенциала взрослых, обеспечения этим решения ими и обществом актуальных проблем в жизни в настоящем и будущем»¹.

Основными задачами данного процесса являются: формирование в подразделениях курсантов и слушателей здорового нравственно-психологического климата; создание необходимых условий для успешного овладения воспитанниками знаниями, формирования у них навыков и умений организации воспитания сотрудников органов внутренних дел; побуждение обучаемых к активной работе по самовоспитанию и перевоспитанию отдельных негативных качеств личности.

Процесс организации воспитания предполагает использование соответствующих организационных методов: планирование воспитательных воздействий; постановка задач воспитательного характера; контроль и корректировка деятельности и поведения; оказание практической помощи организаторам воспитания; оценка действий и поступков; моральное и материальное стимулирование.

Содержание процесса организации воспитания реализуется в деятельности субъектов воспитания и включает следующие элементы: изучение (диагностика) состояния организации воспитательной работы; определение цели и задач организации воспитания; комплексное планирование воспитательной работы; всестороннее обеспечение процесса воспитания; оказание помощи должностным лицам в осуществлении воспитания; контроль за качеством подготовки и выполнения спланированных воспитательных мероприятий; корректировка воспитательного процесса в зависимости от изменений факторов микро и макросреды; оценка и стимулирование деятельности воспитателей и воспитуемых с учетом достигнутых результатов в организации воспитания.

Таким образом, подводя итог необходимо отметить, что воспитание – не только система воздействий на воспитуемых, но и организация их деятельности, их воздействие друг на друга, взаимодействие воспитателей и воспитуемых, но и процесс самообразования собственной жизни.

¹ Столяренко А.М. Психология и педагогика. – М., 2010. – С. 106.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қонунлар ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда илмий адабиётларни ўрганиш асосида курсантлар ва тингловчиларнинг тарбиявий ишларини ташкил этишнинг ҳуқуқий йўл-йўлиқлари таҳлил қилинган.

В статье на основе изучения законов и нормативно-правовых актов и научной литературы осуществлен анализ правового регулирования организации воспитательной работы курсантов и слушателей.

In the article, based on the study of laws and legal acts and scientific literature, an analysis of the legal regulation of the organization of educational work of students and cadets is carried out.



Фуркат ХИДИРОВ,

*Малака ошириш институти Махсус-касбий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси*

**ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШЛАРНИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармонида мувофиқ, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликлар сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида назарда тутилади. Айни пайтда ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда “жиноят ўчоқлари”ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш – ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари сифатида белгиланиб, ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этилади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳамкорликдаги фаолияти энг самарали усул ҳисобланади. Ўз навбатида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва узвий ҳамкорлигини таъминлашда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларининг ўрни бекиёсдир.

Дарҳақиқат ҳуқуқ-тартибот масканини ташкил этишдан мақсад ҳам унда профилактика инспекторининг, Миллий гвардия ва бошқа ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари, жамоат тузилмалари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Норматив ҳужжатда “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашини ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуий бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади”¹, - деб таъриф берилганлиги эса бунинг исботидир.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолияти қуйидаги таркибда ташкил этилади, *биринчидан*, профилактика катта инспектори, профилактика инспектори, профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси; *иккинчидан*, ҳудудда хизмат қилиш учун бириктирилган туман (шаҳар) ички ишлар органининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори, пробация бўлинмаси инспектори, тезкор вакил, патруль-пост хизмати ходимлари; *учинчидан*, ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашиш учун юборилган Миллий гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари ва жамоат тузилмаларининг вакиллари таркибида амалга оширади.

Шу билан бир қаторда бугунги кунда маҳаллаларда бевосита фаолият юритувчи жамоатчилик тузилмалари лавозимлари жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Дарҳақиқат ҳуқуқий асоснинг мавжудлиги ушбу субъектларнинг маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканидаги ҳамкорлигини таъминлаш жараёнида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги, биринчидан, уни ташкил этиш тартибини мустаҳкамласа, иккинчидан, ҳамкорлик бўйича субъектлар фаолиятининг асосий вазифаларини белгилаб, уларнинг масъулиятини оширишга ҳамда ҳамкорлигини самарали ташкил этишга хизмат қилади².

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон Қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисидаги низом”// URL: <http://www.lex.uz>.

² Саиткулов Қ.А. Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / Юридик фанлари доктори,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-29-сон, 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон фармонлари ва 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сон қарорининг қабул қилиниши натижасида ҳар бир маҳаллада **туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчиси** лавозимлари жорий этилиб, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, аҳолининг, айниқса аёллар ва ёшларнинг бандлик даражасини таҳлил қилиш асосида мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни биргаликда бартараф этиш, маҳаллаларда “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни шакллантириш орқали жинойтларнинг барвақт олдини олиш бўйича ҳамкорликдаги фаолияти йўлга қўйилди.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда маҳаллада “жинойтчиликни жиловлаш”, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва уларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишни амалга оширувчи “**бешлик**”, хусусан, профилактика инспектори, маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчисидан иборат тизим яратилди.

Албатта ушбу тизим таркибига кирувчи субъектларнинг ҳар бирининг алоҳида вазифаси бўлсада, аммо қуйидаги мақсадлар билан узвий боғлангандир, *биринчидан*, аҳолининг ижтимоий муаммоларини аниқлаш ва бартараф этиш, *иккинчидан*, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш; *учинчидан*, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига муаммоларини ҳал этишда ёрдам кўрсатиш; *тўртинчидан*, ёшлар, айниқса уюшмаган ёшларни касбга йўналтириш, ишга жойлаштириш ва бу орқали уларнинг турли салбий йўللارга кириб кетишини олдини олиш; *бешинчидан*, маҳалланинг тинчилиги ва фаровонлигини таъминлаш.

Аммо, улар ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этишда қуйидаги муаммолар мавжудки уларни бартараф этмай туриб керакли натижаларга эришиб бўлмайди:

1) ҳамкорликдаги фаолияти механизмининг мавжуд эмаслиги;
2) ҳамкорлигининг аниқ йўналишларини белгилаб берувчи норматив-хуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги;

3) улар ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этишни мувофиқлаштириш вазифаси қайси бир субъект зиммасига юклашдаги тушунмовчиликларнинг мавжудлиги, масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони билан профилактика инспектори маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосари деб белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармонида маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланади деб кўрсатиб ўтилган.

Юқоридагиларда келиб чиқиб, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида профилактика инспекторининг соҳавий хизмат ходимлари, Мимллий гвардия органлари ва жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорлигини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани таркибига кирувчи ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг аниқ номи белгилаб берилган ва уларнинг вазифалари кўрсатилган норматив-хуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

иккинчидан, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида ҳамкорликдаги ишларни белгилаб берувчи намунавий режа ишлаб чиқиш;

учинчидан, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани таркибига киритилган барча субъектларни бир бинода жойлашишини, улар учун барча шароитларга эга хоналар билан таъминлаш;

тўртинчидан, Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани раҳбари ҳисобланган профилактика катта инспектори, у бўлмаган вақтларда профилактика инспекторининг ҳамкорликдаги ишларни мувофиқлаштирувчи, назорат қилувчи субъект сифатида аниқ ҳуқуқ ва ваколатларини белгилаб бериш.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, маҳаллада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига она Ватанга муҳаббат, садоқат руҳини сингдириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашда ҳамкорликдаги манзилли ва самарали тадбирларни ҳамжиҳатликда амалга оширилиши бугунги кундаги долзарб ва муҳим вазифалардан бири сифатида намоён бўлади.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ҳуқуқ-тартибот масканларида профилактика инспектори, Миллий гвардия органлари, соҳавий хизмат ходимлари ва жамоат тузилмалари билан ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш йўналишлари, шакл ва усуллари, ҳуқуқ-тартибот масканида ҳамкорликдаги ишларни ташкил этишдаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар ёритилган.

В данной статье освещены направления, формы и методы организации деятельности во взаимодействии с инспектором по профилактике, органами Национальной гвардии, оперативными работниками и общественными структурами, проблемы и недостатки в организации совместной работы в правоохранительных сферах, пути их решения.

This article covers the directions, forms and methods of organizing activities in cooperation with the prevention inspector, National Guard bodies, field service employees and public structures, problems and shortcomings in the organization of cooperative work in law enforcement areas, and their solutions.

Муродхон ТУРАЕВ,
Малака ошириш институти
Касбий тайёргарлик факультети Жанговар ва жисмоний
тайёргарлик цикли бошлиги

ИСЛОМ ҲУҚУҚИДА ШИРКАТ ШАРТНОМАСИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади. Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига кўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман¹. Дарҳақиқат, кейинги вақтларда ўқувчиларимизнинг ислом ҳуқуқшунослигига нисбатан қизиқишлари, айниқса шариатнинг муомалот масалалари ёритилган адабиётларга эътибор янада ортган. Ҳуқуқий меросимизнинг таркибий қисми бўлмиш фикҳ-ислом ҳуқуқи, нафақат ҳуқуқшуносликнинг, қолаверса исломшуносликнинг ҳам нисбатан кам ўрганилган соҳаси бўлиб, исломдаги энг муҳим ва муборак илмлардан бири ҳисобланади. Ислом ҳуқуқининг энг етакчи соҳаларидан бири фуқаролик ҳуқуқидир. Ислом ҳуқуқида фуқаровий муносабатлари атрофлича ва чуқур ишлаб чиқилганлиги билан жаҳондаги бошқа ҳуқуқий тизимлардан кескин фарқ қилади.

Ислом фуқаролик ҳуқуқи асосан араб Халифалигининг иккинчи асрида шакллана бошланган. Ислом ҳуқуқининг асосий манбалари ҳисобланмиш Қуръони карим ва суннати набавияда фуқаролик ҳуқуқига оид нормалар келтирилган. Бироқ улар муайян бир тизимга солинмаган, алоҳида гуруҳларга ажратилмаган, боз устига ушбу нормалар ҳуқуқий муносабатларнинг ҳамма соҳаларини тўла қамраб ололмаган. Араб халифалиги кенгайиб унинг фуқаролари сони ортгач, фуқаролик ҳуқуқига тааллуқли оят ва ҳадисларни бир тизимга солиш ва уларни такомиллаштириш, талаб доирасида ишлаб чиқиш эҳтиёжи туғилди. Ушбу соҳада Абу Ханифа, Молик ибни Анас, Муҳаммад ибни Идрис ибни Шофеъийлар самарали меҳнат қилдилар. Уларнинг таълимотлари мавжуд ҳуқуқий нормалар ва урф одатларга асосланган эди. Ислом ҳуқуқини, айниқса фуқаролик ҳуқуқининг ишлаб чиқишга, забт этилган халқларнинг ҳуқуқий нормалари ҳам таъсир кўрсатди.

Ислом фуқаролик ҳуқуқини ривожланиши Аббосийлар халифалиги даври, Имоми Аъзамнинг шогирди ва маслакдоши Абу Юсуфнинг бош

¹Мирзиёев Ш.М. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи (Нью - Йорк шаҳри, 2017 й. 19 сент.) / Халқ сўзи. 2017 й. 20 сент.

қози лавозимига тайинланиши давридан бошлаб ҳисобланади. Абу Юсуф томонидан «Китобул-хирож»¹ номли асарни бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб, иқтисодий соҳада ягона тизимга эришиш учун тарқатилганлиги эътиборга моликдир.

Ислом фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқий лаёқатлилиги ва муомала лаёқатлилиги масаласи мукамал даражада ишлаб чиқилган. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчилари сифатида **шахслар** алоҳида ўрин тутган.

Ислом фуқаролик ҳуқуқи (муомалат)нинг энг марказий ўринларидан бирини битим ва шартномалар эгаллайди. Ислом ҳуқуқида битим-шартнома «уқудот» ибораси ифодаланади. Уқудот - бу ақд деган сўзнинг кўплигидир. Қуръони каримнинг Моида сурасининг биринчи ояти «Эй мўъминлар, ақдларга вафо қилингиз» - деб бошланишининг ўзиёқ битим ва шартномаларнинг исломда тутган ўрнини кўрсатади.

Ҳанафий мазҳаби таълимотига кўра, шартнома бу икки ва ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро келишган ҳолда бирон бир ҳаракатга бўлган муносабатидир. Исломда шартнома предметига бирон бир ҳаракат бўлиши шарт эмас, балки ҳаракатсизлик ёки бирон бир ҳаракатни содир этишдан тўхташ ҳам киради. Ислом ҳуқуқида назр қилиш (бирон бир хатти ҳаракатни оқибатига боғлаб Оллоҳ номи билан ичилган қасамга риоя қилиш, мисол учун, «ўқишга кирсам, шу масканга бир қўй атадим»,- деб айтса, ўқишга кириши билан унга бир қўй сўйиш ёки мазкур масканга ҳадя қилиш вожиб бўлади) каби бир томонлама битимлар, ичган қасамига кўра ўз мулкани садақа ёки вақфга бериб юбориш лозим бўлган битимлар ҳам учрайди. Исломда шартномалар томонларнинг ўзаро розиликлари асосида тузилади.

Ислом фақиҳлари шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларга ҳам тўхтаб ўтганлар. Умуман, исломда мажбурият ҳуқуқи рим ёки бошқа ҳуқуқлардан тамомила фарқ қилади. Исломнинг мажбурият таълимотига кўра, инсонни Оллоҳнинг олдидаги мажбурияти энг асосий мажбурият ҳисобланади. Фуқаролик мажбуриятлари иккинчи ўринда туради.

Ислом ҳуқуқига кўра мажбуриятлар чекланмаган ва чекланган турларга ажратилади. Чекланмаган мажбуриятлар гарчи қонун билан белгиланмаган бўлсада, кишилар уни бажаришга мажбурдирлар. Мисол учун ҳалокатга учраётган шахсга ёрдам кўрсатиш, камбағалларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаш. Чекланган мажбуриятларга қонун билан кўрсатилган мажбуриятлар киради. Бу мажбуриятлар ўз навбатида иккига: Ҳаққуллоҳ (яъни инсонни Оллоҳни олдидаги мажбуриятлари) ва

¹ Абу Юсуфнинг қаламига мансуб ушбу асар Ҳорун ар Рашид талабига биноан ёзилган бўлиб, унда мулк турлари, молиявий масалалар билан бир қаторда жиноят ҳуқуқи ҳам қайд этилган.

ҳаққунносга (шахсни фуқаролик битимларидан келиб чиқадиган, ўзгалар олдидаги мажбуриятлари) бўлинади.

Ислом олимларининг фикрига кўра, шартнома предмети **ЭНГ аввало** бировга эркин ўтиш хусусиятига эга бўлиши керак. Ҳаводаги қуш, чўккан кема, арқонидан қочган чорва шартнома предмети бўла олмайди;

иккинчидан, шартнома предмети муайян, аниқ нарса бўлиб, томонлар у ҳақда етарлича маълумот олишлари керак;

учинчидан, шартнома предмети нақд бўлиши керак. Аммо кейинчалик Ҳанафий мазҳаби олимлари салам савдосига кенг йўл очиб берганлар;

тўртинчидан, шартноманинг предмети ва мақсади шариат нуқтаи назаридан рухсат этилган бўлиши керак¹.

Энг аввало, томонларнинг розиликлари ва ўз хоҳишларини эркин билдиришларига монелик бўлмаслиги зарур, чунки мажбурлов остида юзага келган битим ноқонуний ҳисобланади.

Ислом ҳуқуқида энг кўп тарқалган шартномалардан бири – бу ширкат шартномасидир. Ширкат - бу арабча сўз бўлиб, луғатда у - қўшишлик, аралаштиришлик деган мазмунни билдирса, фикҳий истилоҳга кўра - бир неча кишиларнинг ўз маблағ, мулкларини маълум қисмини ўзаро ҳамкорлик қилиш, фойда ва зарарга тенг шерик бўлиш ниятида жам қилган уюшмаларидир. Мазкур ширкат турини ихтиёрий ширкат дейилади.

Ислом ҳуқуқшунослари шерикчилик шартномасини шаръий асоси сифатида «ҳадиси қудусийдан ушбу далилларни келтирганлар: Пайғамбаримиз дедилар «Оллоҳ таоло айтади: Мен иккита шерикнинг учинчисиман токи бир-бирларига хиёнат қилмагунларича, қачонки хиёнат қилсалар, уларнинг орасидан чиқаман»². Ушбу ҳадис мазмунидан кўриниб турибдики, ширкат ислом шариатида рухсат берилган шартнома турларидан бири экан.

Ислом ҳуқуқига кўра ширкат икки қисмга бўлинади:

биринчиси, мулк ширкати бўлиб сотиб олиш, совғага олиш каби мулк сабаблари орқали вужудга келади;

иккинчиси, аҳдлашув ширкати бўлиб, шериклар ўртасидаги таклиф ва қабул воситасида ҳосил бўлади.

Мужтаҳидлар фаолиятининг энг аҳамиятли томони, улар мазкур шартнома турини ислом принципларига мос равишда, урфдаги ширкат қоидаларини ҳам инобатга олган ҳолда ишлаб чиққанлар. Мазкур уламолардан Абу Ҳанифа Имом Молик, Имом Шофеъий томонидан

¹ Исҳоқов С.А Ислом фуқаролик ҳуқуқи асослари: ўқув қўлланма.-Т., 2005. –Б. 40.

² Алфиххул муяссар фил муомалот. 46-б.

тартибга солинган ширкат шартномасини қисқароқ шаклда мазмунан келтириб ўтамыз.

Мутаахир олимлар ахдлашув ширкатини ўзини ҳам қуйидаги **тўртта** турга бўлганлар: **биринчиси**, ширкат ул-иънон, бир нечта кишиларнинг савдо қилиш ниятида бир турли товарларини ўзаро ширкатга қўшишлари. Бунга ўғилларга мерос бўлиб отадан қолган, бўлиш имконияти бўлмаган мулкни, ўғиллар томонидан ширкатга қўшиш, икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг биргаликда сотиб олган, бўлинмас мулкларини ширкатга қўшишлари мисол бўлади; **иккинчиси**, ширкатул абдон вал аъмол, яъни касб-хунар ва жисм бирлашган ширкат деб аталиб, (мазкур ширкат тури фақат Ҳанафий ва Моликий мазҳабида рухсат берилган, шофеъий мазҳабида ботил саналади) аслида - у хунармандларнинг биргаликдаги ширкатидир, (Ширкатнинг бу тури ҳозир кенг тарқалган, мисол учун бир нечта уста уйнинг пойдеворидан тортиб, охириги зийнатигача бажаришни ўз зиммаларига оладилар. Улар орасидаги усталар турли касб эгаси бўлиши мумкин); **учинчиси**, - ширкатул вужух - яъни мулк ва маблағлари ўзларида алоҳида сақланган ҳолдаги ширкат бўлиб, унга кўра ўртоқлар ҳар қайсиси алоҳида савдо билан шуғулланиб, кўрган фойдани ўртада тенг тақсим қилишга келишилган; **тўртинчиси**, - ширкат ал муовъиза, яъни икки томонлама тўловга асосланган шериклик. Унга кўра, бир неча шахс мулки ё маблағи билан ёки ҳеч нарсасиз, ҳар қайсинисининг корхонаси фойда ва зарарини ўзаро тенг тақсим қилинади.

Ислом ҳуқуқида мулк ширкатининг турлари фарқланади. Мулк ширкати деб аслида, сотиб олиш, совғага олиш, васият бўйича бирон нарсага эга бўлиш, меросга бирон нарсанинг қолиши каби бирорта сабаб билан ёки ашёларнинг қўшилиб, аралашиб кетиши, яъни буюмларни бир-бирига ажратиб-айириб бўлмайдиган даражада қўшилиб кетиши натижасида бир нарсани бир неча шахслар ўртасида муштарак бўлиши, яъни ўша нарсани уларгагина тегишли бўлишлигидир. Масалан, икки киши битта машинани сотиб олсалар ёки биров уларга ҳадя ёки васият қилса, улар эса буни қабул этсалар ёки ушбу машина икки кишига мерос бўлса, у машина уларнинг ўрталарида муштарак бўлади ва улар ушбу машинада ҳиссадор ва ўзаро шерик бўладилар. Шунингдек, икки киши ўз захираларини (асосан олтин, қумуш танга пуллар) бир-бирига аралаштирсалар ёки бирон тарзда захиралари бир-бирига аралашиб кетса, ушбу моллар ўзаро муштарак бўлади.

Ўз навбатида мулк ширкати ихтиёрий ва мажбурий қисмларга бўлинади:

1) ихтиёрий ширкат - шерикларнинг ўз хатти-ҳаракатлари билан ҳосил бўладиган шерикчилигидир. Бу асосан сотиб олиш, ҳадя олиш,

васиятни қабул қилиш ва молни аралаштириш орқали ҳосил бўлган шерикликдир.

2) мажбурий шерикчилик бу - шерикларнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмай бошқа сабаб билан ҳосил бўлган шерикчиликдир. Масалан, мерос молининг аралашиб кетганда ҳосил бўлган шерикчиликдир. Мулк ширкати - айн (товар) ширкати ва дайн (қарз) ширкати каби қисмларга ҳам бўлинади. Айн ширкати бу - муайян ва мавжуд бўлган молдаги шериклик. Икки кишининг бир қўйда ёки бир пода қўйда умумий шерикликлари каби.

Дайн (қарз) ширкати бу - қарзда шерикчилик. Икки кишининг бир одам зиммасида бўлган муайян пул қарзларидаги шериклиги тушунилади. Икки ё ундан кўп кишиларнинг бир одам зиммасида бўлган қарзларининг сабаби битта бўлса, икковининг ўртасида мулк ширкати эътибори билан муштарак қарз деб аталади. Вафот этмишнинг қолдирган мол-мулки ворислари ўрталарида улушларига кўра муштарак бўлади.

Муҳояъа (биргаликда, ҳамкорликда фойдаланиш) ширкат турларидан бири сифатида.

Муҳояъа луғатда - манфаатни (манфаатланишни) тақсимлаш дегани, яъни бир нарсадан галма-галдан фойдаланишни англатади. Турдош молларга муҳояъа жорий қилинмайди.

Муҳояъа икки турли бўлади: **биринчи тури** - вақт муҳояъаси. Унга кўра икки киши ўртасида муштарак ерда бир йил биттаси, иккинчи йили иккинчиси деҳқончилик қилишга ва бир муштарак уйнинг эгалари навбати билан у уйда бирор йил яшашга муҳояъа қиладилар.

Иккинчи тури – жой муҳояъаси. Унга кўра, икки киши ўртасида муштарак бўлган ернинг ярмида биттаси, қолган қисмида бошқаси деҳқончилик қилишликка, муштарак ҳовлининг бир тарафида биттаси, бошқа тарафида иккинчиси ёки уст қаватида бири, остки қаватида иккинчиси, муштарак икки хонанинг бирида биттаси, бошқасида иккинчиси ўтириши бўйича муҳояъа қилинади. Муштарак ва кўп сонли нарсаларнинг эгаларидан бири муҳояъани истаса бошқаси кўнмаса агар у муштарак товарлар бир хил манфаатли бўлсалар, муҳояъага мажбур қилинади, агар ҳар хил манфаатли бўлсалар мажбур қилинмайди. Тақсим қилиш мумкин бўлган муштарак мол эгаларидан бири тақсим қилишни, иккинчиси муҳояъани хоҳласа томонлардан бирининг тақсимот қилишни сўраб кўтарган даъвоси эътиборга олинади.

Ислом ҳуқуқида ширкат шартномасининг шартлари батафсил белгилаб берилган. Унга кўра, ширкат шартномасининг шартлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан томонларнинг ушбу шартнома юзасидан ийжоб ва қабулларининг мавжудлиги; *иккинчидан* мазкур мажбуриятга кираётган

томонлар шахсий мулкка эга бўлишлари. Абу Ҳанифага кўра муовиза ширкатига аъзо бўлишда шахс мулкка ё маблағга эга бўлмаслиги ҳам мумкин; **учинчидан**, кўрилган фойда шариат рухсат берган, ҳалол ишлар юзасидан бўлиши шарт; **тўртинчидан**, муштарак моддий ашёни нобуд қилган кимсанинг тўлаган пули, ўша молнинг эгалари ўртасида тақсимланади. Икки киши ўртасидаги муштарак пулларни учинчи бир шахсга қарзга берилса, қарздорнинг ушбу қарзи, ўша икки киши ўртасида муштарак бўлади¹.

Ислом ҳуқуқи бошқа ҳуқуқий тизимлардан фарқ қилган ҳолда асосий ва иккинчи даражали қоидаларни фарқлайди. Шунга кўра ширкат шартномаси тузилиши ва амал қилишининг иккинчи даражали қоидалари белгиланган. Қуйидагилар ширкат шартномасининг иккинчи даражали қоидалари ҳисобланади:

1) Абу Ҳанифанинг фикрига кўра, ширкатнинг кўрган фойдасини томонларнинг ўзаро розиликлари асосида ширкат аъзолари хоҳлаганича ўзаро тақсим қилишлари мумкин. Аммо шиа оқимининг фақиҳлари фикрига кўра, ким ширкатга қанча мол билан кирган ва мазкур молнинг келтирган фойдасини ҳисоблаб, шу асосда аъзоларга фойда тақсимланади;

2) ширкатнинг ҳар бир аъзоси умумий мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга;

3) ширкат қонуний равишда тузилгандан сўнг, унинг аъзоларини - ким нима билан шуғулланиши, корхонанинг келажақдаги фаолияти каби иккинчи даражадаги масалалар ҳақида барча мажбурият эгалари келишиб олишлари керак. Ширкат шартномаси гувоҳлар иштирокида ёзма равишда тузилади;

4) муштарак молнинг эгаларидан бири ўзга шахсга ширкат предметини ижарага бериб ҳаққини олгач, шеригининг улушини ўзига қайтариб беради.

Шериклардан бирининг улуши бошқасининг қўлида бўлса, у вадиъа (омонат) ҳукмида бўлади. Демак шериклардан бири ўзича (мустақил равишда) муштарак молни бировга вадиъа сифатида берганда ашёга бирор нарса бўлса, шеригининг улушини тўлайди. Ҳиссадорлар истасалар ўз улушларини шерикларига сотадилар. Истасалар шеригидан изн олмай ўзгаларга ҳам сота оладилар;

5) мерос қолган ерда ворислардан бири муштарак бўлган уруғни шерикларининг, агар ёш бўлсалар васийларининг изни билан экса ҳосилнинг ҳаммаси муштарак бўлади. (ўртада бўлади). Агар у ўзининг уруғлигини экса ҳосили ўзига тегишли бўлади;

б) ворислардан бири бошқасининг рухсати (розилиги) ни олмай мерос тақсимланишидан илгари бирор миқдор пулни олиб тадбиркорлик

¹ Исҳоқов С.А Ислом фуқаролик ҳуқуқи асослари: ўқув қўлланма.-Т., 2005. – Б. 93.

учун ишлатиб юборса зарари ўзининг зиммасида бўлгани каби иш юритган, фойдаланган ҳолати учун ҳам ворислар ундан улуш ололмайдилар.

Абу Ҳанифа мазҳабларига кўра юқорида баён этилган барча ширкат турлари қонуний деб ҳисобланади ва уларнинг даъволари қози томонидан кўриб чиқилади.

Ислом ҳуқуқида ширкатнинг тугатилиши масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Умумий қоидага кўра, ширкат шартномаси ўзгарувчи мажбурият - «жоиз ақд»га мансуб бўлиб, томонлардан бирининг талаби, ўлими, ақлдан озиши билан тугатилади. Ширкат тугатилгандан сўнг унинг барча мулклари, қарзлари ва фойдалари иштирокчилар ўртасида, уларнинг шахсий иштироки ёки вакили олдида тақсимланиши шарт.

Агар томонлардан бири мазкур тақсимотдан норози бўлиб қозига муурожаат этса, у ҳолда, мулк «қисмати қазо» - яъни қозининг ҳукми билан тақсимланади.

Шундай қилиб, ширкат ва у билан боғлиқ муносабатлар ислом ҳуқуқида муҳим аҳамият касб этиб, бошқа ҳуқуқ институтлари каби батафсил, энг кичик дақиқаларига қадар тартибга солинганлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги кунда иқтисодий жиҳатдан ривожланган бир қатор ислом давлатлари билан сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий-инвестициявий алоқалар ўрнатилиб, ўзаро шерикчилик асосида ҳамкорлик масалалари кенг миқёсида йўлга қўйилганлиги бизларга шариат нормалари асосида ширкат масалаларида етарли билим ва кўникмаларни талаб қилади.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқий (муомалат) муносабатларидаги мол-мулк, мерос, ворислик, шартнома, мажбурият, келишув каби тушунчалар ислом ҳуқуқи орқали бошқа ҳуқуқ оилалари билан боғлаб ўрганилган.

В статье рассматриваются такие понятия, как имущество, наследство, наследование, договор, обязательство, соглашение в гражданско-правовых (деловых) отношениях индивидов, связывая их через исламское право с другими правовыми семьями.

The article explores concepts such as property, inheritance, succession, contract, obligation, agreement in civil legal (treatment) relations of individuals in connection with other families of law through Islamic law.

О.М.БОЙНАЗАРОВ,

*Малака ошириш институти
Ахборот технологиялари цикли ўқитувчиси*

**АЛГЕБРАЛАР НАЗАРИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИБ
ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ СОҶАСИДА “Е-О‘QUV-KARYERA”
ТИЗИМИ ЎҚУВ ТИЗИМИНИНГ МОДЕЛИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

Ишлаб чиқилган “Е-о‘quv-karyera” ўқув тизимининг модел орқали курс тавсифини бажаришга шунингдек ўқув жараёнининг тавсифини ўқишга жалб етилган ходимларнинг профилида сақлашга имкон беради. Шу билан бирга, тез-тез интеграциялашган ўқув курсларини тузиш, курс бўлимларини мустақил курсга ажратиш керак бўлади. Ўқитувчининг курс яратиш бўйича иши, агар уни мавжуд бўлганлар асосида яратиш механизми мавжуд бўлса, оптималлаштирилиши мумкиндир. Курсни ўзлаштириш жараёнида ўқишга жалб етилган ходимларнинг иши ҳам оптималлаштирилиши мумкин. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун алгебралар назарияси элементларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш тизимининг расмийлаштирилган моделини ўрганиш керак.

Биз тўпламлар усулидан фойдаланган ҳолда бирлаштириш операцияси турли дарсликларда қуйидагича муҳокама қилинади:

$$M_{un} = M_i \cup M_j = \langle W_i \cup W_j, CT_i \cup CT_j, EM_i \cup EM_j, V_i \cup V_j \rangle. \quad (1)$$

W_i ва W_j тўпламларни ифодалагани учун, уларнинг бирлашуви

$$W_{un} = W_i \cup W_j.$$

CT_i ва CT_j компонентлари контент графикасини ифодалайди. Уларнинг бирлашиши [1] асосида қуйидагича аниқланади: график тепаликлар тўпламида (курс мазмуни элементлари) CTN_i ва CTN_j тепаликлар бирлаштирилган.


График қирраларнинг тўпламларини бирлаштиришни топиш учун иккита курснинг қирраларнинг тўпламини бирлаштириш амалга оширилади.

$$CTR_{un} = CTR_i \cup CTR_j,$$

бу ерда i, j - бирлаштирилган курсларнинг рақамлари.

Мисол учун: CT_i курс мазмуни графиги берилсин (1-расм):

$$CTN_i = \{a_1, a_2, a_3, a_4, a_5\}, CTR_i = \{(a_1, a_2), (a_1, a_3), (a_3, a_4), (a_3, a_5)\}.$$




1-расм - Курс мазмуни графиги.

CT_j курс мазмуни графиги қуйдагича ўрнатилади (2-расм):

$$CTN_j = \{a_1, a_7, a_3, a_6, a_5, a_8\},$$

$$CTR_j = \{(a_1, a_7), (a_1, a_3), (a_3, a_6), (a_3, a_5), (a_7, a_8)\},$$

i ва j курслари учун контент графикларининг бирлиги қуйдаги тўпламдир




2-расм – CT_j курс графиги.

$$CTN_{un} = CTN_i \cup CTN_j = \{a_1, a_2, a_3, a_7, a_6, a_5, a_8, a_4\}$$

$$CTR_{un} = CTR_i \cup CTR_j$$

$$= \{(a_1, a_2), (a_1, a_3), (a_3, a_4), (a_3, a_5), (a_1, a_7), (a_1, a_3), (a_3, a_6), (a_7, a_8)\}.$$



3 -расм - Курсларни бирлаштириш мазмуни графиги.

EM_i ва EM_j модел элементларининг бирлашиши (курс мазмуни)

қуйидагича:

$$EM_{un} = EM_i \cup EM_j = \langle P_i \cup P_j, E_i \cup E_{ij} \rangle.$$

Ставкаларни бирлаштириш компоненти (баҳолаш фонди) шунга ўхшаш тарзда аниқланади:

$$V_{un} = V_i \cup V_j = \langle VB_i \cup VB_j, VS_i \cup VS_j \rangle.$$

Курсларни бирлаштириш амалиёти тизимда мавжуд бўлганлар асосида интегратсиялашган ўқув дастурини яратмоқчи бўлган ҳолларда қўлланилади.

Келинг, яхлит курс тушунчасини таништирайлик. M_j курсини бириктириш орқали M_i курси асосида яратилган интегратсиялашган $M_{int}(M_i, M_j)$, ўқув дастури M_i, M_j курсини бирлаштириш оператсиясидан фойдаланган ҳолда олинади. Курсдан ўтиш жараёни қуйидагича таснифланади:

$$M_{sec} = M_i \cap M_j = \langle W_i \cap W_j, CT_i \cap CT_j, EM_i \cap EM_j, V_i \cap V_j \rangle.$$

G_i ва G_j тўпламларни ифодалагани учун уларнинг кесишиши мос келадиган тўпламларнинг кесишиши сифатида амалга оширилади:

$$W_{sec} = W_i \cap W_j.$$

CT_i ва CT_j компонентлари графикларни ифодалайди. Уларнинг кесишиши график кесишиш [1] оператсияси асосида аниқланади.

CT_i ва CT_j элементларининг ҳар бири CTN_i тугунлари тўплами ва жуфт $\{(ctn_{ij}, ctn_{it})\}$ элементларидан ташкил топган CTR_i қирралари билан аниқланган графикни ифодалайди. График кесишувининг таърифига кўра:

$$CTN_{sec} = CTN_i \cap CTN_j,$$

$$CTR_{sec} = CTR_i \cap CTR_j,$$

бу ерда CTN_{sec} - i ва j курсларнинг кесишиши натижасида олинган курс графигининг чўққилари тўплами,


CTR_{sec} - бу графикнинг қирралари тўплами.

Мисол учун: CT_i Курс мазмуни графиги қуйидагича таснифланади

$$CTN_i = \{a_0, a_1, a_2, a_3, a_4, a_5, a_6\},$$

$$CTR_i = \{(a_0, a_1), (a_1, a_3), (a_2, a_4), (a_2, a_5), (a_2, a_6), (a_0, a_2)\}.$$

CT_i курсининг графиги 4-расмда кўрсатилган.




4 –расм. CT_i курс мазмуни графиги.

CT_j курси мазмуни графиги куйидагича аниқланади (5-расм):

$$CTN_j = \{a_0, a_1, a_2, a_3, a_4, a_5, a_7, a_8, a_9\},$$

$$CTR_j = \{(a_0, a_2), (a_0, a_8), (a_2, a_4), (a_2, a_5), (a_2, a_7), (a_8, a_9)\}$$



5 –расм. CT_j курс мазмуни графиги.

i ва j курслари учун контент графикларининг кесишиши куйидаги тўпламдир (6-расм):

$$CTN_{sec} = CTN_i \cap CTN_j = \{a_0, a_2, a_4, a_5\},$$


$$CTR_{sec} = CTR_i \cap CTR_j = \{(a_0, a_2), (a_2, a_4), (a_2, a_5)\}.$$

EM_i ва EM_j модел элементларининг кесишиши (курс мазмуни) куйидагича топилган:

$$EM_{sec} = EM_i \cap EM_j = \langle P_i \cap P_j, E_i \cap E_j \rangle.$$

V_{sec} (баҳолаш жамғармаси) ўтиш компоненти:

$$V_{sec} = V_i \cap V_j = \langle VB_i \cap VB_j, VS_i \cap VS_j \rangle.$$



б -расм - Курслар кесишмасининг мазмуни графиги.

Кесишиш оператсияси бир нечта ўқув курсларининг умумий қисмини ажратиб кўрсатиш керак бўлганда ишлатилади.

Тасдиқ 1. Курсларни бирлаштириш амалиёти коммутативлик ва ассотсиативлик хусусиятларига эга.

Исбот:

Киритилган таърифга кўра, курсларни бирлаштириш оператсияси курс компоненталарини бирлаштириш орқали амалга оширилади. W_i ва W_j компонентлари курснинг компетентсиялар тўпламини ифодалайди, шунинг учун

$$W_i \cup W_j = W_j \cup W_i \text{ ва } (W_i \cup W_j) \cup W_k = W_j \cup (W_i \cup W_k)$$

тенгликларнинг бажарилиши тўпламлардаги амалларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. CT_i ва CT_j компонентлари $CT_i = \langle CTN_i, CTR_i \rangle$ ни кўрсатади, унда бирлашма қуйидаги қоидага мувофиқ амалга оширилади: график тепаликларининг CTN_i ва CTN_j тўпламлари бирлаштирилган ва CTR_i ва CTR_j графикларининг қирралари тўпламлари бирлаштирилган.

Тўпламлардаги оператсияларнинг хусусиятларига асосланиб:

$$\begin{aligned} CTN_i \cup CTN_j &= CTN_j \cup CTN_i, \\ (CTN_i \cup CTN_j) \cup CTN_k &= CTN_i \cup (CTN_j \cup CTN_k), \\ CTR_i \cup CTR_j &= CTR_j \cup CTR_i, \\ (CTR_i \cup CTR_j) \cup CTR_k &= CTR_i \cup (CTR_j \cup CTR_k), \end{aligned}$$

Бинобарин, CTN_i ва CTR_i компонентларини бирлаштириш оператсияси коммутативлик ва ассотсиативлик хусусиятларига эга.

$$EM_i \cup EM_j = \langle P_i \cup P_j, E_i \cup E_j \rangle.$$

P_i, P_j, E_i, E_j тўпламлари бўлгани учун, оператсия уларнинг бирлашмаси тўпламлар бирлашмасининг ишини ифодалайди, шунинг учун EM_i ва EM_j

компонентларининг бирлашуви ассотсиативлик ва коммутативлик хусусиятларига эга.

Курсларни баҳолаш воситаси учун қасаба уюшмаси қуйидагича кўрсатилади:

$$V_i \cup V_j = \langle VBA_i \cup VS_i, VB_j \cup VS_j \rangle.$$

VBA_i, VS_i, VB_j, VS_j - тўпламлар бўлгани учун, уларнинг бирлашуви - бу тўпламлар бирлашмасининг ишлаши, шунинг учун V_i, V_j компонентларининг бирлашиши ассотсиативлик ва коммутативлик хусусиятларига эга.

Кўрсатилганидек, курс моделининг барча компонентлари учун бирлаштириш оператсияси оммавийлик ва ассотсиативлик хусусиятларига эга, шунинг учун ўқув курсларини бирлаштириш оператсияси коммутативлик ва ассотсиативлик хусусиятларига эга.

Тасдиқ 2. K_j курсига қўшилиш орқали K_i курси асосида яратилган интегратсиялашган $K_{int}(K_i, K_j)$ курси K_i курси, яъни

$$K_{int}(K_i, K_j) = K_{int}(K_j, K_i)$$

га қўшилиш орқали яратилган K_j курси билан бирлаштирилган.

Кўрсатилган курсларни бирлаштиришнинг исботланган коммутативлик хусусиятидан келиб чиқади.

Тасдиқ 3. Кесишган курсларнинг ишлаши коммутативлик ва ассотсиативлик хусусиятларига эга.

W_i ва W_j компонентлари курснинг компетентсиялар тўпламини ифодалайди, шунинг учун қуйидаги тенгликларнинг бажарилиши

$$W_i \cap W_j = W_j \cap W_i \text{ ва } (W_i \cap W_j) \cap W_k = W_j \cap (W_i \cap W_k)$$

тўпламлардаги оператсияларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Компонентлар ва кесишиш қуйидаги қоидага мувофиқ амалга ошириладиган графикларни ифодалайди: график тепалари тўпламларининг кесишиши (курс мазмуни элементлари) CTN_i ва CTN_j , CTN_i CTR_i ва CTR_j графиги қирралари кесишиши. Тўпламлардаги оператсияларнинг хусусиятлари CTN_i ва CTN_j компонентларининг кесишишининг таърифига асосланиб:

$$CTN_i \cap CTN_j = CTN_j \cap CTN_i, \\ (CTN_i \cap CTN_j) \cap CTN_k = CTN_i \cap (CTN_j \cap CTN_k).$$

CTR_i ва CTR_j конструксияларининг кесишиши мажмуи кесишиши деб таърифлангани учун қуйидаги тенгликлар тўғри:

$$\begin{aligned} CTR_i \cap CTR_j &= CTR_j \cap CTR_i, \\ (CTR_i \cap CTR_j) \cap CTR_k &= CTR_i \cap (CTR_j \cap CTR_k), \\ EM_i \cap EM_j &= \langle P_i \cap P_j, E_i \cap E_j \rangle. \end{aligned}$$

P_i, P_j, E_i, E_j тўпламларни ифодаллагани учун EM_i ва EM_j компонентларининг кесишиши ассотсиативлик ва коммутативлик хусусиятларига эга.

Маблағларни тежаш мақсадида курсларини баҳолаш воситаси учун кесишма қуйидагича белгиланади:

$$\begin{aligned} V_i \cap V_j &= \langle (VBA_i \cap VBA_j), (VS_i \cap VS_j) \rangle, \\ V_i \cap V_j &= \langle (VBA_i \cap VBA_j), (VS_i \cap VS_j) \rangle = \\ &= \langle (VBA_j \cap VBA_i), (VS_j \cap VS_i) \rangle = V_j \cap V_i. \\ (V_i \cap V_j) \cap V_k &= \langle (VBA_i \cap VBA_j), (VS_i \cap VS_j) \rangle \cap \langle VBA_k, VS_k \rangle \\ &= \langle (VBA_i \cap VBA_j) \cap VBA_k, (VS_i \cap VS_j) \cap VS_k \rangle \\ &= \langle VBA_i \cap (VBA_j \cap VBA_k), VS_i \cap (VS_j \cap VS_k) \rangle = V_i \cap (V_j \cap V_k). \end{aligned}$$

Бинобарин, $V_i \cap V_j$ ўқув курсларини баҳолаш воситаларининг маблағлари кесишиши ҳам коммутативлик ва ассотсиативлик хусусиятларига эга.

Кўрсатилганидек, ўқув курси моделининг барча таркибий қисмлари учун кесишиш операцияси коммутативлик ва ассотсиативлик хусусиятларига эга, шунинг учун ўқув курсларининг кесишиши коммутативлик ва ассотсиативлик хусусиятларига эга.

Тасдиқ 4. Курсларнинг комбинатсияси уларнинг кесишиши бўйича тақсимланади.

Бу бирлашма орқали операциялари таърифидан ва тўпламлар ва графикалар бўйича операцияларнинг тезлиги ва хусусиятларининг кесишмасидан келиб чиқади.

Тасдиқ 5. Курсларнинг кесишиши уларнинг бирлашиши бўйича тақсимланади.

Бу шуни кўрсатадики бирлашма операциялари таърифидан ва тўпламлар ҳамда графикалар бўйича операцияларнинг тезлиги ва хусусиятларининг кесишмасидан келиб чиқади.

Айтиш жоизки, шундай қилиб, ички ишлар органлари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг таркибий модели ишлаб чиқилган;

структуравий модел асосида ўқитиш тизимининг расмийлаштирилган модели ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади: ўқув тизими ва ўқув курсининг модели, ўқитиш тизимининг мақсадли компонентининг модели, тизимда ўқитувчиларнинг профили, ўқишга жалб этилган тингловчиларнинг тизимдаги профилининг моделидан иборат; Алгебралар назариясидан фойдаланган ҳолда ўқитиш тизимининг моделини ўрганиш амалга оширилди – энг муҳим омил ҳисобланади. Бирлаштириш операциялари жорий қилинганда, бу бизга ўқув тизимида мавжуд бўлган курслар асосида янги курсларни олиш имконини беради.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ички ишлар органлари соҳасида кадрлар тайёрлашни структуравий модел асосида ўқитиш тизимининг электрон расмийлаштирилган модели ишлаб чиқилган бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади: ўқув тизими ва ўқув курсининг модели, ўқитиш тизими мақсадли компонентининг модели, тизимда ўқитувчиларининг профили, ўқишга жалб этилган тингловчиларнинг тизимдаги профилидан иборат бўлган модели ишлаб чиқилган.

В данной статье разработана электронная формализованная модель системы обучения на основе структурной модели системы подготовки кадров в сфере внутренних дел, которая включает в себя: модель учебного курса системы подготовки, модель целевой компонент системы обучения, профиль преподавателей в системе, профиль обучающихся, вовлеченных в обучение в системе Разработана модель.

In this article, an electronic formalized model of the training system was developed based on the structural model of the personnel training system in the field of internal affairs, which includes the following: the model of the training course of the training system, the model of the target component of the training system, the profile of teachers in the system, the profile of the students involved in the study in the system A model has been developed.

B. B. RADJABOV

*An employee of the Ministry of Internal Affairs,
Independent researcher of the Academy of the Ministry of Internal Affairs.*

**THE ROLE OF LEGAL INFORMATION AND LEGAL
PUBLICATION IN THE ACTIVITY OF INTERNAL AFFAIRS BODIES:
PROBLEMS AND WAYS TO ELIMINATE THEM**

Introduction. Today the dangers and threats arising on a global scale, first of all, international terrorism, religious extremism, illegal migration, human trafficking, and spread of ideology alien to our people have forced the internal affairs bodies to work out new measures in order to prevent afore-mentioned threats.

In our country, the importance of issues of prevention of violations (crimes) by increasing the legal awareness of the population requires scientific research in this field. From this point of view, it is an urgent task for internal affairs bodies to raise the legal awareness of the citizens and increase their legal consciousness by constantly providing the citizens with basic legal information.

Materials and methods

General scientific methods such as chronological, comparative, legal, and logical (analysis and synthesis) methods have been applied in this article.

Any scientific research related to the issues of improvement of legal awareness of the society has not been conducted by the scientists of our country. However, some aspects of this issue have been discussed by A.Saidov[2-4], U.Tadjikhanov[1-4], Kh.Odilkoriev[10,11], Sh.Orazaev, I.Tulteev, Kh.Mamatov, O'.Mukhamedov, and I.Turgunov.

A group of scientists from the Commonwealth of independent states V.Avanesyan, I.Ivannikov, A.Golovistikova, Y.Dmitriev, N.Voplenko, A.Ratinov, V.Kaminskaya, V.Salnikov, A.Semitko, E.Agranovskaya, L.Morozova, V.Boytsova, S.Alekseev and others have conducted scientific research works on the essence of legal awareness and its role. Another group of researchers A.Zryachkin, A.Mesilov, A.Ibraeva, A.Arbusov, I.Krigina, O.Dolgopolov, Y.Metevosova, J.Blaaw and others have studied the issues of legal propaganda and legal information delivery, formation of the spirit of obedience to the law, causes of legal nihilism, neglectful attitude of citizens towards the rights of civil servants and etc. in their research works.

Nevertheless, in the process of improving legal awareness of society it is necessary to determine specific features of the legal promotion and legal information delivery activities of the internal affairs bodies. Moreover, it is important to analyze the advanced foreign experience and the opinions of experts in this field in order to improve the theoretical bases of delivering legal awareness.

It is important to note that legal promotion and legal information delivery activities of internal affairs bodies are one of the specific functions of this state body. Legal promotion activity, at the same time, reflects the educational value, and is a very important issue in the science of jurisprudence and science in general, as well as in all spheres of social life and a number of scientific research has been conducted on the importance of this issue. In particular, Professor Kh.Odilkoriev has deeply researched the essence and mechanism of legal propaganda [10; pp. 42-47]. According to Kh.Odilkoriyev, the essence of legal propaganda is to have a purposeful moral-legal influence on the minds of citizens, social groups (i.e. community or group that is being propagated), conveying to them legal knowledge generally recognized in society, legal ideas, views, values and legal behavior in their minds is an activity aimed at resolving stereotypes (models), spreading legal enlightenment and improving legal awareness.

The state institution is also interested in the fact that citizens are well aware of the content of the current legislation. Therefore, it creates a wide legal information field at the country level and in the formation of such an information space, the presence of a legal promotion system, legal knowledge and a wide infrastructure of information dissemination is of special importance.

According to its legal nature, legal propaganda is one of the main methods of legal education, spreading legal knowledge to public, instilling the foundations of the state legal policy and legal ideology into the consciousness of the population, establishing legal ideas, requirements, views, values and legal beliefs, as well as positive legal beliefs. Legal propaganda is an activity that is carried out in order to strengthen the behavior model. The main aim of legal promotion is to disseminate legal knowledge at the community level, to deliver legal information to recipients regularly.

This process consists of the following elements:

- a) entity that distributes (delivers) legal information - communicator;
- b) object that receives legal knowledge, information - communicant;

- c) legal information - communicate;
- d) the scope of legal communication (communication) - the situation of legal influence.

Subjects of legal promotion (state bodies, public associations, political parties, mass media, educational institutions, employees of law enforcement bodies, legal experts and scientists) provide the public with legislation and other legal information in order to raise legal awareness of citizens. Subject delivers legal information to a wide range of strata of the population, especially to young people [10; p. 44].

Regarding the issue of legal propaganda playing an important role in the formation of the behavior of the young, scientist M.Lavarslanova emphasizes that this issue is extremely problematic in the process of building a legal state. According to his recognition, raising the legal awareness and legal socialization to a higher level in the formation of the worldview of the young generation in this process is one of the first tasks [12; s. 4.].

On September 7, 2017, the Law “On Dissemination of Legal Information and Ensuring its Use” was adopted [14] and this law says “legal information - normative legal documents, official comments on them, explanations on the procedure for the application of normative legal documents, decisions of the Constitutional Court of the Republic of Uzbekistan. It should be noted that it is defined as the texts of the decisions of the Plenum of the Supreme Court of the Republic on the issues of application of legal documents, as well as materials for summarizing judicial practice.

Research results. Raising the legal consciousness of citizens and the legal awareness of society in our country is on the focus of state policy, and a number of legislative documents have been adopted in this regard, and reforms in this field have been widely implemented in the life of society.

In particular, within the framework of the national program “Development of legal awareness in society”, positive results have been achieved in all spheres of society, raising legal awareness, enhancing legal literacy, training legal experts, realizing the rights and freedoms, legal interests of citizens, and managing the life of the state and society based on the criteria of justice.

Moreover, the adoption of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan from January 9, 2019 No. PD-5618 “On measures to further improve legal awareness and legal culture in society” plays an important role in increasing the effectiveness of work in this direction. It is mentioned on this

Presidential Decree that it is necessary to expand the effective mechanisms of cooperation of educational institutions with law enforcement bodies to raise the legal consciousness and legal culture of the young generation, to implement the raising of legal culture to civil society institutions, state and non-state organizations, which play an important role in the life of society.

However, the analysis of the work in this field shows that the development of the legal awareness of the society is seen only as the work of law enforcement agencies, and that the work on improving the legal literacy of the population is not systematically carried out by families, mahallas, educational institutions, enterprises and organizations, as well as civil society institutions.

In order to eliminate the above-mentioned problems, a number of tasks have been assigned to the internal affairs bodies and the internal affairs bodies play an important role in raising legal awareness of the population. In particular, when analyzing the activities of the internal affairs bodies in terms of legal promotion and raising legal literacy in cooperation with law enforcement agencies and public organizations, a number of meetings, conferences, debates and roundtables have been organized with citizens and young people on the basis of the conceptual idea that “establishing the spirit of respect for laws in society is the guarantee of building a democratic legal state!” [6]. It is necessary to highlight that majority of tasks assigned to the internal affairs bodies have been implemented.

In particular, an important factor in the formation of civil society ongoing propaganda activities on improving the legal literacy of the population is aimed at uniform and correct understanding of the legal documents adopted by the state, support for its implementation, prevention of cases of legal nihilism, formation of the spirit of obedience to laws and, most importantly, practical opinions are given that it helps to form a feeling of goodwill towards the state authorities.

The existence of a population with undeveloped legal consciousness and low level of legal literacy is a problem for the state, and the increase of this category poses a serious threat to the security of the state and society. It is a well-known fact that “color revolutions” and “coups” that took place some countries in recent decades resulted in legal illiteracy of the population of those countries. In such cases, the maintenance of public order and public safety has a

negative impact on the activities of not only internal affairs bodies, but also all law enforcement agencies.

Therefore, the concept of Public Security adopted on the basis of the Presidential Decree [7] helped the internal affairs bodies to better cooperate with the population and to improving the legal awareness of the society. Also, the activities of the Press Service of the internal affairs bodies have been implemented with the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 27, 2019 “On additional measures to ensure the independence of the mass media and develop the activities of information services of state bodies and organizations”. Through press services, legal information and propaganda have been widely launched through mass media on social and a series of programs such as “The Truth and Justice of Crime” have been presented to the population. Also, the announcement of prompt official reaction to news released by the mass media serves to strengthen its preventive effect.

Thus, it is important to raise the legal consciousness and awareness of the population to convey the main points of the adopted laws and decrees to public [8]. In addition, it is important to note that although level of legal literacy of the population is improving year by year, majority part of the population of our country still tend not to recognize the law-abiding spirit, duties and obligations and this indicates a lot of propaganda work needs to be done.

In such cases, the desire of citizens to put their personal interests above the interests of society and the state can be an obstacle to the transition from a legal democratic state to a free civil society.

It is a well-known fact that citizens use the least amount of legal knowledge in their daily lives. This knowledge is usually related to constitutional, labor, family, civil, entrepreneurship rights. The fact that citizens have extensive legal knowledge does not mean a high level of legal awareness because legal awareness includes not only legal knowledge, but also the ability to apply it and demonstrate legal activity [9; B. 149].

The level of legal awareness is determined not by the number of adopted laws, but by their full implementation. Even the most mature and thorough law will remain insignificant as a value if it does not find its reflection in social life. In this regard, the great French philosopher Sh.Montesque wrote: “when I go to a country, I am interested not in the existence of good laws there, but in how the laws are obeyed, because good laws are everywhere.” [13].

Therefore, using the capabilities of internal affairs bodies to raise the legal consciousness and legal awareness of the society, firstly, helps to ensure the rule of law and legal order in the society; secondly, by bringing the law closer to people, obedience to the law and intolerance to the violation of the law is formed; thirdly, it forms legal immunity against factors that have a negative impact on the legal education of young people; fourthly, it increases the value of law; fifth, it increases the legal literacy of the population; sixth, it serves as an effective tool in establishing a democratic-legal state; seventhly, it prevents a nihilistic (disbelief, disdain) attitude towards law.

Conclusions

In conclusion, the activities of the internal affairs bodies to raise the legal consciousness and legal awareness of the society are necessary to improve the system of conveying the content and essence of the socio-economic reforms implemented in our country, adopted legal documents and state programs. In future it is vital to implement the mechanism “province-city-district-neighborhood-house”.

In the improvement of this system and the mechanism of its implementation, priority should be given to clear understanding of the adopted legislative documents, support for its execution, prevention of cases of legal nihilism, formation of the spirit of obedience to the laws, and formation of goodwill among citizens towards the current state power.

In addition, the development of a system and implementation of mechanism of measures to improve the legal consciousness and awareness of students of higher and secondary special educational institutions, employees of enterprises, institutions and organizations is becoming a necessity in the activities of internal affairs bodies.

In this case, it would be appropriate to deeply inculcate the concepts of rights and duties, honesty and purity, as well as the norms of etiquette, to organize legal and educational activities to increase legal literacy among the population in harmony with the teaching of the history, religion, and national values of our people.

Also, the lack of interdepartmental normative legal documents at the government level defining the tasks and functions of the general public and interested ministries and organizations in the discussion of crimes in connection with serious and extremely serious crimes committed by the internal affairs

bodies and the "Crime Prevention Day" events every Thursday of the week is also negative for the effectiveness of the events. has an effect.

Based on the above considerations, it is appropriate to implement the following measures:

introduction of the "province-city-district-neighborhood-house" system and the development of its mechanisms for conveying the content and essence of the socio-economic reforms, adopted legal documents and state programs in the activities of internal affairs bodies;

making an interagency regulatory legal document or joint decision at the government level defining the tasks and functions of the general public and interested ministries and organizations during the discussion of crimes held in connection with serious and extremely serious crimes and "Crime Prevention Day" every Thursday of the week;

organization of legal challenges in cooperation with internal affairs bodies, law enforcement bodies and state organizations on legal literacy through social networks and mass media;

Wide application of new work methods and mechanisms, in particular, digital technologies, to the practical activities of internal affairs bodies to improve legal culture, having studied the advanced experience of developed foreign countries in depth.

PE3IOME

